Если при заданном $p(\alpha)$ движение массы в питателе возможна, из условия равенства напряжения в сечении $x = c$, следует, что кривые $p_1(\alpha)$ ($x > 0$) $p_2(\alpha)$ $x < R$ пересекутся в точке с абсциссой $x = c$. Эта точка является границей обоих участков. Если эта точка найдется, то из соотношения

$$\omega R = \frac{Q}{b(\alpha_c) \rho(\alpha_c) L}$$

находим необходимую скорость вращения колков для получения заданной производительности питателя. Для расчета мощности, расходуемой питателем, нужно подсчитать давление p по границе касания между окружностью и полосой. Зная давление p как функции α , определяем окружное усилие по формуле

$$T = f \left[\int_0^{\alpha_c} p_1(x) dx - \int_{\alpha_c}^{\pi/2} p_2(x) dx \right]$$

После этого мощность, расходуемая на подачу сырца через питатель, может быть вычислена по формуле

$$W = L(\omega RT + p_h \frac{Q}{\rho_0 L b(\pi/2)}) + W_f \quad (7)$$

где, W_f – мощность, расходуемая на преодоление трения в рабочей части питателя.

Обозначим через $p_1(\alpha)$ и $p_2(\alpha)$ давления в областях $0 < \alpha < \arcsin(c/R)$, $\arcsin(c/R) < \alpha < \pi/2$ соответственно, и рассмотрим участок $\alpha > 0$, согласно вышеуказанным условиям, решения уравнения (6) для каждой зоны записываем в виде

$$p_1 = \exp[F_{11}(\alpha)] \int_0^{\alpha} F_2(t) \exp[-F_{11}(t)] dt$$

$$p_2 = \exp[F_{12}(\alpha)] \{p_h \exp[-F_{12}(\pi/2) - \int_{\alpha}^{\pi/2} F_2(t) \exp[-F_{12}(t)] dt]\}$$

где
$$F_{11} = \frac{-b' + kR \cos \alpha (\sin \alpha + f \cos \alpha) - F_0(\alpha)}{bc(\alpha)}$$

$$F_{12} = \frac{-b' + kR \cos \alpha (\sin \alpha - f \cos \alpha) - F_0(\alpha)}{bc(\alpha)}$$

Граница участков $\alpha_c = \arcsin \frac{c}{R}$ определяется из условия $p_1(\alpha_c) = p_2(\alpha_c)$, которое дает

$$\exp[F_{11}(\alpha_c)] \int_0^{\alpha_c} F_2(t) \exp[-F_{11}(t)] dt = \exp[F_{12}(\alpha_c)] \{p_h \exp[-F_{12}(\pi/2) - \int_{\alpha_c}^{\pi/2} F_2(t) \exp[-F_{12}(t)] dt]\}$$

На рис. 3. представлена кривая распределения напряжения сжатия $p = -\sigma_x = -P/b(\alpha)$ (Па) для различных значений параметров $n = 2V_1/V_2$ и $\bar{k}$. Расчеты были проведены для следующих значений исходных данных: $R = 0.07 м$, $b = 0.1 м$, $\rho = 60 кг/м^3$; $L = 1.9 м$; α

Выводы:

При этом напряжение в нижней части шахты накопителя вычисляется по формуле $\sigma_x = \rho_0 g H = 840 Па$, координата сечения, где скорость перемещения сырца совпадает со скоростью валика, будет равна $c = 0.9126R = 0.06363 м$. Скорость вращения валика равна, $\omega = \frac{Q}{\rho_0 R b(c)} = 1.58 с^{-1} = 15.8 об/мин$ линейная скорость $v_g = R\omega = 0.11 м/с$.

Анализ полученных кривых показывает, что скорость движения хлопка-сырца меняется от минимального $v_{min} = 0.025 м/с$. в сечении $x = 0$ до максимального значения $v_{max} = 1.176 м/с$.

Список литературы

- [1]. Справочник по первичной обработке хлопка. Под редакцией Омонова Ф.Б. (на узбекском языке). Ташкент-2008 г.
- [2]. Мирошниченко Г.И. Основы проектирования машин первичной обработки хлопка. – М., «Машиностроение», 1972. – 486 с.
- [3]. Лебедев Д.А. и др. Нелинейная модель воздействия на сорную частицу при очистке волокна. Журнал «Технология текстильной промышленности», №5(320), 2009 г.
- [4]. Савостьянов А.Г. Методы и средства исследований механико-технологических процессов текстильной промышленности. Москва, «Легкая промышленность», 1980 г.

УЎК: 621.01

ТАСМАЛИ КОНВЕЙЕРНИНГ ЙЎНАЛТИРУВЧИ ТАРКИБЛИ РОЛИКЛИ МЕХАНИЗМИ АЙЛАНИШИГА ҚАРШИЛИК КУЧЕНИ ЎРГАНИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

А. Джураев¹, А.М. Музафаров², А.С. Жумаев³, Ж.И. Орипов

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти¹, Навоий кон-металлургия комбинати “МИТЛ” ДК²
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий бўлими³
(Қабул қилинди 28.05.2020 й.)

Аннотация: Мақолада мавжуд замонавий технологиялар ва материаллардан фойдаланган ҳолда иш режимларига қараб, тасмали конвейер йўналтирувчи роликли механизмларини айланишига қаршилиқ кўрсатиши бўйича экспериментал тадқиқотлар ва уларни илмий асослаб, тасмали конвейер самарадорлигини пасайишига таъсир қилувчи бир қатор операцион омилларнинг салбий таъсирини камайтириши бўйича тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: ресурс, технология, конвейер, тасма, коэффициент, ишқаланиш, энергия, эксперимент, параметр, динамика, кинематика.

Аннотация: В статье представлены экспериментальные исследования сопротивления вращению направляющих роликовых механизмов ленточного конвейера в зависимости от режимов работы с использованием современных технологий и материалов, а также их научное обоснование, рекомендации по снижению негативного влияния ряда действующих факторов, влияющих на эффективность ленточного конвейера.

Ключевые слова: ресурс, технология, конвейер, лента, коэффициент, трение, энергия, эксперимент, параметр, динамика, кинематика.

Annotation: The article presents experimental studies of the resistance to rotation of the guide roller mechanisms of the conveyor belt, depending on the operating modes using modern technologies and materials, as well as their scientific justification, recommendations for reducing the negative impact of a number of existing factors affecting the efficiency of the conveyor belt.


Keywords: resource, technology, conveyor, belt, coefficient, friction, energy, experiment, parameter, dynamics, kinematics.

Республикаимиз тоғ-кон саноати ускуналарини такомиллаштиришда, хусусан энергия ва ресурстежамкор, юқори тезликда ишлайдиган техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга қўллаш, маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга ресурстежамкор машина ва механизмларни янги конструкцияларини яратиш, ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тоғ-кон саноати соҳасида ва илмий-тадқиқот марказларида рақобатбардош ҳамда сифатли маҳсулотлар олишда юқори самарадорликка эга ва ресурс тежамкор технологияларни яратишда машина ва механизмларнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тоғ-кон корхоналарида тасмали конвейер узелида айланма ҳаракатни амалга ошириб берувчи роликли механизмларни яратиш, параметрларини асослаш учун структуравий, кинематик ва динамик анализ усулларини ишлаб чиқиш ҳамда машинасозлик ишлаб чиқариш жараёнларини сифатли бажарилишини таъминлайдиган техника ва технологияларни яратиш бўйича кенг қўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Машина ва механизмларнинг янги авлодларини яратиш бўйича чуқур назарий ва тажрибавий тадқиқотлар олиб боришга, хусусан тоғ-кон корхоналари, машинасозлик, енгил саноат ва тўқимачилик саноатининг технологик машиналари учун юқори самарали ва ресурстежамкор механизмларни янги авлодларини ишлаб чиқиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Конвейер узелида тасмаларнинг йўналтирувчи роликли таянчлари бутун вазифаларни бажарадиган муҳим функционал қисмидир. Техник хусусиятларига ва жойлашишларига қараб улар узелнинг ёрдамчи ёки асосий вазифасини бажариш мумкин. Аммо доимий юкланиш туфайли роликларнинг ишлаш муддати чекланган ва улар мунтазам равишда

таъмирланади ёки алмаштирилиб турилади. Тасмали конвейерлар таъмирлаш вақтида камчиликлар юзага келмаслиги учун унинг қисмларини фақатгина асл қисмларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунинг амалга оширишнинг техник вазифаси шундан иборатки, ишлов бериш қисмларининг сифатига қўйиладиган талабларни янада кучайтириш, алмаштириш қўлайлигини ошириш ва роликли механизмнинг хизмат қилиш муддатини оширишдан иборатдир. Бундан ташқари, тасмали конвейерларда сезиларли ўзгаришсиз ишлатилиши мумкин бўлган йўналтирувчи таркибли роликли механизмларни яратиш вазифаси ва механизмни айланма ҳаракатини амалга ошириб берувчи думалаш подшипниги ўрнига сирпанувчи таянч вазифасини бажарувчи пластмасса ва таркибли қайишқоқ элементли материаллардан тайёрлаш тавсия этилмоқда.



1-расм. Роликли механизм (Тасмали конвейер). 1- ўк, 2- лабиринт қапқоқ, 3- метал қапқоқ, 4- ступица, 5- лабиринт химоя қопламаси¹, 6- лабиринт химоя қопламаси², 7- халқа¹, 8- халқа², 9- қайишқоқ элемент, 10- сирпанувчи таянч (графитокапролон), 11- обейчайка.

Тадқиқотлар асосида, думалаш подшипникларининг ишлаш даврийлигини ошириш мақсадида йўналтирувчи роликли механизмларнинг такомиллаштирилган конструкцияларини лойиҳалаш ва жорий этишга қарамасдан, механизмнинг белгиланган ишлаш муддатидан олдин таъмирлашга келиши кузатилади. Бунинг яна бир асосий сабабларидан бири, иқлим шароитидир, бунинг натижасида пластик мойларнинг иқлим шароитига қараб танланиши назарда тутилади. Йўналтирувчи роликли механизмлар айланиш қаршилигининг катталигига таъсир қилувчи асосий операцион хусусиятларидан бири пластик мойларнинг тўғри танланишидир. Бунда атроф муҳит ҳарорати ҳам муҳим операцион омил ҳисобланади. Салбий ҳарорат, яъни ҳароратнинг исиб ёки пасайиб кетиши шароитида, пластик мойларнинг хусусияти пасайиши кузатилади, натижада роликли механизм тўхтаб қолиш ҳолатлари юз беради.

Шундай қилиб, роликли механизмларни ишлаш даврийлигини ошириш мақсадида, турли операцион омиллар таъсирини ўрганиш орқали, тасмали конвейерларнинг такомиллаштирилган турларини ишлаб чиқиш, натижада, тоғ-кон саноатида иш суръатини юқори самарадорликка эришиш имконини бериб, бу ўз навбатида жуда долзарб илмий техникавий вазифа ҳисобланади.

Тасмали конвейер йўналтирувчи таркибли роликли механизмларни турли тадқиқотлар асосида ўрганиш, ушбу механизмларни саноат корхоналарида бевосита қўллашдан иборатдир. Тадқиқотлар жараёнида бир неча экспериментал тузилмавий текширишлар натижасида уларни амалга ошириш жараёнида йўналтирувчи таркибли роликли механизмнинг бир қатор камчиликлари кузатилди. Бунинг учун йўналтирувчи таркибли роликли механизмнинг ишлаш жараёнида вужудга келадиган бир нечта камчиликларини умумлаштириб илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш кўзда тутилади.

Юқорида айтиб ўтилган ноқулайликлар туфайли йўналтирувчи роликли механизмларни ўрганиш учун комбинацияланган усулдан фойдаланиш бошланди. Ушбу усулнинг асосий моҳияти марказий илмий-тадқиқот лаборатория шароитларида дастлабки тезлаштирилган синовларни ўтказиш, натижада саноат муҳитида кейинги тадқиқотлар ишлаб

чиқариш шароитида энг кўп йўналтирувчи роликли механизмларни танлаш амалга оширилди. Илмий-тадқиқот усулининг мақсади йўналтирувчи роликли механизмларни лойиҳалашни яхшилашдир, бу тасмали конвейерларнинг самарадорлигини пасайишига таъсир қилувчи бир қатор операция омилларининг салбий таъсирини камайтиради.

Илмий-тадқиқотлар ва изланишлар натижасида ҳисоблашнинг иккита усули қўлланилади: тахминий ва батафсил (аниқлаштирилган). Тахминий ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тасма тезлигининг ω' ҳаракатланишига ёки унинг озгина фарқланишига қаршилиқнинг умумий коэффициентидан фойдаланилади. Натижада, умумий қувватнинг тахминий қийматлари, лентанинг мустаҳкамлик параметрлари ва характерли нуқталаридаги кучланиш олинади. Қисқа узунликдаги тор тасма билан конвейерларни лойиҳалашда, шунингдек кўп ҳолларда оммавий ишлаб чиқарилган тасмали конвейерларни танлашда тахминий ҳисоб китобларнинг аниқлиги етарли бўлади. Катта узунликдаги замонавий тасмали конвейерларнинг лойиҳалашда кенгроқ қўлланиладиган тахминий ҳисоб-китоблар тасмали конвейерларнинг параметрлари ва таркибий элементларини аниқлашда жиддий хатоларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун уни фақат ушбу техник лойиҳалашдаги вазифага мувофиқ тасмали конвейерларнинг асосий параметрларини олдиндан аниқлаш учун ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Кўпинча ҳаракатга қаршилиқ кўрсатишнинг умумий коэффициенти $\omega'=0,02-0,04$ бўлиб, кейинчалик ўрнатилган қувватни 15-30% га ошириб юборишига олиб келади [1].

Тахминий ҳисоб-китобларни топиш учун умумий қаршилак коэффициенти қабул қилинди:

$$W_0 = W_{ГР} + W_{П} = k(q_{ГР} + q_{Л} + q'_{Р} + q''_{Р})L\omega' \cos\beta \pm q_{ГР}L \sin\beta, H \quad (1)$$

Тахминий ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ω' умумий қаршилиқ коэффициенти қўлланилди, кейинчалик уни аниқлаштириш билан юқори ва пастки тармоқлар (тасмали конвейер) учун қаршилиқни ҳисобга оладиган иккита таркибий қисмга бўлиш мумкин. Юк $\omega'_{ГР}$ ва юксиз $\omega'_{П}$ тармоқлар учун қаршилиқ коэффициенти қўлланилганда, тахминий ҳисоб-китоблар қўйидаги шаклни олади:

$$W_{ГР} = k(q_{ГР} + q_{Л} + q'_{Р})L\omega'_{ГР} \cos\beta \pm (q_{ГР} + q_{Л})L \sin\beta, H \quad (2)$$

$$W_{П} = k(q_{Л} + q''_{Р})L\omega'_{П} \cos\beta \mp (q_{Л})L \sin\beta, H \quad (3)$$

бу ерда $W_{ГР}$ ва $W_{П}$ – юқори ва пастки тармоқлар ҳаракатига қаршилиқ, N; k – ҳаракатга қаршилиқнинг концентрацияланган кучларини ҳисобга оладиган коэффициент; $q_{ГР}$, $q_{Л}$, $q'_{Р}$, $q''_{Р}$ - юкнинг оралиғидан, тасмадан, юкли ва бўш тармоқлардаги йўналтирувчи роликли механизм таянчининг айланадиган қисмларидан келиб чиқадиган юкланишлар, Н/м; $\omega'_{ГР}$, $\omega'_{П}$ – тасманинг йўналтирувчи роликли механизм таянчлари бўйлаб ҳаракатланишга қаршилиқ коэффициенти; L – тасмали конвейер узунлиги, м; β –тасмали конвейернинг эгилиш бурчаги.

Агар тасмали конвейер ишлатилиш жойи мураккаб фазовий тартибга эга бўлса, тарқалиб кетган ва маҳаллий қаршилиқни ҳисоблаш керак бўлса ва тортишиш кучи контур бўйича айланиш усули ёрдамида аниқланган бўлса, ушбу турдаги ҳисоблаш қўлланилади. Шунингдек, илмий изланишларни тахминий ҳисоблаш услубида атроф муҳит ҳарорати, тасма тезлиги, йўналтирувчи роликли механизмдаги юкланиш каби ҳаракат омилларининг бутун ҳаракатига нисбатан қаршилиқ қийматига таъсир кўрсатиши ҳисобга олинмаганлиги сабабли сезиларли даражада хатоликлар мавжуд бўлади.

Конвейер тасмасининг ҳаракатига турли қаршилиқ кучларининг таъсирини аниқроқ ҳисобга олиш учун кенг кўламли назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилиши лозим бўлади. Тасманинг ҳаракатига қаршилиқ кўрастадиган ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаш учун тасмали конвейернинг янгиланган илмий изланишлар бўйича қилинган ҳисоб-китоби ишлаб чиқилган.

Илмий изланишлар натижасидаги ҳисоблашнинг ушбу тури аниқ ҳисоб-китоб натижалари билан тавсифланади, бу қаршилиқ кучларини битта йўналтирувчи роликли механизм таянчга йиғиб, кейин ушбу кучни тасмали конвейер ўрнатилишининг бутун узунлиги бўйлаб бирлаштиришдан иборат бўлган тасма ҳаракатига умумий қаршилиқ

кучини аниқлашдан иборат бўлади. Олинган натижалар асосида конвейернинг асосий элементларини (тасма, йўналтирувчи ролик, механик ва элктр жихозлари) тўлдириш харажатлари ўзини тасдиғини топиши кераклиги сабабли илмий ҳисоб-китоблар асосида ҳисоблаш алоҳида эътибор талаб қилади [2].

Тасма ҳаракатига қаршилиқ кучларини экспериментал тадқиқотлари шуни кўрсатдики, яъни тасмада қўйидаги кучлар ишлайди: тасма деформацияланишидан ҳаракатга қаршилиқ кучи ва ташиш пайтида юкланишларнинг ўзгаришларидан ҳаракатга қаршилиқ кучи. Лентали конвейернинг тасмаси юк кўтариш ва тортиш учун хизмат қилади. Бўйлама ва кўндаланг йўналишларда ҳам маълум бир қаттиқликка эга бўлган ҳолда ҳаракатланаётганда, йўналтирувчи роликли механизм ўртасида деформацияланади. Тасманинг деформацияси уни таянчлар орасига сиқиб кетишига, шунингдек, ён томон йўналишида оғиб кетиши ва ораликнинг ўртасигача етиб боришига олиб келади. Тасма номукамал эластик танадир – бу деформация жараёни маълум бир кучнинг ҳаракатига тенг келадиган энергия сарфлаши билан боғлиқ – тасма деформациясидан келиб чиқадиган ҳаракат натижасида қаршилиқ кучи ҳосил бўлади. Тасмада оммавий равишда ташиладиган юк, унинг хусусиятлари туфайли тасма конфигурациясини такрорлайди, яъни деформацияланади. Ўз навбатида, юкнинг деформацияси энергия йўқотишларига олиб келади, бу эса эквивалент кучнинг пайдо бўлишига олиб келади – юкнинг деформацияланишидан келиб чиқадиган ҳаракатга қаршилиқ кучи таъсир қилади. Ушбу кучлар тасма ҳолатининг ўзгаришига боғлиқ бўлган барча омилларга характерланади: тасма таранглиги ва унинг тақсимланган юкланишни ошиши, йўналтирувчи роликли механизм орасидаги масофа, тасма тезлиги, ён томонда жойлашган йўналтирувчи роликли механизмлар учун бурчакка эга бўлган роликларнинг шакли, бўйлама ва кўндаланг йўналишларда тасманинг қаттиқлиги, тасманинг тезлигига боғлиқ бўлади.

Шунингдек, тасма ва юкларнинг биргаликдаги ҳаракати пайтида энергия йўқолиши билан боғлиқ жараёнларга қўшимча равишда яна иккита қаршилиқ кучлари пайдо бўлади: конвейер йўналтирувчи роликларининг айланишидан ва пастки томонидаги роликли механизм билан тасма оралиғидаги ўзаро ишқаланишидан.

Умуман олганда юқорида кўрсатилган қаршилиқлар йўналтирувчи роликли механизмда тасма ҳаракатига умумий қаршилиқ кучини ҳосил қилади. Экспериментал маълумотларга асосланиб, ҳаракатга қаршилиқнинг умумий коэффициенти ω' ва унинг алоҳида қисмларини аниқлаш мумкин: юк $\omega'_{\text{деф.г}}$ ва тасма $\omega'_{\text{деф.л}}$ деформациясининг коэффициенти, йўналтирувчи роликли механизмнинг айланишга қаршилиқ коэффициенти $\omega'_{\text{вр}}$ ва роликли механизмнинг тасмага босилиши $\omega'_{\text{вд}}$.

Ҳар хил турдаги фойдали қазилмаларнинг ташишда умумий коэффицентнинг алоҳида таркибий қисмлари қуйидаги нисбатга тақсимланади: $\omega'_{\text{деф.г}}=30-40\%$; $\omega'_{\text{деф.л}}=10-20\%$; $\omega'_{\text{вр}}=20-25\%$; $\omega'_{\text{вд}}=20-50\%$. Кўрсатилган фоизлар тахминийдир ва юкнинг физик-механик хусусиятларига, тасмали конвейернинг умумий узунлигига, тақсимланган юкнинг, тасма тезлигининг, конвейернинг бурилиш бурчагининг ва бошқа ўзгаришларга қараб ўзгариши мумкин. Юқорида санаб ўтилган омилларга қўшимча равишда қаршилиқ коэффициенти ω' тасмали конвейернинг ишлаш шароитларига, ўрнатиш сифатига ва тасмали конверлар ишлайдиган ҳароратга таъсир қилади [3].

Йўналтирувчи роликли механизм билан тасма ҳаракатига қаршилиқ кучи тўрт компонентни ўз ичига олади: йўналтирувчи роликли механизмнинг айланишга қаршилиқ кучи $W_{\text{вр}}$, йўналтирувчи роликли механизмнинг тасма босилишига қаршилиқ кучи $W_{\text{вд}}$ юк шаклининг ўзгаришига қаршилиқ кучи $W_{\text{деф.г}}$ ва қўйидаги формула билан аниқланади [4]:

$$W_{\text{р}} = W_{\text{вр}} + W_{\text{вд}} + W_{\text{деф.г}} + W_{\text{деф.л}} \quad (4)$$

формула бўйича аниқланган $W_{\text{деф.л}}$ тасманинг деформацияланишига қаршилиқ кучи.

Юқорида таъкидлаб ўтилгандек, йўналтирувчи роликли механизм тасма ҳаракатига қаршилиқнинг асосий турларидан бири конвейер роликларининг айланишга қаршилиқдир. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб турли хил операцион омилларнинг конвейер тасмасининг айланишга қаршилиги қийматига таъсирини ҳисобга олган ҳолда илмий-

тадқиқот ишлари бошланди. Йўналтирувчи роликли механизмнинг айланишига қаршилиқ кўрсатадиган омилларни ўз ичига олади: Айланиш тезлиги; йўналтирувчи роликли механизмга тушадиган юкланишлар; сирпанувчи таянч вазифасини бажарувчи деталнинг лойиҳаси; механизмдаги тебраниш; мойлаш маҳсулотларининг турлари ва атроф муҳит ҳарорати. Турли хил даражадаги аниқлик билан айланишга қаршилиқни аниқлашнинг дастлабки усулларида, фақат айланиш тезлигининг, йўналтирувчи роликли механизмга тушадиган юкланишлар ҳисобга олинган. Барча омилларнинг таъсирини ҳисобга олмаган техникалардан фойдаланиш йўналтирувчи роликли механизмларнинг эрта ишдан чиқишига ва операцион харажатларнинг ошишига олиб келади. Паст ҳароратларда тасмали конвейер ишлатиш тажрибасидан келиб чиқиб, мой маҳсулотларининг ёпишқоқлиги ортиши туфайли йўналтирувчи роликли механизмларнинг айланишга қаршилиқ кўрсатиш моментлари роликларнинг ташқи қобиғидаги (обейчайка) конвейер тасмасининг ишқаланиш моментларига тенг ёки ундан кўп бўлади деган хулосага келинди. Натижада, тасмали конвейер йўналтирувчи роликли механизмлари айланишни тўхтатади, бу эса турли шкастланишларга олиб келади, агар бу ҳолат кеч аниқланган бўлса, тасмаларнинг узилиб кетиши ва ускунанинг ишламай қолишига олиб келади.

Тасмали конвейер йўналтирувчи роликли механизмларининг айланишига қаршилиқни аниқлаш учун роликли механизм айланиш қаршилигининг турига; мойлаш материалларининг сифати ва миқдори; роликли механизмнинг айланиш тезлигига; роликли механизмдаги радиал юкланишга; ҳаво ҳароратига боғлиқлиги аниқланади. Йўналтирувчи роликли механизм сирпанувчи таянч вазифасини бажарувчи детал ишлаш жараёнида ҳароратнинг ошиши, қувват сарфи ва механизм ҳаракатига қаршилиқ камайиши аниқланади. Атроф-муҳит ҳароратининг таъсирини ҳисобга олиш учун ўртача қиймат коэффициенти инобатга олинди, унинг қиймати мойлаш турига ва айланиш тезлигига боғлиқ.

$$\alpha(\theta) = W_{\text{вп}}(0)/W_{\text{вп}}(+30^{\circ}\text{C}), \quad (5)$$

бу ерда $W_{\text{вп}}(0)$ - 0°C ҳароратда йўналтирувчи роликли механизмнинг айланишга қаршилиқ кучи.

Кейинчалик 0°C ва ундан юқори ҳароратда ишлайдиган йўналтирувчи роликли механизмлар айланишга қаршилигини ҳисоблаш учун коэффицент қўлланди.

$$W_{\text{вп}} = (a + bv)\alpha(\theta) + C_0F + C_pP \quad (6)$$

бу ерда P – радиал юкланиш; C_p – радиал юкланиш коэффициенти; F – ўқ бўйлаб юкланиш; C_0 – ўқ бўйлаб юкланиш коэффициенти; a, b – механизмда тебранишга боғлиқ бўлган конструктив константлар.

6 - формулага асосан, 159 диаметрли ва 60% мойлаш материалари билан тўлдирилган тасмали конвейер йўналтирувчи роликли механизмлари қаршилиги ва қўйидаги шаклга эга эканлиги аниқланди:

$$W_{\text{вп}} = (2 + 0,4v)\alpha(\theta) + 1,5F + 16P,$$

Йўналтирувчи роликли механизмларининг айланиш қаршилигининг ҳисоб-китоби ишлаб чиқилган бўлиб, у тармоқларда роликли механизмлар айланиш қаршилигининг юк ташиш ташқи ҳароратига, юкнинг қийматига, тузилишига, айланиш частотасига ва роликли мезханизмлар сонига боғлиқлигини тавсифлайди [5].

Йўналтирувчи роликли механизмларнинг юк кўтариш тармоғидаги айланиш қаршилигини ҳисоблаш кейинги формулани ечишда келиб чиқади:

$$W_{\text{вп}} = n_p(C_1 + C_2v) + C_3(q_r + q_l)l'_p, \text{ кгс} \quad (7)$$

ва тасмали конвейернинг пастки тармоғида:

$$W_{\text{вп}} = n_p(C_1 + C_2v) + C_3q_l l''_p, \text{ кгс} \quad (8)$$

бу ерда n_p – роликли механизмлар сони; C_1 – роликли механизмнинг айланишга статик қаршилиқ ўзгаришини ҳисобга олган коэффицент; C_2, C_3 – тезлик ва юкланиш таъсирини ҳисобга оладиган коэффицентлар; v – тасма ҳаракати тезлигининг қиймати, м/сек.; q_r – юкнинг тақсимланган оғирлиги тақс./м.; q_l – конвейер тасмасининг тақсимланган оғирлиги,

тақс; l_p – роликли таянч ўртасидаги оралик масофа.

Йўналтирувчи роликли механизмларнинг айланишга қаршилиги фақатгина ўзгармас 20°C ҳароратда аниқлаш учун шу формулалар (7) ва (8) ишлатилади.

Ташқи ҳарорат ўзгарганда қўйидаги формула қўлланилади:

$$W_{\text{вп}}^r(\theta) = (C_1 + C_2 v + \Delta F_p(\theta)) n' + (C_3 + C_4)(q_r + q_n) l_p', \text{ кгс} \quad (9)$$

Ўзгаришлардан кейин юқоридаги формула қўйидаги шаклга эга:

$$W_{\text{вп}}^r = (C_1 + C_2 v) \cdot \alpha(\theta) + C_0 F + C_p P, \text{ кгс} \quad (10)$$

бу ерда P , F – берилган радиал ва ўқ йўналишидаги юкланишлар; C_0 , C_4 – ўқ йўналишидаги юкланишлар ўзгаришни ҳисобга олувчи коэффициент; $\Delta F_p(\theta)$ – ҳарорат ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент; C_p – радиал юкланишнинг таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент; $\alpha(\theta) = F_p(\theta)/F_p(+30^\circ\text{C})$ – ўртача ҳарорат коэффициенти.

бу ерда $\Delta F_p(\theta) = K_0 e^{K_1 \theta + K_2}$; $\alpha(\theta) = e^{(\beta - \alpha \Delta)}$; Δ – мойлаш материали ҳарорати ва атроф-муҳит ўртасидаги фарқ; e – табиий логарифмларнинг асоси; α , β – тажриба натижасида олинган коэффициентлар.

Юқоридаги ҳисоблаш усули етарли миқдордаги таъсир этувчи омилларга қараб йўналтирувчи роликли механизмларнинг айланишига қаршилиқни ҳисоблаш имконини беради. Бироқ, йўналтирувчи роликли механизмларнинг айланишга қаршилигини ҳисоблашнинг ушбу усули бир нечта камчиликларга эга. Роликли механизмнинг тезлиги частотаси таъсири тўлиқ ҳисобга олинмаган. Бунга қўшимча равишда, мойлаш материали турининг йўналтирувчи роликли механизмларнинг айланишга қаршилиқ коэффициенти таъсири ҳисобга олинмаган. Шунингдек, ҳисоблашда ўртача ҳарорат коэффициенти (θ) дан фойдаланилади, бу экспериментал ташқи иш ҳароратида роликли механизмнинг айланишга қаршилигининг бошланғич ҳарорати 30°C га тенг нисбатда бўлади.

Шунингдек, йўналтирувчи роликли механизмнинг айланишга қаршилиқни аниқлаш кийин ишдир, чунки ҳар хил турдаги мойлаш материаллари учун коэффициентларни аниқлаш имконсиздир. Бундан ташқари, коэффициентлар иш ҳарорати ва роликли механизмнинг тезлиги ёки частотаси таъсирини ҳисобга олишлари керак.

Юқоридаги кўрсатилган формуладан (10) фойдаланиб, экспериментал маълумотларни умумлаштириш асосида роликли механизмнинг айланишга қаршилиқни аниқлаш усули қўлланилади ва қўйидагича ифодаланади:

$$W_{\text{вп}} = (a + b v + C_p P) \cdot \psi(\theta), \quad (11)$$

бу ерда a , b – сирпанувчи таянч вазифасини бажарувчи детал учун структуравий константадир; $\psi(\theta)$ – 1-расмдан аниқланадиган ҳароратнинг ўртача коэффициенти.

Қаршилиқка кўрсатилаётган эксплуатация температураси ва мойлаш материали турини ҳисобга олган ҳолда, йўналтирувчи роликли механизмлар айланишга кўрсатилаётган қаршилиқ формуласини келтириб чиқарди:

$$F_{\text{вп}} = a e^{-b t_H} + c, \text{ дан} \quad (12)$$


бу ерда $a e^{-b t_H}$ – ифода ҳароратнинг қаршилиқка таъсирини ҳисобга олади; a , b – ташқи ҳарорат ва пластик мойнинг хусусиятлари таъсирини ифодаловчи коэффициентлар; t_H – ташқи ҳарорат, $^\circ\text{C}$; c – роликли механизмнинг радиал, ўқ йўналишидаги юкланишлардан айланишга қаршилиқни ва роликли механизмнинг 20°C ҳарорат атрофида айланиш тезлигини ўзгартириш учун жавоб берадиган коэффициент.

(12) формула бўйича қаршилиқни аниқлаш учун йўналтирувчи роликли механизмларнинг айланишига қаршилиқ қийматига таъсир қилувчи физик миқдор орқали a , b ва c параметр коэффициентларини тақдим этиш керак, яъни частота тезлиги, тасмали конвейер йўналтирувчи роликли механизмидаги юкланиш ва эксплуатация температураси орқали ишлатиладиган мойлар турига қараб. Тасмали конвейерлар йўналтирувчи роликли механизмларнинг айланиш қаршилигини аниқлашнинг юқорида кўрсатилган методологияси минус 30 дан 20°C гача бўлган иш ҳароратидаги маълум миқдордаги пластик мойларни

ўрганишдан иборат. Ушбу ҳисоблаш усули роликли механизмнинг диаметри D_p , радиал юкланишнинг катталиги G , шунингдек айланишлар сони n роликли механизмнинг айланиш қаршилигига таъсир қилади. Баъзи илмий-тадқиқотлар натижасида тавсия этилган роликли механизмлар айланишига қаршилиқни аниқлаш усулини ўрганиш давомида қўйидаги камчиликлар аниқланди:

- $a e^{-bT}$ ифодани аниқлаш учун ўзгармас коэффициентларни билиш керак;
- Тасмали конвейер йўналтирувчи роликли механизми қаршилигини аниқлашда техникани қўллаш қийин;

Ўрганиш давомида ишлаб чиқилган пластик мойлар учун константалар ҳисоблаб чиқилган, улар ҳозирда ушбу пластик мойларни ишлаб чиқарилмаганлиги сабабли мавжуд эмас. Ушбу камчиликлардан келиб чиққан ҳолда, замонавий йўналтирувчи роликли механизм конструкциялари учун тасмали конвейер роликли механизмларининг айланиш қаршилигини аниқлаш методологиясидан фойдаланиш мумкин эмас деб ҳисобланиши мумкин.



2-расм. $\psi(\theta)$ коэффициентининг ҳароратга боғлиқлиги.

Юқорида айtilганларга асосланиб, роликли механизмнинг айланишга қаршилиқни аниқлаш ва пластик мойларни танлаш усулини ишлаб чиқиш, бу мойлаш воситаларининг эксплуатацион хусусиятларининг таъсирини аниқроқ тасвирлаш ва уларни муайян иш шароитлари учун танлашни соддалаштиришга имкон беради ва шу билан тасмали конвейерларни ташиш ва ишга тушириш учун энергия сарфини камайтиришга ёрдам беради ва узоқ тўхташдан кейин конвейерларни ишга тушириш долзарб вазифага айланади.

Хулоса. Тасмали конвейерларни илмий тадқиқотлар натижасида ўрганиш жараёнида замонавий ахборот манбаларини таҳлил қилиш, тоғ-кон корхоналарида тасмали конвейерларнинг йўналтирувчи роликли механизмларининг айланишга қаршилиқ кучларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва тадқиқотларнинг аксарияти экспериментал тарзда олинган боғлиқликлар ёрдамида сирпанувчи таянч вазифасини бажарувчи деталда юз берадиган жараёнлар кўриб чиқилди. Бундан ташқари, юқорида келтирилган назариялар мойлаш назарияси, эластиклик назария, қурилманинг ва механизмлардаги вибро-геологик ҳодисалар, шунингдек, тоғ-кон корхоналарининг тасмали конвейер йўналтирувчи роликли механизмлари ишига мой маҳсулотлари хусусиятларининг таъсири каби хусусиятлар ҳисобга олинмаган.

Юқоридагидан келиб чиққан ҳолда, олдин ишлаб чиқилган эмперик боғлиқликларни аниқлаштириш учун мавжуд замонавий технологиялар ва материаллардан фойдаланган ҳолда иш режимларига қараб, тоғ-кон корхоналарининг тасмали конвейерларининг йўналтирувчи роликли механизмларини айланишга қаршилиқ кўрсатиш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказиш зарурати мавжуд.

Адабиётлар

- [1]. Джураев А.Ж., Давидбаев Б.Н., Жаляев А.А., Мирзаханов Ю.У. Плоскоременная передача с натяжным роликом. // Патент Уз. Рес. UZIP 4228, 31.03.97. №
- [2]. Шпакунов, И.А. Исследование основных составляющих коэффициента сопротивления движению на длинных горизонтальных ленточных конвейерах. // Дисс. на соиск. уч. степ. канд. техн. наук. - Днепропетровск, ИГТМ, 1968,-160 с.
- [3]. Гущин, В.М. О природе сопротивлений от деформирования насыпных грузов при движении конвейерной ленты. // Шахтный и карьерный транспорт, вып.5.- М.: Недра, 1980, с. 9-13. 130
- [4]. Мягков, С.Д. Теоретическое определение сил сопротивления движению от деформирования груза и ленты мощных ленточных конвейеров. // Шахтный и карьерный транспорт, вып. 3. - М.: Недра, 1977, с. 33 -36.
- [5]. Шахмейстер, Л.Г. Теория и расчет ленточных конвейеров / Л.Г. Шахмейстер, В.Г. Дмитриев // М.: Машиностроение, 1978. 392 с.

ПОЛИМЕР КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН
ДЕТАЛЛАРДАГИ НОТЕХНОЛОГИК ТЕШИКЛАРНИ ПАРМАЛАШ

Б.Н. Файзиматов¹, Ш.Н. Файзиматов², Ю.Ю. Хусанов²

¹Андижон машинасозлик институти,

²Фаргона политехника институти, yunusali1987@mail.ru

(Қабул қилинди 22.01.2020 й.)

Аннотация: Ушбу мақолада полимер композит материаллардан тайёрланган деталдаги нотехнологик тешикларни пармалаш усуллари ҳақида..

Таянч иборалар: нотехнологик, майдалаш, тезлик, сўриш, сифат, факт, режа, полимер, тешик, парма

Аннотация: В этой статье объясняется, как сверлить отверстия в литологических отверстиях в детали из полимерных композиционных материалов.

Ключевые слова: нетехнологично, дробление, скорость, подача, качество, факт, план, полимер, отверстие, сверло

Annotation: This article describes how to drill holes in the nano-tech hole in a piece made of polymer composite materials.

Key words: non-technological, crushing, speed, feed, quality, fact, plan, polymer, hole, drill

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, совутиш ва мойлаш суюқликлари ва қириндиларни олиб ташлаш пармалашда олинган тешикнинг аниқлиги жараённинг асосий технологик параметрларига, яъни кесиш тезлиги, суриш миқдори ва бир қатор қўшимча жараён параметрларига таъсир қилади: Совутиш ва мойлаш мавжудлиги тешикларнинг сирт сифати ва аниқлигини яхшилайдиган ва унумдорликни ошириш учун кесиш имкониятини оширишга имкон беради. Қириндини олиб ташлаш тешикнинг сифати ва аниқлигини яхшилайдиган. Пармалаш жараёнини оптималлаштириш нуктаи назаридан энг муҳими, кесиш тезлиги ва суриш, улар асосий омиллар сифатида кўриб чиқилади.

Пармалаш усули ва кесиш маромини танлаш бўйича маълумотларга асосланган тавсиялар йўқлиги сабабли, қириндини чиқиб кетиш жараёнининг унумдорлиги юқори эмас, асбобларнинг, хусусан парманинг ишлаш муддати ҳам анча паст. Пармалаш пайтида тешикнинг сифати, парманинг кириш ва чиқиш жойларида деламинация туфайли, чиқадиган қириндиларнинг ёпишиб қолиши жуда ёмон.

Энг аниқ кўрсатилган хусусиятлар полимер композит материаллардан (ПКМ) тайёрланган қисмларга технологик бўлмаган тешикларни пармалашни намоён бўлади.

Технологик бўлмаган тешикларни пармалаш жараёнида деталнинг сферик юзаларига пармани кириши мураккаблашади, бу парманинг ишчи қисмини бўзилишига олиб келади. Тешикларнинг аниқлиги ва сифатининг кескин ёмонлашишига, асбобнинг ишлаш муддатини қисқартиришга сабаб бўлади.













ПКМдаги тешикнинг диаметрли хатолари (ўлчам ва шакл хатолари) асбоб кириш жойида энг аниқ намоён бўлади. Асбобнинг чиқишида диаметрдаги хатолар одатда камроқ бўлади. Ушбу турдаги камчиликларнинг сабаби одатда пармалаш босқичида ПКМ тешикининг деворларидан материални қўшимча равишда олиб ташлашдир. Пармалаш жараёнида қиринди пастдан юқorigа, парманинг ён тешиги бўйлаб силжийди. ПКМ полимер матрицаси паст қаттиқликка эга бўлганлиги сабабли, қириндиларнинг ҳаракати тешикнинг деворларни ажратиш ва ёпиштиришга олиб келади. Кўпинча, бу сифати паст бўлган тешик шаклидаги хатоларга олиб келади.

ПКМ текстураси билан боғлиқ камчиликлар материалнинг анизотропик тузилиши туфайли қириндиларнинг мос келмаслиги шароитида юзага келади. Тешик юзасининг ёрилиши ва нуқсонларнинг пайдо бўлиши кесиш маромлари таъсирининг натижасидир. Парманинг тешикдан чиқишидаги нуқсонлар ПКМни устки қисмини синиш жараёнининг олиб келади. Кесилмаган толалар - бу асбобнинг чиқиш томонидан тешик четида қолган ПКМ ёпишган толасининг қолдиқлари ҳисобланади. Уларнинг шаклланиши, бу соҳадаги

ёпишган толаларининг чиқиб кетиш тезлигининг векторига нисбатан йўналтирилганлиги сабабли кесиш ташламайди, балки майдалайди. Натижада, қиринди қолдиклари суриш йўналиши бўйича тешик четига эгилиб, кесиш жараёни тугагандан сўнг қисман асл шакллари тиклайдилар. Асбобнинг чиқиш жойидаги носозликлар ёпишган қатламларини етарли даражада ёпишмаётганлиги сабабли тоза юза вужудга келади.

1-жадвал

ПКМ детални пармалаш учун технологик бўлмаган турларнинг энг характерли турлари ва тавсияларни мавжуд усуллари.

Нотехнологик тешиклар	Тавсия этилган пармалаш усуллари	Нотехнологик тешиклар	Тавсия этилган пармалаш усуллари
1	2	1	2
			
			
			


Кўзда тутилган технологик бўлмаган тешикларни ва ПКМни пармалаш усули кўриб чиқамиз. Иккита тезкор ечиб олинадиган кондуктор ёрдамида ишлов бериладиган детал ўрнатилди. (1-расм) Қайси бири энг кенг тарқалган.

Ҳозирги вақтда, технологик бўлмаган тешикларни пармалаш жараёнини амалга ошириш учун махсус қурилмалар ишлаб чиқариш, йўналтирувчи втулкалардан фойдаланиш, қўшимча операция ўтказишга тўғри келади, бу албатта маҳсулот нархини сезиларли даражада оширади.


Пармалашда ишлатиладиган махсус қурилмалар ва юқорида муҳокама қилинган усуллардан фойдаланиш мумкин эмас. Бундан ташқари, маълум пармалаш усуллари камчиликлари, шунингдек, ишлов бериладиган тешикларнинг паст сифати, полимер композит материалларнинг қириндиларини пармага ёпишиб қолиши ва бошқалар.

Биз технологик бўлмаган тешикларни пармалаш усулини таклиф қиламиз, унга кўра пармалашда детал тешигига парманинг кириш ва чиқишини назорат суриш ҳаракатини назорат қилишдир.

Таклиф этилаётган усул қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади. Парма айланади ва ўқ бўйлаб силжийди, пармалаш пайтида пармани киритиш ва чиқиш пайтида парманинг кесиш тезлиги ва суриш миқдори ўзгаради. ПКМ пармалаш бўйича тавсияларга мувофиқ суриш миқдори ва чиқиб кетиш тезлиги автоматик равишда ўрнатилади.




1-расм. Технологик бўлмаган тешикларни пармалаш усули. парма, 2-йўналтирувчи втулка, 3-тез алмашадиган втулка, 4-тирраг, 5-детал, 6-втулка, 7-шпиндел.




3-расм. Ўзгарувчан суриш билан технологик бўлмаган тешикларни пармалаш усулини блок схемаси.

Бундан ташқари, пармани чиқиб кетиш ҳудудидан чиқиб кетганда, суриш миқдори ва кесиш тезлиги автоматик равишда яна ўрнатилади. Таклиф қилинаётган пармалаш усулининг самарадорлиги, маълум усулларга нисбатан, ишлов берилган тешикларнинг сифати ва парманинг мустаҳкамлиги билан баҳоланади.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, технологик бўлмаган тешикларни созланадиган суриш миқдори ва кесиш тезлиги билан ишлов беришда ишлов бериладиган тешикларнинг сифати ошди.



2-рasm. Ўзгарувчан суриш билан технологик бўлмаган тешикларни пармалаш усули.



4-рasm Teшикнинг диаметрларини парма диаметридан оғиш графиги ($\varnothing 10.836$ мм, $v=8,8$ м/дақ, $s=0.050$ мм/айл).


Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кесиш шартлари ва чиқиб кетиш воситаларига турли хил талабларни келтириб чиқарадиган қайта ишлаш шароитлари туфайли ПКМ пармалаш энг қийин вазифадир.

Тешикларни пармалашнинг янги усулларини жорий этиш, кесиш асбоблари ва кесиш режимларини оқилона танлаш тешикларнинг керакли сифатига эришишга, уларнинг нархини камайтиришга, углерод толасидан қилинган тешикларнинг аниқлигини оширишга ёрдам беради.

Бизнинг назарий ва экспериментал тадқиқотларимизга асосланиб, пармалаш жараёнининг сифати, аниқлиги ва унумдорлигини оширишни таъминлайдиган ПКМ-лардаги тешикларни пармалашда оқилона кесиш шартларини танлаш усули ва методологиясини ишлаб чиқдик.

Пармалаш пайтида чиқадаган ва босилган қириндиларни пармага ёпишиб қолишини олдини олиш учун биз вақти-вақти билан парманинг суриш миқдорини вақти-вақти билан тўхтатишни тавсия этамиз, бу еса қириндиларни майда бўлақларга бўлинишига олиб келади, асбоб ва тешик орасидаги тушадиган қириндиларнинг ёпишиб қолишига йўл қўймайди ва парманинг синишини олдини олади.

Полимер композит материалларини пармалашда парманинг суриш ҳаракатларини вақти-вақти билан тўхтатиш билан, парманинг камида битта айланишинидан иборат бўлиб, бу ишлов бериш жараёнининг динамик хусусиятларини барқарорлаштириди ва қириндини



5-рasm - Тешикларнинг ғади-будириги ($\varnothing 10.836$ мм, $v = 8,8$ м/дақ, $s = 0.050$ мм/айл).

майдалаш орқали ишлов бериладиган тешикларнинг сифатини яхшилаш имконини беради. Қириндилар парманинг спирал новлари бўйлаб майдалани чиқиши, қириндининг тешикда тўпланиб қолишини бартараф этади. Ушбу усуллар бир-биридан фарқ қилувчи ва аҳамиятли бўлиб, дастлаб ПКМ тешикларини пармалашда қўлланилади ва янги техник натижа олиш имконини беради.

Таклиф этилган пармалаш усулининг самарадорлиги, маълум бўлган аналоглар билан таққослаганда, ишлов бериладиган тешикларнинг сифати ва парманинг қаршилиги билан баҳоланди. Бундан ташқари, маҳсулотни маълум усуллар билан ишлов бериш жараёнида парманинг ишчи қисмидан қириндининг чиқиш жойларида ва тешик титилишлари визуал равишда аниқланади.

Тешикни пармалаш жараёни қуйидаги иш маромларида амалга оширилди: $v = 7,5$ м/дақ, $s = 0,2$ мм/айл; $v = 7,5$ м/дақ; $s = 0,6$ мм/айл; $v = 12$ м/дақ; $s = 0,2$ мм/айл; $v = 12$ м/дақ, $s = 0,6$ мм/айл. Биргаликда ишлаш технологияси қириндиларни олиб ташлаш учун парманинг даврий чиқиши билан $v = 7$ м дақ, $s = 0,1$ мм/айл режимларни таъминлайди. Пармалаш жараёнида қириндиларни шаклланиши ва уни ёпишиб қолиш даражаси аниқланди. Пармалаш жараёни тугагандан сўнг, (МИМ) микроскопи ёрдамида тешик юзаларининг титилиш ўлчамлари тешикларнинг номинал диаметрига нисбатан максимал зарарланган диаметри сифатида аниқланди. Олинган нуқсон ўлчамлари анъанавий пармалаш усулидаги тешик юзалари титилишлари ўлчамлари билан таққосланди. Ишлов бериладиган тешикнинг сирт ғадир-будирликлари профилометре ёрдамида аниқланди. Парманинг ейилиши, микроскоп ёрдамида барча тешикларни пармалаш тугаллангандан сўнг баҳоланди.

Синов натижаларига кўра, қириндиларни кесиш зонасидан яхшироқ майдалаш, олиб чиқиш ва ёпишиб даражасининг камайтириш учун пармалаш усулини қўллаш мавжуд усул билан пармалаш 1,05-1,3 мм га нисбатан 0,3-0,6 мм гача камайтириш имконини беради. Юза ғадир-будирлиги $Ra\ 7-8,5$ микрондан $Ra\ 5,5-6,2$ микронгача камаяди.

Шундай қилиб, парманинг суриш ҳаракатини даврий тўхтатиш билан ишлов беришда кўрсатилган камчиликлар мавжуд емас, бу парманинг ишончилигини ошириш ва ишлов бериладиган тешикларнинг сифатига эришишни таъминлайди.

Синовлар белгиланган кесиш маромларида тешикларни кетма-кет пармалашдан иборат эди $v = 8,8$ м/дақ, $s = 0,050$ мм/айл. Тешикнинг диаметри битта марказий қисмда ўлчанди. Графикда (4-расм) тешикларнинг диаметрлари парманинг диаметридан оғишини кўрсатади.

Тешикларнинг диаметрларининг белгиланган бардошлик даражасига мувофиқлиги таққослаш орқали баҳоланди. Белгиланган қиймат 0,27% рад этиш эҳтимолига тўғри келади. Пармалашнинг турли усуллари билан олинган тешикларнинг диаметрлари тўғрисидаги статистик маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тешик диаметри статистикаси

Пармалаш	Пармаланган тешиklar сони	Тешикларнинг диаметрларининг ўртача оғиши, мм	Стандарт оғиш δ , мм
Мавжуд усулда пармалаш	10	$D_c + 0,016$	0.0035
	20	$D_c + 0,015$	0.008
	30	$D_c + 0,014$	0.0086
Таклиф қилинган усулда пармалаш	10	$D_c + 0,009$	0.005
	20	$D_c + 0,008$	0.006
	30	$D_c + 0,007$	0.007

Амалий тажриба синовлари натижаларига кўра, 20 тешикка чидамлилиги билан ишлаб, тешикларнинг диаметрларининг нуқсонлар даражасида 0,27% дан паст бўлишини таъминлайди. Тешикларнинг диаметрларидаги ўзгарувчанлик диапазони 26 мкм, максимал

рухсат этилган қиймати 30 мкм, бу 9-даражали аниқлик синфидаги тешиқларни олиш имконини бери. 20 тешиқнинг таклиф қилинган усул диаметри ўзгарувчанлиги 32 мкм бўлган, бу 10-даражали аниқлик синфидаги тешиқларни олиш имконини бери.

Профилометр ёрдамида Ra тешиқнинг ғадир-будирлиги параметрини ўлчанади. Чизмалар рақамларда ишлов берилган тешиқлар сонининг деворларининг ғадир-будирлиги акс эттирилган 5-расм.

3-жадвал

Юза ғадир-будирлиги статистикаси

Пармалаш	Пармаланган тешиқлар сони	Ra, мкм	
		Ўртача	Максимум
Амалдаги усулда пармалаш	10	2,6	2,56
	20	3,1	3,38
	30	3,96	4,68
Таклиф қилинган усулда пармалаш	10	3,05	4,05
	20	2,55	3,86
	30	2,7	2,35

Турли хил усулларнинг ишлаши учун ўртача қийматларни таққослаш орқали (10, 20, 30 тешиқлар) биз ғадир-будирлигини белгиланган бардошлик даражасига мувофиқлигини баҳолаймиз. Тешиқ ғадир-будирлиги статистикаси 2.10-жадвалда келтирилган. 30 тешиқни қайта ишлагандан сўнг, ғадир-будирлиги Ra 1.31 мкм дан ошмайди, ўртача қиймат Ra 0.63-0.71 мкм. ПКМда ўртача ғадир-будирлиги Ra 3.64 мкм 30 та ишлов бериладиган тешиқлар орасида максимал қиймати Ra 4.98 мкм.

Таклиф қилинадиган пармалаш усули ПКМда энг яхши юза ғадир-будирлигини беради. Таклиф қилинган усулнинг муваффақиятли синовлари уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш имконини берди.

Адабиётлар

- [1]. Степанов А.А. Обработка резанием высокопрочных композиционных полимерных материалов. - Л.: Машиностроение, Ленингр. отделение, 1987, с.100
- [2]. Дударев А.С, Свищев В.И. (RU) Способ сверления полимерных композиционных материалов. Патент РФ №2044170.
- [3]. Файзиматов Б.Н., Хусанов Ю.Ю., Файзиматов Ш.Н. Програмный продукт способа регулирования подачи при входе и выходе сверла из зоны резания позволяющий повысить качество отверстия в деталях, изготовленных из полимерных композитционных материалов // Государственное Патентное ведомство РУз. Свидетельство № DGU 0887. 27.07.2019 г.
- [4]. Хусанов Ю.Ю. Пластмассани пармалаш унумдорлигини ва маҳсулот сифатини оширишнинг усуллари. Научно-технический журнал, Ферганского политехнического института. Фергана, 2019, Том 23 №1
- [5]. Fayzimatov Sh.N., Fayzimatov B.N., Xusanov Yu.Yu. International Journal of Emerging Technology and Advanced Engineering Volume 6, Issue 11, November 2019
- [6]. Хусанов Ю.Ю. “Пластмассани пармалаш унумдорлигини ва маҳсулот сифатини оширишнинг усуллари” Ферганского политехнического института Научно-технический журнал, Фергана, 2019, Том 23 №1.

АММОНИЙ-НИТРАТНИ КРИСТАЛЛАНИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Р.Ж. Тожиев, Н. Ражабова, Р.Х. Миршарипов

*Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 18.05.2020 й.)*

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалиги экинларини этиштиришда кенг қўлланиладиган аммоний-нитратли селитра ўғитини ишлаб чиқариш технологияси, ўғитни кристалланиш жараёни ва кристалланиш жараёнига таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

Калит сўзлар: Аммоний-нитрат, кристалл, модификация, қуришиш, гигроскопия,

Аннотация: В статье рассматриваются технология производства аммиачно-нитратного удобрения, широко используемого при возделывании сельскохозяйственных продуктов, процесс кристаллизации удобрения и факторы, влияющие на процесс кристаллизации.

Ключевые слова: Аммиачная селитра, кристалл, модификация, сушка, гигроскопия

Abstract: The article examines the technology of production of ammonium nitrate fertilizer, widely used in the cultivation of agricultural crops, the process of crystallization of fertilizer and the factors influencing the crystallization process.


Key words: Ammonium nitrate, crystal, modification, drying, hygroscopy.

Грануланган аммоний-нитратли селитра кишлок хўжалик экинларининг барча турлари учун ишлатиладиган оммавий ўғит ҳисобланади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган аммоний нитратли селитра ички бозорга ҳамда кишлок хўжалигига етказиб беришдан ташқари яқин ва узоқ мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Кейинги йилларда ушбу турдаги ўғитга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли корхоналарда иш унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш режимларини қайта Лойиҳалаш ва сифат кўрсаткичи юқори бўлган ўғит ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш талабини кучайтирмоқда. Мавжуд технологик регламентлар бўйича, Республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий камчилиги сифатида ўғитнинг дондорлик таркиби, кристалланиш режимлари, жараёнда ҳосил бўлаётган ўғит чанги ва х.к ларни айтиш мумкин. Бу келтирилган камчиликлар бир-бирига узвий боғлиқдир.

Юқоридаги муаммоларни ечиш мақсадида кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Мавжуд адабиётлар ва илмий тадқиқот натижаларида келтирилган маълумотлар, кўрсатиб ўтилган камчиликларни тўлиқ бартараф этган деб бўлмайди. Лекин жараёни умумий ҳолда ўрганиб олинган натижаларни баҳолаш мумкин [1,2,3,4]. Шу мақсадда ўғит олиш технологик режимларни ўрганиш ва мақбул қийматларни танлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Аммоний-нитрат ўғити атмосфера босими остида гранулаловчи минорага берилаётган ҳаво таъсирида ва $169,6^{\circ}\text{C}$ дан -50°C гача ҳарорат оралиғида беш хил модификацияда кристалл ҳолатига ўтади (1-расм). 1-расмдаги $\text{NH}_4\text{NO}_3\text{-H}_2\text{O}$ нинг политемик диаграммасида аммоний нитратнинг I-IV турфок кристалл шакли учун ҳарорат оралиқлари кўрсатилган. У $169,6^{\circ}\text{C}$ да суюқланади ва V шакли эса $16,9^{\circ}\text{C}$ дан қуйи ҳароратдагина турғун бўлади [2].

Аммоний нитратнинг сувли эритмасини кристалланиш ҳароратидан юқорироқда буглатилса, тамоман сувсиз суюлган тузга айланади. У ўта гигроскопик модда ҳисобланади. 30°C ҳароратда тўйинган эритмаси ($70,2\%$ ли) нинг юзасидаги буг босими $2,46\text{ кПа}$ (ёки $18,5\text{ мм.сим.уст}$) атрофида, гигроскопик нуқтаси эса 60% атрофида бўлади. Ҳавонинг нисбий намлиги 60% дан юқори бўлганда у намланиб қолади. Аммоний нитратга эрувчан ноорганик тузлар қўшилганда гигроскопиклиги пасайиб, ҳаводан нам тортиш тезлиги эса ошади. Масалан $1,2\%$ магний нитрат қўшилса, аммоний нитратнинг гигроскопик нуқтаси $8\text{-}12\%$ гача пасаяди,



1-расм. Структураси билан фарқланадиган $\text{NH}_4\text{NO}_3\text{-H}_2\text{O}$ системанинг политемик барқарорлик диаграммаси. Кристаллар шакли: I -кубсимон; II-тетрагонал; III-ромбик-моноучлик; IV-бипирамидлик; V-тетрагонал.

нам тортиш тезлиги эса ошади [1].

Қаттиқ ҳолатдаги аммоний нитрат $169,6^{\circ}\text{C}$ дан -50°C гача бўлган ҳарорат оралиғида кристалл структураси, зичланган кристаллари ва кристалл панжараси ҳажми билан бир биридан фарқ қиладиган беш ҳил полиморф модификация ҳолатида бўлади.

Ҳар бир модификация ўз ҳарорат интервалида турғунликка эга бўлиб, бир модификациядан бошқасига ўтишда ўғит донаси структураси ва кристаллик панжарасининг ҳажми ўзгаради. Бу ўзгариш қайтувчан жараён бўлиб, иссиқлик энергиясининг ажралиб чиқиши ёки иссиқлик ютилиши кузатилади ва нисбий ҳажмнинг сакраб ўзгариши билан боради.

Аммоний нитрат суюқланмасининг технологик жараён давомида совуши натижасида унинг структураси кетма-кет биринчи модификациядан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига, учинчисидан тўртинчисига ва тўртинчисидан бешинчисига ҳарорати пасайиб ўтиб боради.

Бир модификациядан бошқасига ўтиш нуктасида шаклланаётган кристалларда юқори кучланишли деформация ҳосил бўлади ва бу кристалларнинг парчаланишига ҳамда аммоний нитрат донаси ҳажмининг кенгайишига сабаб бўлади.

Энг юқори кучланиш деформацияси аммоний нитрат NH_4NO_3 кристаллининг II-модификациядан III га ва IV га ўзгариб ўтишида ҳосил бўлади. Бу ҳолат элементар ҳажм кристалл панжараси III-модификацияга ўтишда юз беради, яъни II-модификацияга нисбатан III-модификацияда кристаллнинг элементар ҳажми икки баробарга катталашиб кетади, шу вақтнинг ўзида II ва IV-модификацияларда элементар ҳажм ўлчамлари бир ҳил ҳолатда бўлади. II-модификациядан III-модификацияга ўтиш $84,2^{\circ}\text{C}$ ҳароратда, III-дан IV-га ўтиш эса $32,3^{\circ}\text{C}$ ҳароратда рўй беради.

III модификациядаги деформация кучланишининг кучайиши аммоний нитрат донаси марказидаги ва сиртидаги ҳароратнинг кескин фарқланиши ҳисобига бўлади. Бунинг олдини олиш учун модификациялар кетма-кетлигини алмаштириш орқали барқарорлигини таъминлаш, яъни II-модификациядан IV-модификацияга III-модификацияни қолдириб, сакраб ўтиш бўйича таклифлар берилган. Бу ҳолатда аммоний нитрат NH_4NO_3 кристалли ҳажмининг кучланиш деформацияси нисбатан минимум бўлади, чунки II-модификациянинг кристалл панжара ҳажми $163,7 \text{ \AA}^3$ ни, IV-модификация кристалл панжараси ҳажми эса $155,4 \text{ \AA}^3$ ни ташкил қилади (1-расмда пунктир чизиғига қаранг). Лекин доналанаётган суюқланманинг ички ҳарорати ўзгармайди. Бу эса ўз навбатида кристалланиш вақтининг ортишига сабаб бўлади.

Ортофотопланни тузиш. Мозайка модулини имкониятини ўрганиш тасвирни қайта ишлаш циклини тўлақонли босиб ўтиш жараёнида АТ модулида қайта ишланган, Solver тенглаштириш модулида (фототриангуляция тармоғини тенглаштирувчи) ишлов берилган шунингдек, DTM модулида (TIN куришда) “Рок” номли объект яратилган.

“Рок” шартли номи остидаги объект ўз ичига:

- 2 йўналиш;
- 8 та тасвир;
- 44 та триангуляция нуктаси;

Mosaic модулида олинган ортофотоплан кўриниши 3-расмда келтирилган.

Фотоплан ва ортофотопланда чегара нукта ҳолатининг қиялик чеки фотограмметрик зичлаб ҳисоблаб чиқаришда 0,7 мм ошмаслиги, текислик ва баландлик ҳудудларида 1,0 мм ва тоғли ҳудудларда яратилаётган режа масштабида бўлиши керак. Ортофотоплан масштаби 1:2000 бўлса, қиялик 1,4 метрдан ошмаслиги керак.

Хулоса. Ҳозирги кунда географик ахборот тизимлари ёрдамида ландшафт карталарини тузиш, дала тадқиқотларини олиб бориш ва ишлаб чиқаришда Arc/Gis, MapInfo, ArcView, Win Gis, PHOTOMOD, Geo Draw, Geo Graph ва бошқалар кенг қўлланилмоқда. Фазовий маълумотларни тасвирлаш ва таҳлил қилиш ArcGIS маълумотларни базаси қатламларининг ўлчаларини ва маълумотлари сўровини ўз ичига олади. Географик ахборот тизимлари кўплаб тармоқларни ҳудудий ташкил этиш режаларини ишлаб чиқишда ўз самарасини кўрсатмоқда ва бу, ўз навбатида, картографияда муҳим бўлган муаммолар ечимини ўз вақтида аниқлаш ҳамда картографияни ривожланишига катта ёрдам беради. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки картографияда дастурий таъминотдан фойдаланиш картографияни жадал суратларда ривожланишига эришилади.

Таклиф ва тавсиялар.

1. PHOTOMOD дастури ёрдамида электрон рақамли карталарининг тузиш имконияти оширилишига эришилади;
2. PHOTOMOD дастури ёрдамида турли масштабдаги мавзули хариталар яратиш имкони беради;
3. Харита тузилаётган ҳудуд тўғрисида маълумотлар базасини шакллантирилишига эришилади;

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси
- [2]. Т.Мирзалиев, Ж.Қорабобоев. Карталарни лоиҳалаш ва тузиш. Тошкент., «Талқин», 2007
- [3]. В.П.Раклов, Э.Ю.Сафаров, Х.А.Абдурахимов. Географик ахборот тизимлари “Тошкент” 2007й.
- [4]. М.Қ.Султонов. Геоинформацион картография (ўқув услубий қўлланма) УрДУ Университети 2014 й.
- [5]. <https://lib.uwaterloo.ca/locations/umd/digital/documents/CreatingMapsInArcMap-workshop.pdf>
- [6]. https://digimap.edina.ac.uk/webhelp/digimapgis/arcgis/spatial_analysis/density_maps_in_arcgis_desktop.htm

БИНОЛАРНИНГ ЭНЕРГОТЕЖАМКОРЛИГИ ВА ЭНЕРГОСАМАРАДОРЛИГИ

У.Т. Юсупов, Н.Д. Тешабоева

¹Тошкент архитектура-қурилиш институти, ²Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 23.06.2020 й.)

Аннотация: Мақолада энерготежамли ва энергофаол уйлар тўғрисида фикр юритилади. Тадқиқотларда уйларни энергия тежаш самарасини олиш имкони аниқланган, кейинчалик ички системага ёки бевосита хонага узатиш имкони бор уйлар, бунда рационал хажмий тархий ва конструктив ечимлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикрлар юритилган.

Калим сўзлар: қатлам иссиқлиги, хажмий тархий, конструктив ечим, иссиқлик йўқотиши, иқтисодий самарадорлик, солиштирма юзалари

Аннотация: В статье рассматриваются энергоэффективные и энергосберегающие дома. Исследования показали, что дома могут быть более энергоэффективными. Дома с возможностью последующей передачи во внутреннюю систему или непосредственно в помещение, с идеей, что целесообразно использовать рациональные объемные исторические и конструктивные решения.

Ключевые слова: тепло слоя, объемная история, конструктивное решение, потеря тепла, экономическая эффективность, удельные поверхности

Annotation: The article discusses energy-efficient and energy-efficient homes. studies have found that homes can be more energy efficient. houses with the possibility of subsequent transfer to the internal system or directly to the room, with the idea that it is advisable to use rational volumetric historical and constructive solutions.

Keywords: layer heat, volumetric history, constructive solution, heat loss, cost-effectiveness, specific surfaces


Тадқиқотда уйларни энергия тежаш самарасини олиш имкони аниқланган. Энерготежамли ва энергофаол уйлар шундай уйларки, улар куёш таъсирида ерни юқори қатлам иссиқлиги, шамол энергиясини тутиб, кейинчалик ички системага ёки бевосита хонага узатиш имкони бор уйлардир, бунда рационал хажмий тархий ва конструктив ечимлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Биноларни блоклаб лойиҳалаш тажрибаси юқори техник –иқтисодий самарадорликка эришишни кўрсатади бунда уй баҳоси 8-10% га арзонлашади, қуриладиган майдон 30-40% га кичраяди.

Бино ташқи тўсиқ конструкцияларини иссиқлик йўқотиши ёки унинг бир қисмини куёш энергиясидан фойдаланадиган пассив системага трансформлаб эришиш мумкин. Жанубий фасадда айрим майдонни S_x эгаллайдиган энергофаол конструкциясининг мавжудлиги бионинг иссиқлик берувчи умумий юзаси S_4 ни камайтиради, уларнинг солиштирма юзалари S_0/S_n пасайишини таъминлайди (S_n –фойдали майдон йиғиндиси). Нисбат $(S_0-S_x)/S_n$ энергетик самарасини ташқи деворлар, том, пол, пол конструкцияларига иссиқлик узатилиши коэффицентига қиймат бериб баҳолаш мумкин.


1-расмда бу нисбатни бино қаватлари сонига боғлиқлиги кўрсатилган, ҳамма ташқи тўсинлар коэффиценти “к” бир хил, фақатгина иссиқлик баланси нолга тенг ($\kappa=0$) бўлган энергофаол майдон ҳисобга олинмайди. Юза катталиги $S_n=0,25 S_0$ бўлганда, энергофаол тўсиққа эга бўлмаган нисбатан иссиқлик йўқотилиши 1,3 мартага қисқаради;

2 –расмда баландлиги турли бўлган бино кенглигига нисбатан олинган S_x/S_n

нисбати кўрсатилган, бу ҳолда энергофаол конструкция фасаднинг бутун майдонини эгаллайди. Кенлик кичрайиши билан солиштирма юза S_x/S_n ошишига қараб



1-расм. Бино қавати сони ва тўсиқ энергофаол




2-расм. Қават баландлиги ва бино эни нисбати S_x/S_n .

иситишга сарфланадиган энергия ҳаракатлар пасаяди. Энергофаол бино кенглиги анъанавий бинолар кенглигига нисбатан кучлироқ, ташқи

200 м (Москва) бўлган каттедж олишган, бу бино ўзини қоплаш муддати 15 йил, иссиқлик эҳтиёжи қилиши 350 кВт соат 1 м² га тенг.

Авалло жорий нархлар бўйича самарадорлик жихатдан конструкция яхшиланиши баҳоси ҳисоблаб чиқилди (девор, дераза, оқиб келувчи –тортувчи винтеляция авто созлаш системалари иссиқлик ҳимоясини кучайтириш, шунингдек иситишга кетадиган сарф –ҳаражатлар ва ҳ.к.) 3-расмда газ туридаги иситиш учун кетадиган харажатлар ўсувчи ички музлатилган баҳо ва ўртача Европа баҳолари келтирилган, бу графикдан нолли иссиқлик истеъмол қилувчи уй қурилиши мақсадга мувофиқлиги кўриниб турибди. 4- расмда кўрсатилган графикларда 2004 йил даражасида энергиятежаш бўйича тадбирларни шундай амалга ошириш керакки, уй паст иссиқлик истеъмол қиладиган уйлар тоифасига кирсин, солиштирма иссиқлик истеъмол қилиш йилига 1 м² учун 75 кВт соатни ташкил қилсин.



5- расм. Қават баландлиги ва бино ташқи тўсиқ энергофаол майдони.

Адабиётлар

- [1]. Зоҳидов М.М.,Норов Н.Н.Энергоэкономичное здание. М. Жилищное строительство. 3/2003.
- [2]. Маракаев Р.Ю.,Норов Н.Н. Ўзбекистон шароитида энергия самарали биноларни лойиҳалаш/ Ўқув-услубий қўлланма – Тошкент 2009 й.
- [3]. Суханов И.С. Лучистая энергия солнца и архитектура – Тошкент: Фан, 1973 й. – 224 б.

УДК 621.175

СУВ СОВИТИШ МИНОРАСИННИНГ ИССИҚЛИК ҲИСОБИ

З.Э. Абдулхаев, М.М. Мадрахимов

Фаргона политехника институти, gidravlika-farpi@mail.ru
(Қабул қилинди 13.10.2020 й.)

Аннотация: Мақолада сув совитиш минорасини иссиқлик ҳисоби кўрилган бўлиб, унда ишлатиладиган ҳавонинг солиштирма сарфи, совитиш минорасининг секциялари сони ва конструктив ўлчамлари аниқланган. Олинган қийматлар асосида энергия самарадор усул танланган.

Калит сўз: градирн, вентилятор, ҳавонинг солиштирма энтальпияси, I-d диаграмма, нисбий намлик, аэродинамик қаршилик, термометр.

Аннотация: В статье рассмотрено тепловая расчёт градирня. В расчёта определено удельная расход воздуха, число секция и конструктивный размер градирня, по вычисленных величина определяется энергоэффективный методы.

Ключевые слова: градирня, вентилятор, удельная энтальпия воздуха, диаграмма I-d, относительная влажность, аэродинамическое сопротивление, термометр.

Annotation: The article discusses the thermal calculation of the cooling tower. In the calculation, the specific air flow rate, the number of sections and the structural size of the tower are determined, according to the calculated value, energy-efficient methods are determined.

Keywords: cooling tower, fan, specific air enthalpy, diagram I-d, relative humidity, aerodynamic resistance, thermometer.


Кириш. Градирнни юқори қисмида сочувчи найча жойлашган бўлиб ундан босим остида майда суюқлик томчилари сочилади. Бу найчалар қувурда ҳосил қилинган кичик тешиқлардан иборат бўлиб, тешиқлар қувурнинг пастки қисмидан жойлашган. Қувурга юқори босим остида иссиқ сув берилади ва кичик тешиқлар орқали сепилади. Юқоридан сепилаётган суюқлик градирнни пастки қисмидадан кираётган кучли қуруқ ҳаво оқими билан учрашади. Қуруқ ҳаво оқими градирннинг устки қисмига ўрнатилган вентилятор

ёрдамида сўриб олинади. Сув билан ҳаво оқими бир-бирига қарама-қарши йўналишда ҳаракатланади. Қуруқ ҳаво сув буғига сингади ва буғланишни оширади, натижада сувнинг температураси пасаяди. Градирн қанчалик юқори бўлса сув ҳаво билан шунчалик кўп вақт туташади. Натижада сувнинг ҳароратини пасайиши ортади, аммо баландликни ортиши техник-иқтисодий самарадорликни пасайтиради. Шунинг учун градирнда сувни юзалардаги тўсиқлар орқали тушиши ташкил этилади. Бу эса сувни ҳаво билан ўзаро туташишини таъминлайди(1-расм). Градирнда юқоридан сочилаётган сув суғориш юзасига сеппилади, натижада сувни тезлиги пасаяди, ўзаро бирлашиш юзаси ва вақт ортади[5]. Юқоридаги натижани яхшилаш учун секинлаётган сувни юпқа плёнкасимон шакилда оқиб ўтиши таъминланади. Градирнда сувни совитиш маҳаллий шароитда айниқса ёз фаслида муаммо келтириб чиқаради. Сувни 26 °С гача совитиш учун ҳаво ҳарорати 26 °С дан юқори бўлмаслиги керак. Бу муаммони ечиш учун берилаётган ҳавони интенсивлигини ошириш ҳисобига сувни буғланишини орттирилади. Биз бу ҳолда сувни совитиш учун бентиллятор ёрдамида сўриб олинаётган ҳавони миқдорини орттиришимиз талаб этилади. Бу эса энергия сарфини орттиришига олиб келади. Кимёвий корхонларда кимёвий усулда ҳавони ҳароратини пасайтириш мумкин. Бунинг учун сўрилаётган ҳаво қўшимча совитиш ускунасидан ўтказилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида сувни совитишда совитиш соҳасини баландлигини орттириш ҳисобига ҳам сувни совитишни ошириш мумкин. Бундай ҳолатни тўғри таҳлил қилиш учун иссиқлик ҳисобини тўғри ташкил этиш муҳим рўл ўйнайди. Градирнларни ҳисоблашда ташқи ҳаво ва сув ҳароратларига асосланган ҳолда I-d диаграммадан параметрлар аниқланади. Амалётда градирнда сувни совитиш 12-15 °С ни ташкил қилади.

Долзарблиги. Ишлаб чиқариш корхоналарида технологик жараёнлари учун кўп миқдорда сув ишлатилади. Сув сарфини камайтириш мақсадида сувлар қайта ишлатилади. Сувларни қайта ишлатиладиган тизим ёпиқ занжирли сув таъминоти дейилади[1]. Бу тизимда сувлар қайта совитилади, бу сувларни совитиш учун сув совитиш минораси(градирнлар)дан фойдаланилади. Сувларни совитиш учун кўплаб энергия сарфланади.

Совитиш

минорасида энергия тежамкорликка эришиш учун гидравлик ва иссиқлик ҳисобларини аниқ ва мукамал амалга ошириш талаб қилинади. Ҳисоблаш ишларини олиб боришда технологик ва метрологик талабларга бўйсиниш талаб этилади. Бу ерда ҳисоблаш усуллари ҳар бир корхонанинг технологик ва метрологик



1-расм. Вентиляторли градирни конструкцияси.

жараёнларига боғлиқ ҳолда олиб борилади. Шунинг учун сув совитиш минораси иссиқлик ҳисобини икки босқичга бўлиб ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга. Биринчи босқичда ҳавонинг солиштирма сарфи λ , [кг/кг] аниқланади. Иккинчи босқичда сув сочиш зичлиги q_c ва совитиш миноралар сони(секцияси) N аниқланади.

Биринчи босқич ҳисоби. Сув таъминоти ишончилигини I-тоифаси учун (таъминланганлик 1%) ([3] адабиётнинг Д иловаси 1-жадвали). I-d диаграммадан қуйидаги параметрлар аниқланади:

v_1 -қуруқ термометрнинг кўрсатиши бўйича атмосфера хавосини ўртача кунлик температураси, °C;

φ_1 -хавонинг нисбий намлиги, %;

τ_1 -хўл термометрнинг кўрсаткичи бўйича атмосфера хавосининг температураси, °C;

P_δ -барометрик босим қиймати, кПа.

$$v_1 = 26 \text{ }^\circ\text{C}, \varphi_1 = 51 \%, \tau_1 = 19.4 \text{ }^\circ\text{C}, P_\delta = 99 \text{ кПа.}$$

Вентиляторнинг ўртача хаво узатиш сарфи $G_x \left[\frac{\text{м}^3}{\text{соат}} \right]$ айланма сув сарфининг ярмига тенг деб қабул қиламиз:

$$G_x = 0.5 \cdot G_s \quad \frac{\text{м}^3}{\text{соат}}$$

Каталог асосида вентиляторни 2ВГ-70 турини танлаб оламиз[1]. Сув совитишни максималсамарадорлигига эришиш плёнка туридаги градернда сув ёғдиришда иссиқлик масса алмашинуви жараёни учун: сув ёғдириш баландлиги $h_{or} = 1 \text{ м}$, хажмий масса бериш коэффитсенти $A=1.072 \text{ л/м}$; даража кўрсаткичи $m=0.71$; совитиш минорасини битта секция майдони $f_{ap}=144 \text{ м}^2$.

Хавони солиштирма сарфи λ ни аниқлаш учун, қуйдаги ёрдамчи қийматлари Y , U ва R ларни формуладан фойдаланамиз:

$$Y = \frac{i_1'' - i_1 - \delta_i''}{i_2'' - i_1 - \delta_i''} \quad (1)$$

$$U = \frac{(t_2 - t_1) \cdot c_s}{(i_2'' - i_1 - \delta_i'') \cdot k} \quad (2)$$

$$R = \frac{U^{1-m}}{A \cdot h_{op}} \quad (3)$$

бу ерда, i_1 - хавонинг солиштирма энталпияси, кЖ/кг, буни v_1 , φ_1 ва P_δ ни қийматларига боғлиқ холда аниқланади;

i_1'' -хавони солиштирма энталпияси кЖ/кг, буни $\varphi=100\%$ учун m_1 ва P_δ ларни қийматларига боғлиқ холда олинади;

i_2'' -хавони солиштирма энталпияси кЖ/кг,

δ_i'' - хавони солиштирма энталпияси, тўғирловчи;

t_1 – совитиш минорасига кираётган сувни температураси, $t_1=35 \text{ }^\circ\text{C}$;

t_2 –совитиш минорасидан чиқаётган сув температураси, $t_2=27 \text{ }^\circ\text{C}$;

c_s – сувни солиштирма иссиқлик сиғими, $c_s=4,19 \text{ кЖ/кг}^\circ\text{C}$;

A , m – коэффицентлар жадвалдан олинади;

h_{op} – совитиш минорасини сув ёғдириш баландлиги.

$$k = 1 - \frac{t_2 \cdot c_s}{r} = 1 - \frac{27 \cdot 4,19}{2493} = 0,95 \quad (4)$$

бу ерда, r – буғга айланиш солиштирма оғирлиги, $r=2493 \text{ кЖ/кг}$.

Солиштирма энталпия қиймати нограмма(I-d диаграмма)дан олинади:

$i_1 = f(v_1; \varphi; P_\delta)$, ни $\varphi = \varphi_1$ учун оламиз, $i_1 = 55 \text{ кЖ/кг}$; $i_1'' = f(t_1, \varphi; P_\delta)$, ни $\varphi = 1$ учун $i_1'' = 134 \text{ кЖ/кг}$; $i_2'' = f(t_2, \varphi; P_\delta)$, ни $\varphi = 1$ учун $i_2'' = 89 \text{ кЖ/соат}$.

Солиштирма энталпия тўғирловчи δ_i'' қуйдаги формуладан аниқланади:

$$\delta_i'' = \frac{i_1'' + i_2'' - 2i_m''}{4} \quad (5)$$

бу ерда i_m'' - хавони солиштирма энталпияси: t_{cp} , φ ва P_δ ларни қийматларга боғлиқ холда аниқланади.

$$t_{cp} = \frac{t_1 + t_2}{2} = \frac{27 + 35}{2} = 31 \text{ }^\circ\text{C}$$

$i_m'' = f(t_{cp}, \varphi; P_\delta)$, ни $\varphi = 1$ учун I-d диаграммдан $i_m'' = 103 \text{ кЖ/кг}$ топилади.

λ ни қуйдаги формуладан аниқланади:

$$\lambda = \frac{U}{X}, \quad [\text{кг/кг}] \quad (6)$$

бу ерда U – ёрдамчи қиймат бўлиб (2) формуладан аниқланади;

X – ёрдамчи қийматлар бўлиб м, Y ва R лар боғлиқ холда жадвалдан танланади.

Иккинчи босқич ҳисоби. Ҳавонинг солиштирма сарфи аниқланиб, бундан сув ёғдириш зичлиги q_s ва совитиш минораси секциялари сони N аниқланади. Совитиш минорасидаги сув ёғдириш зичлиги (масса бўйича сувнинг ҳаракат тезлиги) қуйдаги формуладан аниқланади [4]:

$$q_s = \frac{G_x \cdot \gamma_x}{\lambda \cdot f_{op}} = \frac{1425 \cdot 1,2}{0,4 \cdot 144} = 29,7 \text{ м}^3/\text{м}^2 \cdot \text{соат} \quad (7)$$

бу ерда, γ_n – атмосфера ҳавосининг зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$: $t=20^\circ\text{C}$ учун $\gamma_n=1,2 \text{ кг}/\text{м}^3$.

Совитиш минораси секциялар сони:

$$N = \frac{G_s}{q_s \cdot f_{op}} = \frac{3000}{29,7 \cdot 144} = 0,87 \cong 1 \text{ секция} \quad (8)$$

Бир секцияли совитиш минорасидаги аэродинамик қаршиликни вентилятор ҳосил қилган босимига мослигини текшириш учун ҳайдаётган ҳаво сарфини қуйдаги формуладан ҳисоблаймиз [2]:

$$G_x'' = \frac{\lambda \cdot q_s \cdot f_{op}}{\gamma_1} \quad (9)$$

бу ерда, γ_1 – ҳисоблаш шароитига мос келадиган атмосфера ҳавосини зичлиги.

Хулоса ва тақлифлар. Ҳисоблаш натижаларига кўра ишлатиладиган сувни совитишга сарфланадиган ҳавонинг солиштирма сарфи аниқланади, ушбу сарф бўйича вентилятор танланади ва совитиш минорасини секциялари сони аниқланади. Олинган натижалар бўйича энергия баланси тузилиб, техник иқтисодий усуллар ва ечимлар танланади. Ҳисоблашни аниқ бажариш энергия сарфини тежаш ва энг қулай конструктив ечим танлаш имконини беради.

Адабиётлар

- [1]. Гладков В. А., Арефьев, Пономаренко В. С. Вентиляторные градирни. Изд. 2-е, перераб. и дополн. М. Стройиздат. 1976г. 216 с.
- [2]. Мадҳадимов М. М., Абдулхаев З. Э., Сатторов А. Х. РЕГУЛИРОВАНИЯ РАБОТЫ ЦЕНТРОБЕЖНЫХ НАСОСОВ С ИЗМЕНЕНИЕМ ЧАСТОТА ВРАЩЕНИЯ //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2018. – №. 12-1. – С. 83-88.
- [3]. СНиП 2.01.01-82 "Строительная климатология и геофизика".
- [4]. <http://www.evromash.ru/articles/metodika-podbor-a-gradi-rni-20-article.html>
- [5]. <https://hkls.ru/udalennaya-rabota/tehnologicheskaya-shema-gradi-rni-kak-sdelat-teplovoi-raschet-gradi-rni.html>

УДК 621.316

ИННОВАЦИОН ҚУРИЛМА ЁРДАМИДА НОМИНАЛ ҚУВВАТИ 9 кВт БЎЛГАН ФОТОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯНИНГ ЧИҚИШ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ЎЛЧАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Д.Т. Юсупов¹, Т.А. Юсупов²

“Халқаро қуёш энергия институти” МЧЖ¹, Фаргона политехника институти²
(Қабул қилинди 3.08.2020 й.)

Мақолада ҳозирги пайтда долзарб муаммо бўлган қуёш энергия станциясини маҳаллий тармоққа уланишидаги энергия сифати ва техник параметрларини инновацион қурилма ёрдамида ўлчаши усули тақлиф этилган. Ушбу инновацион қурилманинг бир қатор афзаллик ва қулайликлари санаб ўтилган. Фотоэлектростанцияда ҳосил бўлаётган электроэнергиянинг сифати, частотаси ва фазалар ўртасидаги носимметриклик графиклари келтирилган.

Калит сўзлар: қуёш энергияси, ток, кучланиш, фотоэлектростанция, синусоидал кучланиш, инверторлар, электр тармоқлари, давр, частота, фаза, қувват, чиқиш параметрлари.

В статье предложен способ измерения качества энергии и технических параметров солнечной электростанции с помощью инновационного устройства при подключении её к локальной сети, что в настоящее время является актуальной проблемой. Перечислен ряд преимуществ и удобств этого инновационного устройства. Приведены графики качества, частоты и несимметричности (перекоса) фаз электроэнергии, произведенной фотоэлектрической станцией.

Ключевые слова: солнечная энергия, ток, напряжение, фотоэлектрические станции, синусоидальные напряжения, инверторы, электросеть, периодичность, частота, фаза, мощность, выходные параметры.

The article proposes a method for measuring the quality of energy and technical parameters using innovative devices when connecting a solar power plant to a local network, which is currently an urgent problem. A number of advantages and benefits of this innovative device are listed. The quality, frequency and asymmetric (imbalance) between the phases of electricity produced in photovoltaic installations are shown in the graphs.

Key words: solar energy, current, voltage, photovoltaic stations, sinusoidal voltages, inverters, power grid, frequency, frequency, phase, power, output parameters.

Кириш

Электр занжирларида кучланиш ва ток кучи ўлчовлари кенг тарқалган ўлчов турлари каторига киради. Бундай ҳолда, кучланишларни ўлчаш устивор характерга эга бўлган турли хил радиотехник занжирлар ва қурилмаларнинг иш режимларини тавсифлаш одатий ҳолдир. Бунга қўшимча равишда, вольтметрнинг параллел уланиши электр занжирининг ўлчаш лозим бўлган қисмига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, чунки вольтметрнинг кириш қаршилиги етарлича катта танланади. Ток кучини ўлчашда эса, амперметр занжирга кетма-кет уланиши сабабли, унинг нулга яқин қаршилиги занжирдаги режимга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди [1].

Маълумки, қуёш фотовольтаик модуллари қуёш энергиясини тўғридан тўғри ўзгармас электр токига айлантиради. Қуёш фотовольтаик модуллари электр энергия тармоқларига (on-grid режимида) инверторлар орқали уланади. Шу билан бирга инверторнинг чиқиш параметрлари электр тармоғи параметрларига қатъий стандартлар бўйича мос келиши зарур [2].

Назарий қисм.


Биз Ҳалқаро қуёш энергия институтининг фотовольтаик моделларни сертификатлаш лабораториясида институтнинг том қисмида ўрнатилган қуёш энергия станциясини маҳаллий электр тармоқларига уланганда ҳар бир А, В ва С фазадаги кучланиш ва ток кучи ўзгаришларини Fluke Scope Meter 190-104 (АҚШ) орқали ўрганиб чиқдик. Мақоланинг мақсади 9 кВтли бўлган қуёш фотоэлектр станциясининг қувват манбаи билан параллел равишда ишлаётганида маҳаллий электр тармоқларидаги кучланиш ва ток кучларини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат. Фотоэлектрик станция 10,5 кВтли уч фазали On-Grid системали инвертори билан жиҳозланган.

Электр тармоқларда электр жараёнларини ўрганиш ва уни тадқиқот қилиш учун АҚШда ишлаб чиқарилган FlukeScopeMeter 190-104 қурилмасидан фойдаланилди. Fluke ScopeMeter 190 Series II қўл қурилмаси иккиланган изоляция қобиқли икки ёки тўрт кириш каналига эга бўлган кўтариб юришга мўлжалланган осциллографдир. Ушбу сериядаги осциллографлар КАТ. III 1000 В/КАТ. IV 600 В САТ муҳит ҳавфсизлик стандартларини қўллаб қувватлайди. Бир вақтнинг ўзида кириш сигналларини, тескари боғланиш занжирда чиқиш сигналларини ва ҳимоя кулфларини ўрганиш кўплаб турли хил муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради, жумладан:

- Кучланиш ва ток кучи бўйича электр занжирларни ортиқча юклаш;
 - Синхронизация муаммоларни бартараф этиш учун ўлчовларни кечиктириш;
- Ўчириш палласида ёки кириш импедансида номувофиқликлар [4].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.

Фотоэлектрик станция чиқишидаги синусоидал кучланишни таҳлил қилиш ва ўлчашни учта параметр билан белгилаш мумкин: амплитуда, частота ва бошланғич фаза кийматларини ГОСТ 32144—2013га мувофиқлигини текшириш [3].



1-расм. А фаза кучланишининг синусоидал графиги.

FlukeScopeMeter 190-104 қурилмасидан олинган натижалар кучланишнинг амплитуда қиймати 360 В тенглигини, шунингдек унинг синусоидал характерга эга эканлигини кўрсатди.

Кучланишнинг ўртача қиймати (доимий компонент) даврдаги барча оний қийматларининг арифметик ўртачасига тенг:

$$U_{\text{ўр.қ}} = \frac{1}{T} \int_0^T |u| dt, \quad (1)$$

бу ерда: $U_{\text{ўр.қ}}$ - ўртача тўғриланган қиймат; u — кучланишнинг оний қиймати; T - сигнал даври.

Синусоидал сигнал учун ўртача тўғриланган қийматни қуйидаги кўринишда олишимиз мумкин:

$$U_{\text{ўр.қ}} = \frac{2}{\pi} U_m = 0,637 U_m. \quad (2)$$

Бу ерда: U_m – синусоидал кучланиш амплитудаси.

Агар $U_m = 344 \text{ В}$ бўлса, унда кучланишнинг ўртача тўғриланган қиймати:

$$U_{\text{ўр.қ}} = 0,637 * 344 = 219,1 \text{ В}. \quad (3)$$

Кучланишнинг ўртача квадратик қиймати давр ичидаги оний қийматлари ўртача квадратининг квадрат илдизи сифатида аниқланади:

$$U_{\text{ўр.қ}} = \sqrt{\frac{1}{T} \int_0^T u^2 dt}. \quad (4)$$

Синусоидал сигналлар учун кучланишнинг ўртача квадратик қийматини қуйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин:


$$U = \frac{U_m}{\sqrt{2}} = \frac{344}{\sqrt{2}} = 243,3 \text{ В}.$$

Бу ерда: U — тармоқ кучланишининг таъсир этувчи қиймати.

Fluke Scope Meter 190-104 қурилмаси ёрдамида олинган юқоридаги кучланиш қийматлари ва электр тармоғидаги кучланиш қийматлари ўртасидаги фарқлар ГОСТ 32144—2013 талабларига жавоб беришини кўрсатади. Бу эса юқорида олинган кучланиш қийматлари электр тармоғига тўлиқ мос келади. Шундай қилиб, кўрилаётган 9 кВтли қуёш фотоэлектр станциясини маҳаллий тармоққа осонгина улаш имконини беради.

Қуйидаги фотоэлектрик станцияни А, В ва С фазаларидаги кучланишларнинг вақт диаграммалари бир хил амплитудада эканлигини кўришимиз мумкин. Лекин уларнинг бошланғич фазалари ҳар хил. Шунинг учун бу гармоник кучланишларга мос келадиган

кучланиш векторларини узунлиги бир ҳил бўлиши ва бурчаклари эса бошқача бўлишлари шарт.



2- расм. А, В ва С кучланиш фазаларни вақтга боғлиқлик графиги.

Юқоридагидан кўриниб турибдики, расмда уч фазали кучланишни синусоидал шакли уч фазадан иборат бўлиб, бир бирига нисбатан фазавий силжиш 120° даражага етади.

Агар координата ўқига нисбатан ҳар қандай бир фазали синусоидал кучланишни максимал қиймати 220 В бўлса, у ҳолда ҳар қандай синусоиднинг бошқа синусоидга нисбатан максимал қиймати 381 В га етади, яъни фазалар аро кучланиш фарқи 381 В ни ташкил қилади. ОХ нинг координата ўқига нисбатан бир қандай синусоиднинг қиймати фаза кучланиши деб номланади (ҳар қандай фаза ва нейтрал сим ўртасидаги) ва 220 В га тенг. Уч фазали токнинг яна бир қизиқарли хусусияти: агар ОХ координата ўқининг исталган нуқтасида учта синусоиднинг қийматларини бирга қўшилса, йиғиндиси ҳар доим нолга тенг бўлади.

Юқоридаги расмда кўриниб турибдики, X1 ва X2 нуқталар бизга графикдаги синусоидал кучланиш даврини беради. Бу нуқталар фарқи синусоидал кучланиш даври олинади.

$$T = T_1 - T_2 = 24 - 4 = 20 \text{ мс.}$$

Олинган маълумотларда фойдаланиб, биз унинг частотасини қуйидаги формула ёрдамида топишимиз мумкин. (6):

$$\nu = \frac{1}{T} \quad (6)$$


Агар давр T аниқ бўлса, унда частотасини аниқлаймиз

$$\nu = \frac{1}{T} = \frac{1 \cdot 10^3}{20} = 50 \text{ Гц}$$

Маълум бўлишича, ҳар бир фазани симметрик юкламаси (тенг қаршилиқка эга бўлган) билан шу симдаги ток нолга тенг, чунки 120° градус фаза бўйича силжишлар йиғиндиси (алгебраик, белгиларни ҳисобга олган ҳолда) нолга яқинлашади. Ушбу умумий симни нол деб номланади. Ундаги ток кучлари нотекис юкламалар билан юзага келган ва фазавий тоқларга қараганда анча кичик боғланганлиги сабабли, фазали симларга нисбатан кичикроқ сим қалинликларда олинади.

Уч фазали трансформаторларда шу сабабларга (120° градус фаза силжиши) кўра, унинг габарит ҳажм сиғимлари анча кичиклашди ва симлардаги магнит оқимлар ўзаро ютуниш жараёнлари ўзаро сўрилади, бу эса симни кесимини кичикроқ бўлишини таъминлайди. Бугунги кунда уч фазали энергия таъминот системаси тўрт сим билан амалга оширилади, учтасини фаза кучланишлар деб номланади ва лотин ҳарфларида белгиланади: генераторда - А, В ва С, истемолчида - L1, L2 ва L3. Нол сим эса 0 билан белгиланади [5,6].


Юқори аниқликдаги қурилмалар ёрдамида ҳар бир фазани: ўртача тўғрилланган кучланиш қиймати, ўрта квадратик қиймат кучланиши ва тебраниш частотасини ўлчаш имкониятларни беради. Ҳар бир фазани максимал ва минимал амплитуда қийматлари аниқланди ва ўлчанди. Белгиланган қийматлар 2-расмдаги жадвалда кўрсатилган.



3-расм. ФЭС уч фазали системасини носимметрик формалари:

а) синусоидал кўриниш б) фаза бўйича XY mode кўриниши в) кучланиш бўйича XY mode кўриниши.

Юқоридаги 3-расмда А ва В фазаларининг фаза бурчаклари 118° градусни кўрсатилган, бу эса В фазасини юкламалари бошқаларга қараганда паст эканлигини англатади. Электр тармоқларида уч фазали тизимларни ўрганишда фазалар аро кучланиш бўйича носимметрилик аниқланди. Носимметрик вақтида В фаза бўйича нотекис юклама бўлиб, руҳсат этилган кучланиш қийматидан пастга тушади, шунинг учун у берилган меоридан ошиб кетиши эҳтимоли кўпроқ. Ушбу вазиятнинг натижалари кўплаб электр жиҳозлари учун халокатли бўлиши мумкин. Бу қурилмалар керакли қувватни олмаслиги ёки ортиқча қувватдан истемолга яроқсиз бўлиб қолиши мумкин.



4-расм. Кучланишларни носимметриклик кўриниши.

Куйидаги 4-расмда фазали ва чизиқли кучланишларнинг ўзаро муносабати ва нисбий сатҳини акс эттирадиган идеал моделни "А", "В", "С" ва марказининг "0" учлари билан тенг тамонли учбурчак шаклида тасвирлаш мумкин. АВ, ВС ва СА кучланиш векторлари (учбурчакнинг ён тамонларида) - чизиқли кучланишдир (380 В).

Учбурчакнинг марказидан унинг учларига тортилган векторлар $0A$, $0B$ ва $0C$ –фаза кучланишлари. Идеал вақтда улар бир бирларига тенг $0A = 0B = 0C$, лекин бир бирига нисбатан 120° бурчак остида силжийди, демак $\angle A0B = \angle B0C = \angle C0A = 120^\circ$ тенгдир [7].

Хулосалар.

Тарқатиш тармоқларига кўп истемолчилар, шу жумладан асосан бир фазали тармоқларга истемолчилар уланиши сабабли, ҳар бир исталган вақтда юкламалар ҳар бир фазаларда ҳар хил бўлишини кутиш мумкин.

Уч фазали тармоқларда носимметрикликни олдини олиш ва тўлиқ бартараф этишнинг иложи йўқлиги сабабли, руҳсат этилган меъёр ўрнатилган стандартлари мавжуд. Амалдаги ГОСТ 32144-2013 (4.2.5-банди)га мувофиқ, алоҳида линиялар бўйича фазалар аро тескари ток қиймати 2 фоиздан ортиб кетмаслиги керак.

Синусоидал кучланишни фаза силжишларини носимметригини баҳолаш учун бурчак носимметрик коэффиценти $K_{НМ}$ қўлланилади:

$$K_{НМ} = \frac{\alpha_{\text{фаза AUB}}}{\alpha_{\text{ном}}} * 100\% \quad (4)$$

$$K_{НМ} = \frac{118^\circ}{120^\circ} * 100\% \approx 1,8 \%$$

Юқорида ўтказилган тадқиқот ишларидан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- Юқоридаги 1,2 - расмларда номинал қуввати 9 кВтга эга бўлган қуёш энергия станциясидан чиқаётган электроэнергияни кучланишларнинг синусоидал графиги кўрсатилган. Таҳлил қилинаётган бу система амплитуда, частота ва бошланғич фаза қийматларини бўйича ГОСТ 32144-2013 стандартининг 4.2.1-4.2.4 бандлари асосида текширувлар олиб борилди. Олиб борилган ишларнинг натижалари шуни кўрсатдики, биз тамондан номинал қуввати 9 кВтга эга бўлган фото энергия станциясидан чиқаётган электроэнергия қийматлари сифатини баҳолаш ГОСТ 32144-2013 стандартининг 4.2.1-4.2.4 бандларида кўрсатилган талабларга жавоб беради;
- 3-расмда, уч фазали кучланиш тармоғида фазалар аро бурчаклари берилган қийматлари фарқлари бир бирларига 120^0 бўлишлари ўрнига бирининг фарқи 118^0 ни ташкил қилмоқда. Агар орасидаги фазалар бурчаги белгиланган қийматдан паст эканлиги, унда бошқа фазалар фарқи ортиқ бўлишини билдиради. Кейинги расмда фазалар фарқи 122^0 ни ташкил қилган. Бу уч фазани бурчаклар йиғиндисини тармоқнинг қонунларига асосан нолга тенг;
- фаза В - бош стандартда кўрсатилган носимметриклиги 2% ошиб кетмаганлиги таҳлил қилдик;
- Қилинган тадқиқот ишларимиз натижаси номинал қуввати 9 кВтга эга бўлган қуёш энергия станциясида стандартга мос келади;
- номинал қуввати 9 кВтга эга бўлган қуёш энергия станциясида электроэнергияни сифатини баҳолаш учун кучланиш тебранишларига нисбатан ГОСТ 32144-2013 бўйича амалган оширилган;
- ўтказилган тадқиқот ишларимиз натижаси номинал қуввати 9 кВтга эга бўлган қуёш энергия станцияси орқали ишлаб чиқарилаётган электроэнергия сифати O'zDSt/IEC 3076 ва O'zDSt/IEC 3075 стандартларини қийматларига тўғри келади.

Адабиётлар

- [1]. Карташев И.И., Тульский В.Н., Шамонов Р.Г. и др. Управление качеством электроэнергии: учебное пособие / под ред. Ю.В. Шарова. 3-е изд., перераб. и доп. М. : Издательский дом МЭИ, 2017, —347 с.
- [2]. Матчанов Н.А, Тураев А.И., Мирзаев А.А., Эгамов С.Р. //Влияние on-grid фотоэлектрической системы (9 кВт) на параметры локальной сети (0.4 кв)// Проблемы энергоресурс и сбережения, 2019, №1-2, стр.191-198.
- [3]. ГОСТ 32144—2013. Электрическая энергия. Совместимость технических средств электромагнитная. Нормы качества электрической энергии в системах электроснабжения общего назначения /Межгосударственный совет по стандартизации, метрологии и сертификации. М.: Стандартинформ, 2014.
- [4]. <https://www.fluke.com/en-us/product/electrical-testing/portable-oscilloscopes/190-series-ii/fluke-190-ii-190-104/>
- [5]. <https://jais.ru/product/fluke-190-104/>
- [6]. <https://www.pergam.ru/articles/trehfazny-tok.htm>
- [7]. V. Halpin (Chef de file CIGRE GT C.4.111)/ Examen des niveaux des compatibilite des fluctuation des tensions BT et MT. ELECTRA. № 286, 2016. P. 48.
- [8]. O'zDSt/IEC 3076. Станции солнечные фотоэлектрические. Подключаемые к электрическим сетям. Требования минимальные к станциям, документации, приёмке и обследованию.
- [9]. O'zDSt/IEC 3075. Системы фотоэлектрические. Термины и определения.

УДК 620.517

СПОСОБЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ СОЛНЕЧНОЙ УСТАНОВКИ

О.Х. Отакулов, С.Ф. Эргашев, Э.А. Ощепкова

*Ферганский политехнический институт
(Получена 12.10.2020 г.)*

Аннотация. В статье рассмотрены способы повышения энергетической эффективности солнечной установки с использованием автоматизации, выбор оптимальной структурной и конструктивной схемы, а также принятых способов ориентации установки на солнце и применением удобной системы слежения.

Аннотация. Мақолада автоматизация ёрдамида қуёш қурилмаларини энергия самарадорлигини ошириш усуллари, оптимал конструктив ва конструктив схемани танлаш, шунингдек, ўрнатишни қуёшга йўналтиришининг қабул қилинган усуллари ва қулай кузатув тизимидан фойдаланиш ҳақида сўз боради.

Abstract. The article discusses ways to increase the energy efficiency of a solar installation using automation, the choice of the optimal structural and structural scheme, as well as accepted methods of orientation of the installation to the sun and the use of a convenient tracking system.

Ключевые слова. Солнечная установка, автоматическая система слежения, управляющий сигнал, повышение эффективности устройства, оптимизация конструкции солнечных коллекторов

Калим сўзлар. Қуёшни ўрнатиш, автоматик кузатув тизими, бошқариш сигнали, қурилма самарадорлигини ошириш, қуёш коллекторини лойиҳалаштиришни оптималлаштириш

Keywords. Solar installation, automatic tracking system, control signal, improving device efficiency, optimization of the design of solar collectors.

I Введение.

Совершенствование автономных солнечных энергетических установок (АСЭУ) прежде всего зависит от рационального использования их технических возможностей. Поэтому при проектировании современных эффективных автономных солнечных энергетических установок должна решаться задача системного проектирования энергетических установок с целью повышения их энергетической эффективности.

Для оптимизации работы солнечной установки целесообразно использовать оптические и программные системы слежения солнечных концентраторов. Это позволяет добиваться требуемой точности и эксплуатационного контроля систем слежения, а следовательно способствуют повышению энергоэффективности концентраторов различного назначения. Как известно, существуют разработанные различные системы энергоустановок, основанные на преобразовании солнечной энергии в тепловую.

II. Повышение эффективности использования энергетических систем.

Повысить коэффициент энергетической эффективности солнечной энергетической установки не менее чем на 30–50% возможно следующими основными способами [3]:

- реализацией режима отбора горячей воды или аккумулированием энергетической мощности;
- реализацией режима непрерывного автоматического слежения солнечного коллектора или фотоэлектрических панелей за Солнцем;
- оптимизацией конструкции или искусственное охлаждение солнечной батареи с целью достижения минимального нагрева фотоэлементов.
- оптимизацией конструкции теплоприемника и ее тепловой изоляции с целью достижения минимальных тепловых потерь и максимальной тепло производительностью.
- использование теплоприёмника солнечных энергетических установок по новым перспективным энергоэффективным направлениям, в частности для получения водорода, для накачки лазеров и другие.

Эффект от реализации режима экстремального регулирования мощности солнечных установок зависит от диапазона изменения рабочей температуры солнечной энергетической установки. Солнечные установки используются при значительно изменяющихся условиях эксплуатации. Они сильно подвержены влиянию окружающей среды. Их рабочие характеристики отличаются нелинейностью и нестабильностью.

Реализация режима автоматического слежения солнечных установок за Солнцем, является наиболее действенным способом повышения энергетической эффективности энергетических установок.

Из проведенного предварительного анализа энергетической эффективности систем автоматического слежения за Солнцем следует, что эффективность для Ферганы относительно горизонтального расположения солнечных коллекторов составляет:

- при выставлении солнечного коллектора под углом 40° , (равным по широте местности), эффективность составляет - 40%;
- при применении одноосевой системы слежения за Солнцем эффективность составляет – 62%;
- при применении двухосевой системы слежения за Солнцем эффективность составляет – 71%.

В среднем для различных областей Узбекистана повышение энергетической эффективности за счет применения систем слежения за Солнцем повышается на 11% для одноосевых систем и на 26% – для двухосевых.

Контроллер рассчитывает высотные и азимутальные углы и выдает набор соответствующих управляющих сигналов для двух шаговых двигателей, который объясняет следующее.

Угол склонения рассчитывается контроллером как:

$$\delta = \sin^{-1} \left(\sin(23.45^\circ) \sin \left(\frac{360}{365} (d - 81) \right) \right) \quad (1)$$

где δ - угол склонения, а d - номер годового дня, так что 1 января учитывается как $d = 1$. Высота над уровнем моря - угол, обозначенный буквой α , получается:

$$\alpha = \sin^{-1} (\sin(\delta) \sin(\varphi) + \cos(\delta) \cos(\varphi) \cos(15^\circ (\text{MCB} - 12))) \quad (2)$$

где φ - широта расположения солнечного трекера, а МСВ - местное солнечное время. После этого определяется азимутальный угол, обозначенный буквой β :

$$\beta = \cos^{-1} \frac{\sin(\delta) \sin(\varphi) - \cos(\delta) \cos(\varphi) \cos(15^\circ (\text{MCB} - 12))}{\cos \alpha} \quad (3)$$

Угол азимута составляет от 0 до 180° , когда часовой угол ($15^\circ (\text{MCB} - 12)$) отрицательно (утром) и составляет от 180 до 360, когда часовой угол положителен (во второй половине дня). [4]

Целесообразность оптимизации конструкции солнечных коллекторов с целью повышения коэффициента энергетической эффективности объясняется высокой чувствительностью теплоприемника солнечных установок к температуре. С повышением температуры теплоприемника эффективность работы солнечных установок, как и большинства других солнечных установок, снижается. Поэтому необходимо принимать все меры для оптимизации рабочей температуры теплоприемника и её тепловой изоляции.

Шаговый способ поиска экстремума мощности наиболее приемлем для применения в автономных солнечных энергетических установках, так как согласование экстремального регулятора с автоматическим запорным клапаном, регулирующий рабочую температуру теплоносителя или зарядным устройством осуществляется достаточно просто путем дискретной перестройки цепи обратной связи в канале стабилизации напряжения солнечной батареи.

Экстремальный регулятор любого исполнения (аналого-цифровой, цифровой, микропроцессорный) практически не увеличивает массу регулирующей аппаратуры, имеет незначительное энергопотребление и повышает эффективность использования солнечной установки до максимального значения [1, 4].

III. Выбор оптимальной структурной схемы автоматизированной системы солнечных энергетических установок.

На рис. 1 приведена структурная схема автоматизированной системы солнечных энергетических установок.

Данная система включает в себя две цепочки независимого управления. В первой цепочке разработана система автоматического слежения солнечными коллекторами на основе микроконтроллера

«Arduino». Контроллер, принимая сигналы от фотоэлектрических датчиков слежения,

формирует управляющий сигнал в дискретном формате. Формированный сигнал выдается к

управляющему блоку, который усиливая, управляет работой электрического привода, состоящий из

однооборотного электродвигателя МЭО (механизм электрический однооборотный) с

редуктором. Механизм слежения обеспечивает наведение солнечного

коллектора на Солнце. Допустимая погрешность (порог срабатывания) между сигналами в наклонных плоскостях фотоэлементов датчика, при которой необходимо проводить слежение коллектора за Солнцем составляет 5% (эта величина может устанавливаться в контроллере) [3].

Как только оптимальное положение найдено, микроконтроллер устанавливает таймер и ожидает следующего цикла работы через заданное время. Этот процесс будет продолжаться до тех пор, пока не будет нажата кнопка сброса. График отслеживания показан на следующем рисунке. [2]

Во второй цепочке микроконтроллер обеспечивает удержание температурного параметра входа и выхода нагреваемой воды в коллекторе. В цепочке автоматизации участвуют следующие приборы и устройства:

- микропроцессорный измеритель регулятор ТРМ 212 (выходной сигнал аналоговый);
- сужающее устройство (шайба) для создания перепада давления;
- датчик перепада (измеритель перепада (входным сигналом 4-20 мА));
- термодатчик – термопара (диапазон измерения до 850 градусов);
- электрозадвижка (с входным сигналом 4-20 мА);
- компьютер для учета и регистрации данных.

Техническим результатом второй части автоматизации является повышение эффективности и надежности солнечной энергетической установки. Повышение эффективности устройства достигается путем улучшения режима тепловой аккумуляции, так как не используемая потребителем порция горячей воды, совершая повторный цикл поступления в солнечный тепловой коллектор, передает часть своей энергии аккумулятору тепла. Повышение надежности солнечного устройства достигается за счёт увеличения




Рис. 1 Система автоматизации работы солнечных коллекторов.




Рис. 2. График отслеживания солнечной установки за солнцем.

скорости периодического съёма тепла солнечного излучения порциями, путём применения отбора воды по автоматически заданным диапазона температуры, обеспечивающим предотвращение накопления накипи во внутренних поверхностях рабочих каналов солнечного теплового коллектора. [4]

Заключение

Таким образом, достижение повышения энергоэффективности солнечной установки можно достичь следующими способами:

- слежение солнечных коллекторов за Солнцем целесообразно проводить исходя из требований обеспечения точности наведения на Солнце и минимального потребления электрической энергии электроприводами;

- в целях энергосбережения при завершении цикла наведения солнечного коллектора на Солнце необходимо выключать драйверы электропривода, и организовывать режим позиционирования, что позволяет существенно сократить потребление электрической энергии.

- анализ разработанных конструкций ориентирующих систем показал, что для стандартных конструкций погрешность слежения порядка $0,1 \div 0,6$ град. считается допустимой. Однако необходимо отметить, что чем выше точность слежения, тем выше эффективность солнечной энергетической установки.

- повышение надёжности солнечного устройства достигается за счёт увеличения скорости периодического съёма тепла солнечного излучения порциями, путём применения отбора воды по автоматически заданным диапазона температуры, обеспечивающим предотвращение накопления накипи во внутренних поверхностях рабочих каналов солнечного теплового коллектора.

Список литературы

- [1]. Солнечные фотоэлектрические модули серии ТСМ [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.solarhome.ru/ru/pv/tcm.htm>, свободный (дата обращения: 22.09.2010).
- [2]. Шиняков Ю.А. Повышение энергетической эффективности автономных фотоэлектрических энергетических установок / Ю.А. Шиняков, Ю.А. Шурыгин, О.Е. Аркатова // Доклады Том. гос. унта систем управления и радиоэлектроники. – 2010. – № 2(22), ч. 2. – С. 102–107.
- [3]. Варианты построения экстремальных шаговых регуляторов мощности солнечных батарей / Ю.А. Шиняков, К.Г. Гордеев, С.П. Черданцев, П.В. Обрусник // Труды ВНИИЭМ. Электромеханические устройства космических аппаратов (Москва). – 1997. – Т. 97. – С. 83–92.
- [4]. A. N. Yamin, M. N. Ibrahim, M. Idoras and A. R. Zin, “Embedded Solar Tracking Instrumentation System”, in Power Engineering and Optimization Conference, 2013, volume 7, p. 223-227

АЛЬТЕРНАТИВ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИ МОДЕЛЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

Т. Бўтаев¹, Г. Урозалиев²

¹Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали,

²Фаргона политехника институти

butayev57@mail.ru, urozaliev76@mail.ru,

(Қабул қилинди 15.08.2020 й.)

Аннотация: Мақолада альтернатив энергия манбаларидан самарали фойдалана оладиган соҳалар ва истеъмолчиларининг турлари, альтернатив энергия манбалари (АЭМ) дан фойдаланиши кўрсаткичлари бўйича тоифаланиши баён қилинган. АЭМ лардан фойдаланувчи объектларни истеъмол қувватларига ва бошқа мезонларга қараб моделида энергия истеъмол ҳажм, ҳаражат ва нарх каби мезонларни ҳисобга олиб кўриб чиқиши баён қилинган. АЭМ лардан фойдаланувчи истеъмолчиларни олдиндан аниқлаш босқичлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: энергия, альтернатив, тикланувчан, истеъмол қуввати, модел.

Аннотация: В статье описаны типы отраслей и потребителей, которые могут эффективно использовать альтернативные источники энергии (АИЭ), классифицированные по показателям

использования альтернативных источников энергии. Указывается, что при моделировании объектов с использованием АИЭ на основе потребляемой мощности и других критериев потребление энергии следует рассматривать с точки зрения таких критериев, как объем, стоимость и цена. Рассмотрены этапы предварительной идентификации потребителей с использованием АИЭ.

Ключевые слова: энергия, альтернатива, возобновляемая энергия, энергопотребление, модель.

Annotation: The article describes the types of industries and consumers that can effectively use alternative energy sources (AES) classified according to the indicators of use of alternative energy sources. It is indicated that when modeling objects using AES based on power consumption and other criteria, energy consumption should be considered in terms of criteria such as volume, cost and price. Stages of preliminary identification of consumers using AES are considered.

Keywords: energy, alternative, renewable energy, energy consumption, model.

Ҳозирги ва келгуси замон тараққиётини энергия манбаларисиз тассавур қилиб бўлмайди. Энергияларга бўлган талаб кун сайин ошиб бормоқда. Шу ерда айтиш жоизки, ресурсларнинг камайиб бораётганлиги сабабли, анъанавий энергия манбаларининг умри сўниб бормоқда. Шунингдек, анъанавий энергия манбаларининг ишлатилиши бир қатор экологик муаммоларга ва глобал иқлим ўзгаришларига сабаб бўлмоқда. Кундан-кунга энергия ресурсларининг қиммат бўлиб бориши ҳам, кўп давлатларнинг иқтисодийётига салбий таъсир қилмоқда. Энди эса, ҳаётимизга ноанъанавий тикланувчан энергия манбалари (НТЕМ) нинг шиддат билан кириб келиши кузатилмоқда. Лекин, мазкур манбалардан фойдаланиш оммавий тус ололгани йўқ [1].


Бутун жаҳонда тикланадиган энергия манбаларига қизиқиш кундан-кунга ошиб бормоқда[3]. Буларга биринчи навбатда қуёш, шамол ва биоэнергия манбаларини қайд этишимиз мумкин. Сўнгги йилларда мавжуд бўлган нефт, газ, кўмир ва атом энергияларига нисбатан альтернатив энергия манбаи ҳисобланган тикланадиган энергия манбалари рақобатдошлиги сезиларли ўсди. Бу ўсиш шу даражада ривожланиб борса яқин йилларда тикланадиган энергия манбалари энергия бозорининг асосий қисмини ташкил этади. Буларга биринчи навбатда қуёш, шамол ва биоэнергия манбаларини қайд этишимиз мумкин [2].

Альтернатив энергия манбаи(АЭМ) истеъмолчилари қандай бўлиши ва энергия манбаидан қачон фойдаланиши мумкинлиги тўғрисида фикрлашсак. 1- расмда АЭМга мухтож объектларни ўрта гуруҳга бўлдик. Ҳар бир гуруҳда мазкур АЭМ объектлари истеъмол қувватига эга бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан уларнинг ҳар бири учун хос бўлган катталикини танлаб олиш керак. Акс ҳолда АЭМ объектларини тоифалаш бироз мураккаблашади.

Биз АЭМ объектларини тоифалашда ҳар бир гуруҳ учун асос бўлган вақтни мезон қилиб олдик. Умуман ҳар қандай АЭМ объектини талаб вақтига ўқ тоифага ажратиш мумкин:

1. Доимий (Д);
2. Муддатли (М);
3. Вақтинчалик (В).

Доимийлар кечаю кундуз фойдаланишни талаб қилади. Бундай объектлар ер остига жойлашган бўлади, масалан туннеллар, ер



1-расм.АЭМ объектларини гуруҳланиши.

ости ўтиш йўллари ва х.з. Уларда фойдаланиш вақтлари - $T = 24$ соатга тенг бўлиши мумкин. Муддатлиларга фақат кечаси фойдаланиладиган объектларни олиш мумкин, яъни фойдаланиш вақтлари - $m = T/2$ - га тенг бўлиши мумкин. Вақтинчаликларга сутка давомида эҳтиёжга қараб, зарур пайтда фойдаланиладиган объектларни киритиш мумкин ва уларда фойдаланиш вақтлари - $n = T/2$ вақтдан кичик бўлади, яъни $n < m$ тенгсизлик ўринли бўлади.

Демак, доимий фойдаланиладиган объектларнинг энергетик қурилмалари сутка давомида энергия истеъмол қилади. Айтайлик, барча турдаги энергетик қурилмаларини бир соатдаги энергия истеъмоли - W бўлсин. У ҳолда доимий D бир суткадаги энергия истеъмолини қуйидагича ифодалаш мумкин: $W_D = T \times W = 24 \times W$. Бу ерда, T - бир сутка давомидаги вақт, яъни 24 соат. Худди шундай муддатли M -лар учун ҳам бир соатдаги энергия истеъмолини W деб олиб, сутка давомида m соат ишлайди десак, энергия истеъмоли қуйидагича $W_M = (T/m) \times W$ тенг бўлади. Вақтинчалик B -лар учун $W_B = (T/n) \times W$ ифода ўринли бўлади. Бу ерда, n - вақтинчалик B -ларнинг ишлаш вақти. Албатта, $T > m > n$. Демак, қуйидаги тенгсизлик ўринли бўлади: $W_D > W_M > W_B$. Демак, объектларни вақтинчалик АЭМ да бошқа турдагиларга нисбатан кам энергия истеъмол қилинар экан, лекин вақтинчалик АЭМ объектларининг барчаси бир пайтда ишлаши ҳам энергия сарфини кўп талаб қилади. Бу ҳолатда тежамкорликка эришиш учун вақтинчалик B ларини эҳтиёжга қараб ишлатиш жараёнини таҳлил қиламиз. Айтайлик, мазкур H та B ларнинг ҳар бири W_B энергия истеъмол қилсин. Демак, вақтинчалик B лари жами $W_\Sigma = H \times W_B$ энергия истеъмол қилиши мумкин. Агар, эҳтиёжга қараб вақтинчалик B ларининг $H/4$ - си тўла қувватда W_B ва $H-H/4$ -си паст W_B/k (бу ерда: $k = 2, 3 \dots$) қувватда ишласа, у ҳолда қуйидаги тенглик ўринли бўлади:

$$W_\Sigma = (H-H/4) \times W_B/k + (H/4) \times W_B.$$

Айтайлик: $k = 3$ бўлса, унда $W_\Sigma = (H/2) \times W_B$ -га тенг бўлади. Демак, эҳтиёжга қараб вақтинчалик B ларида энергия сарфи икки марта кам бўлар экан.

АЭМ лардан фойдаланувчи объектларни истеъмол қувватларига қараб тоифалаш(моделлаш) учун аввало энергия истеъмол ҳажми, харажати ва нархи каби мезонларни бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан талаб ва таклифларни ҳисобга олиб кўриб чиқамиз.

АЭМ лардан фойдаланувчи истеъмолчиларни олдиндан аниқлашда талаб ва истеъмол моделининг асосан уч туридан: конструктив, структуравий ва аналитик турларидан фойдаланилади. Конструктив моделлар асосидаги истеъмол қувватлари минимал қувват, оптимал қувват ва ратсионал қувват ҳисобланади.

Истеъмол қувватлари $U = \sum_{i=1}^m q_i K_i$ тенглик бўйича ифодаланади;

бунда U – умумий харажат (истеъмол ҳажми); q_i -и бойлик (энергия ёки хизмат) нархи, K_i -миқдори

Структуравий моделлар асосида объектларнинг истеъмолнинг нисбатан барқарор типлари билан типологияси мавжуд деб тушунилади. Бунда истеъмол таркибидаги барча силжишлар объектлар структурасидаги ўзгаришлар билан боғланади.

Истеъмолнинг умумий структураси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I = \sum_{i=1}^m \lambda_i T_i$$

T_i -истеъмол тури; i -объектлар сони;

λ_i -и типдаги энг яхши истеъмол тўплами;

m - истеъмол типларининг сони

Аналитик моделлар жумласига бир ва бир неча омиллардан иборат регрессион тенгламалар киради ва улар истеъмол билан унга таъсир этувчи бир ёки бир неча омилларнинг алоқасини кўрсатади.

АЭМ лардан фойдаланувчи объектларни маълум бир меъёр асосида энергияга бўлган истеъмол талабини қондириш учун қанча энергия ва қандай қувватли АЭМ қурилмасидан фойдаланиш кераклигини тезкорлик билан аниқлаш зарурати туғилади. Бундай ҳолларда содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай тасодифий ҳодисаларни ва мураккаб жараёнларни ҳисобга олиш учун имитатсия услубларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш истиқболлари. БМТ Тараққиёт дастури. Тошкент, мега Басим, 2007 й.
- [2]. М.М.Мухитдинов, С.Ф.Эргашев Куёш энергиясидан фойдаланиш. Т.Фан 2000 й.
- [3]. Б.В. Лукутин, Возобновляемая источники электроэнергии, учебное пособие, 2008 г.

УДК 662.997.697

СОВИТГИЧЛИ ФОТОЭЛЕКТРИК ИССИҚЛИК МОДУЛЛАРНИНГ ТЕХНИК ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

У.Ж. Нигматов

Ферганский политехнический институт, e-mail: fernigmatov@mail.ru
(Получена 11.09.2019 г.)

Abstract. This article analyzes research on the development of solar devices based on cooled photovoltaic thermal modules (PVTM) that can generate heat and electricity at the same time. In addition to research on the creation of new devices, recommendations for improving existing solar photovoltaic heating devices, the results of a comparative analysis of the technical characteristics of cooled photovoltaic thermal modules are presented.

Keywords: solar cell, photovoltaic system, solar energy conversion, photovoltaic module, cooling.

Аннотация. В данной статье анализируются исследования по разработке солнечных устройств на основе охлаждаемых фотоэлектрических тепловых модулей (ФЭТМ), способных генерировать тепло и электричество одновременно. Помимо исследований по созданию новых устройств, рекомендаций по совершенствованию существующих солнечных фотоэлектрических нагревательных приборов, представлены результаты сравнительного анализа технических характеристик охлаждаемых фотоэлектрических тепловых модулей.

Ключевые слова: фотоэлемент, фотоэлектрическая система, преобразование солнечной энергии, фотоэлектрический модуль, охлаждение.

Аннотация. Ушбу ишда бир вақтнинг ўзида иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқаришга қодир бўлган совитгичли фотоэлектрик иссиқлик модуллар (ФЭИМ) асосидаги қуёш қурилмаларини ривожлантириш борасида олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган. Янги қурилмаларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш билан бир қаторда, ҳозирги вақтга мавжуд бўлган қуёш фотоэлектрик иссиқлик қурилмаларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар, совитгичли фотоэлектрик иссиқлик модулларнинг техник характеристикалари ўзаро қиёсий таҳлил натижалари келтирилган.

Таянч сўзлар: фотоэлемент, фотоэлектрик тизим, қуёш энергиясини ўзгартириш, фотоэлектрик модул, совутиш.

Кириш. Дунёда кузатилаётган энергия ва ресурс танқислиги ҳамда экологик муаммолар кишилик жамияти тараққиёти даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб қолмоқда. Дунёнинг бугунги кундаги сиёсий – иқтисодий харитаси таҳлили шуни кўрсатадики, энергетик ва ресурс ҳамда экологик муаммолар локал характер чегараларидан чиқиб глобал миқёсдаги характерни касб этиб бормоқда [1]. Барча қайта тикланадиган энергия манбалар (ҚТЭМ) турларининг асоси қуёш нурланишининг энергияси ҳисобланади [2]. Фан ва тараққиёт олами илмий натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу муаммоларни ечиш йўлларида бири қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш технологияларини янада ривожлантириш ва юқори самарадор технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат. Қайта тикланувчи энергия манбаларига – шамол, қуёш, сув, геотермал, биомасса, денгиз ва океанлар тўлқин энергияси ва бошқалар киради [3].

Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики қуёш энергиясини утилизация қилишда истиқболли ва иқтисодий рақобатбардош йўналиш бу

совитгичли ФЭИМлар асосидаги қуёш қурилмаларини ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирда юртимизда ҳар хил қувватли турли мақсадларга йўналтирилган бир қанча совитгичли ФЭИМлар асосидаги қуёш қурилмалари яратилган [4].

Асосий қисм. Барчамизга маълумки, фотоэлектрик модул – бу, фотогальваник эффект асосида, қуёш нурланишини (ҚН) тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантирадиган қурилма. Бу билан биргаликда қуёш элементи (ингл., solar sell) ёки фотоэлемент деган номи ҳам кенг тарқалган [5]. Фотоэлектрик модулини тузилиши 1-расмда кўрсатилган. У бир нечта элементларни ўз ичига олади:


- тузилма бикрлигини таъминлайдиган ва периметри бўйлаб намликдан ҳимоя қилувчи ҳимоя алюминий белбоғ;
- қуёш спектрини янада самарали қабул қилиш учун юқори ҳарорат таъсирига бардошли ҳимоя ойнали қоплама;
- қуёш энергиясини электр энергиясига айлантирадиган фотоэлемент;
- тузилманинг герметик ҳолатини таъминлайдиган полимер плёнка;
- енгил ва зарбга бардошли РЕТ-плёнкадан ясалган орқа қисми.

Ҳозирги кунда истеъмолчилар томонидан эксплуатация қилинаётган ФЭИМларни фойдали иш коэффициентлари (ФИК), монокристалли кремний учун – 14-19% ни, илғор модуллар учун эса – 23,2% ни ташкил этади [6]. Поликристалли кремнийдан фотоэлектрик модуллар (ФЭМ) ФИКи – 14-17%, аморф кремнийдан ФЭМлар ФИКи – 5-8%. Қуёш энергетика соҳасида юқори самарали ФЭМ яратиш ва ундан келажакда кенг фойдаланиш мақсадида галлий арсенид (GaAs) материалга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда ушбу материал асосида тайёрланган модуллар юқори самарадорликка эгаликларини (битта $p-n$) ўтиш орқали энергияни генерация қилишга мўлжалланган ФЭМлар учун ФИКи тахминан – 28% [7]), қуёш нурлирини қабул қилиш бўйича хусусиятларини, юқори иш ҳароратида характеристикалар барқарорлигини ва бошқа бир қатор муҳим хусусиятларини намоён этиши аниқланган. Юпқа қатламли ФЭМлар орасида индийни мис дисленидини (CuInSe_2) ўзининг хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу материалнинг асосий хусусияти – қуёш нурланишини ютиш қобилиятидир: ёруғликнинг 99% гача миқдори биринчи микроини ўзида қабул қилинади, яримўтказгичнинг ман этилган (тақиқланган) зона кенглиги – 1,0 эВ ташкил этади [8].

Ушбу материаллар рўйхатида кадмий теллуриди (CdTe) алоҳида ўрин эгаллайди. Бу материал асосида тайёрланган яримўтказгичнинг ман этилган (тақиқланган) зона кенглиги – 1,44 эВ ни ташкил қилади, яъни оптимал даражага яқин, материал қуёш нурланишини нисбатан юқори қабул қилишга эга. CdTe асосдаги фотоўзгартиргичларнинг ФИКи юқори – 10-16% [8].

Органик материаллар қўлланиладиган ФЭМларни алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин. Масалан, органик бўёқ билан қопланган титан диоксида (TiO_2) асосидаги ФЭМлар 11% ФИКа эга [8].

Фотоэлементларнинг асосий афзаллиги – ҳаракатланувчи қисмларнинг мавжуд бўлмагани, уларнинг юқори ишончлилиги ва барқарорлиги. Тузилманинг модулли тури ҳар хил кучланиш ва қувват даражасидаси эга бўлган қурилмаларни яратишга имкон беради. Серияли ишлаб чиқарилган ФЭМ ва фотоэлементлар стандартларнинг талабларига жавоб бериши зарур, чунки уларнинг техник хусусиятлари бир-биридан фарқ қилади [9].




1-расм. Фотоэлектрик модулини асосий тузилмавий элементлари. 1 – ҳимоя алюминий белбоғ; 2 – ҳимоя ойнали қоплама; 3 – полимер плёнка; 4 – фотоэлемент; 5 – орқа қисми.

Стандарт хусусиятларга эга бўлган ФЭМ ва фотоэлементлар синов жараёнида баҳоланади. Синов жараёнинг шартлари қуйидагича бўлиши керак: ФЭМнинг ишчи юзасига перпендикуляр тушаётган қуёш нурланиш оқими 1000 Вт/м^2 ни, қуёш батареясининг ҳарорати эса 25°C ни [10] ташкил этиши лозим. Бундай шароитда ФЭМнинг ёки қуёш элементларининг (ҚЭ) асосий характеристикалари қайд этилади: қисқа туташув оқими ($I_{\text{кто}}$), очик туташув зўриқиши ($U_{\text{отз}}$), максимал қувват ($P_{\text{мк}}$), тўлдириш коэффиценти (fill factor – FF) ва оқим-қувватлиги характеристикаси (ОКХ).

Иссиқлик радиатори кўринишидаги совутиш тизими бу ФЭИМ юзасидаги иссиқлик энергиясини ўзига қабул қилишга ишлайдиган махсус қурилма. Иссиқлик радиаторининг турли хил тузилмалари мавжуд, улар орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиш керак: ясси ва қувурли каналлар ўрнатилган ясси.

Шунингдек, иссиқлик радиаторини ишчи муҳит турига (ҳаво, сув, гликоль ва бошқалар) кўра таснифлаш керак. Ясси иссиқлик радиатори бу иссиқлик агенти айланишини таъминлаб бериш мақсадида текис асосга нисбатан паралел ўрнатилган бир нечта доирасимон ёки тўғри бурчаксимон қувурлардан иборат тузилмадир. Иссиқлик ўтказиш жараёнининг самарадорлигини ошириш учун ФЭИМ ва иссиқлик радиатори орасида иссиқлик ўтказувчи панелни ўрнатиш мумкин [10].



2-расм. Қовурғасимон радиаторли совитгичли фотоэлектрик иссиқлик модули. 1 – фотоэлементлар; 2 – ойнали қоплама; 3 – қовурғасимон радиатор (абсорбер); 4 – изоляция; 5 – ҳавони қириш йўналиши; 6 – ҳавони чиқиш йўналиши.


Ҳозирги кунда кичик ва ўрта автоном истеъмолчилар орасида қуёш фотоэлектрик қурилмалар (ҚФЭҚ) муқобил энергия манбаси сифатида тобора кенг тарқалиб бормоқда ва баъзан улар катта қуёш қурилмаларда анъанавий газ ва иссиқлик тизимлар билан биргаликда ишлатилмоқда. Тузилиши бўйича ҚФЭҚлар ясси тўғри тўрт бурчак кўринишидаги фотоэлектрик модуллардан иборат, уларнинг асосий вазифаси қуёш энергиясини электр энергиясига ўзгартириш [11]. ҚФЭҚлар кўп афзалликларга эга, улардан бири ҚФЭҚларни исталган микдорда бирлаштиришга имкон берадиган максимал модул кўринишида ўрнатиш. Бирок, бугунги кунда қуёш энергиясини тўғридан-тўғри электр энергиясига ўзгартириб берадиган фотоэлектрик қурилмалар (ФЭИМлар асосидаги фотовольтаик ҚЭҚлар) дунёда деярли қолмаган [12]. Бунинг икки сабаби бор:

- ташқи ҳарорат кўрсаткичи тахминан $+45^\circ\text{C}$ тенг бўлганида ФЭИМлар юзасидаги ҳарорат унинг максимал руҳсат этилган ишчи ҳароратидан, яъни $+85^\circ\text{C}$ ошиб кетади, бундай ҳолатда ФИКи 20% дан 5% га камаяди;

- юқори ташқи ҳарорат ФЭИМларни нисбий таннархларига ҳам салбий таъсир қилади, бу эса ўз навбатида фотовольтаик ҚЭҚларни яратиш бўйича лойиҳаларни самарасизлигини кўрсатиб турибди.

ФЭИМлар ФИКни ошириш бўйича усуллар:

Chow T. T., Wei He, Jie Ji, Jianping




3-расм. ФИКни ҳаво оқими тезлигига боғлиқлиги.

Лу хорижий тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган қовурғасимон радиаторли совитгичли ФЭИМ (2-расм).

Совитгичли ФЭИМнинг асосий тузилмавий элементлари: белбоғ; ҳимоя ойнали қоплама; фотоэлементлар; қовурғасимон радиатор; иссиқлик изоляция [12].

Совитгичли ФЭИМ қуйидаги кетма-кетликда ишлайди: ҳаво оқими юқори канал орқали киради ва пастки канал орқали чиқиб кетади, яъни фотоэлементлар юзасидан иссиқликни олиб кетади. Қурилмадаги иссиқлик узатиш жараёнини ошириш учун вентильатор панелнинг орқа қисмига ўрнатилади. Муаллифлар томонидан олинган тадқиқот натижалари 3-расмда кўрсатилган. Совутиш тизими фотоэлемент юзасидаги ҳароратни пасайтиради, бу эса ўз навбатида ФЭИМнинг ФИКни оширишга олиб келади.



Совитгичли ФЭИМни таркибига ФЭМ ва суюқ совутигичли радиатор киради [13]. Радиатор кўндаланг қирқими думалоқ ёки тўртбурчак қувурлардан иборат бўлиб, ясси абсорберга ўрнатилади. Модулнинг орқа томонига зич ўрнатилган ясси абсорбердаги иссиқликни асосий қисмини радиатор қувурларида ҳаракатланаётган суюқлик ўзи билан ташқарига олиб чиқади (4-расм).

4-расм. Оқава суюқлик радиатори қўлланиладиган совитгичли фотоэлектрик иссиқлик модули. 1 – фотоэлектрик модул; 2 – радиатор ясси абсорбери; 3 – радиатор қувурлари.

Ушбу тузилмага эга бўлган қуёш қурилмалар ишлаб чиқариш жараёнидаги қулайлиги ҳамда иқтисодий жиҳатдан тежамкорлиги

билан ажралиб туради. Совитгичли фотоэлектрик модуллар асосидаги қуёш қурилмаларини тизимли таҳлил қилиш асосида илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишланмалар тайёрлаш, ишлаб-чиқариш ишларини янги сифат босқичига қўтарувчи илмий асосланган тавсияларни яратишда шунингдек замонавий ФЭИМ қурилмаларни қўллаш имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга қуёш энергиясини бошқа тур энергиясига алмаштириш – иссиқлик, электр энергияси олиш технологияларига асосланган ишланмаларни самарадорлигини ошириш инновацион характер касб этмоқда.

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, совитгичли фотоэлектрик модуллардан фойдаланиш орқали қўшимча 3-7 % қувватга эришилади. Ташқи ҳарорат кўрсаткичи тахминан $+45^{\circ}\text{C}$ тенг бўлганида ФЭИМ юзасидаги ҳарорат унинг максимал руҳсат этилган ишчи ҳароратидан, яъни $+85^{\circ}\text{C}$ ошиб кетади, бундай ҳолатда ФИК 20% дан 5% га камайиши кўрсатилди. Ушбу турдаги ФЭИМ қуёш қурилмаларидан фойдаланиш натижалари ва уларни амалиётга бевосита тадбиқ этилиши маиший хизмат, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишга, энергия тежамкорлигига ҳамда муқобил энергия манбаларидан янада самарали фойдаланишга олиб келади.

Адабиётлар

- [1]. N.R. Avezova, A.E. Khaitmukhamedov, A.Yu. Usmanov, and B.B. Boliyev, “Solar Thermal Power Plants in the World: The Experience of Development and Operation”, Applied Solar Energy, vol. 53, no. 1, pp. 72–77, 2017.
- [2]. Ю. Д. Арбузов, В. М. Евдокимов. Основы фотоэлектричества. М.: ГНУ ВИЭСХ, 2007. 292 с.
- [3]. REN21, Renewables 2018 Global Status Report, стр. 122, http://www.ren21.net/wp-content/uploads/2018/06/17-8652_GSR2018_FullReport_web_final_.pdf
- [4]. REN21, Renewables 2020 Global Status Report, стр. 367, https://www.ren21.net/wp-content/uploads/2019/05/gsr_2020_full_report_en.pdf
- [5]. А. М. Васильев, А. П. Ландсман. Полупроводниковые фотопреобразователи. М.: Сов.радио, 1971. 148 с.;

- [6]. 3. Г. А. Раушенбах. «Справочник по проектированию солнечных батарей» -М.: Энергоатомиздат, 1983., - 360 с.;
- [7]. В. Ф. Гременок, М. С. Тиванов, В. Б. Залесский. Солнечные элементы на основе полупроводниковых // Минск: Центр БГУ, 2007. 222 с.;
- [8]. Дж. Твайделл, А. Уэйр. «Возобновляемые источники энергии» – М.: Энергоатомиздат, 1990., – 390 с.;
- [9]. X-SERIES SOLAR PANELS. Sun Power. URL: <http://us.sunpower.com/homes/products-services/solar-panels/x-series/>;
- [10]. M. Green, K. Emery, Y. Hishikawa, W. Warta, E. Dunlop Solar cell efficiency tables // Progress in Photovoltaics: Research and Applications. 2012. V. 20. P. 12-20;
- [11]. В. Ф. Гременок, М. С. Тиванов, В. Б. Залесский. Солнечные элементы на основе полупроводниковых. Минск: Центр БГУ, 2007. 222 с.;
- [12]. Dr. P. Jayakumar Asian and Pacific Centre for Transfer of Technology of the United Nations – Economic and Social Commission for Asia and the Pacific (ESCAP), September 2009;
- [13]. П. В. Егоров, С. Л. Ульянов. «Электрическое и электронное оборудование современных автотранспортных средств» РТУиС, МГИЭМ, 2003;
- [14]. Г. И. Денисенко. Возобновляемые источники энергии. - К.: КПИ, 1979., - 128 с.;
- [15]. Н. В. Харченко. Индивидуальные солнечные установки. М.: Энергоатомиздат. 1991. 208 с.;
- [16]. В. А. Колосов, А. В. Парфенов, В. С. Мухтарулин, А. В. Иванов, А. И. Худыш. Перспективы применения солнечных электростанций для бесперебойного электропитания информационных систем // Вопросы радиоэлектроники, 2013, выпуск 2, с. 147-155.

ОПТОЭЛЕКТРОННОЕ ГЕЛИОТЕХНИЧЕСКОЕ УСТРОЙСТВО ДЛЯ ПОЛУЧЕНИЯ ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ ПОЛЕЙ

Р. Найманбоев, А.К. Хомидов, К.Х. Ахунов

*Ферганский политехнический институт
(Получена 15.08.2020 г.)*

The given article investigates the production of an electric field using an optoelectronic solar device, also provides an advantage and block diagrams of the device. The main technical characteristics and the principle of operation of the device are presented in the paper.

Keywords: *optoelectron, light-emitting diode, photodetector, sun, generator-type photodetectors, optocoupler, optoelectronic devices, solar energy, electric current, electric field, APV element, block diagram.*

В работе исследуется получение электрического поля с помощью оптоэлектронного гелиотехнического устройства, также приведено преимущество и блок-схемы устройств. Представлены основные технические характеристики и принцип работы устройств.

Ключевые слова: *оптоэлектрон, светодиод, фотоприемник, солнце, фотоприемники генераторного типа, оптрон, оптоэлектронные устройства, солнечная энергия, электрический ток, электрическое поле, АФН-элемент, блок-схема.*

Ушбу мақолада оптоэлектрон гелиотехник қурилмалари ёрдамида электр майдон олиш усуллари ва қурилмалари ҳақида, ҳамда қурилманинг афзалликлари ва блок-схемаси келтирилган. Қурилманинг ишлаш принципи, шунингдек асосий техник характеристикалари кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўз ва иборалар: *оптоэлектрон, светодиод, фотоприемник, қуёш, генератор типдаги фотоприемниклар, оптрон, оптоэлектрон қурилмалар, қуёш энергияси, электр токи, электр майдони, АФН-элемент, блок-схема.*

На основе теории и технологии ФПГТ формированы научные основы оптоэлектронной гелиотехники. В оптоэлектронике обычно в качестве источника света используется искусственные излучатели света (например, свето-диод, лазеры и т.п.) в оптоэлектронной гелиотехнике источником света является естественное излучение солнца. В данном случае открывается возможность использования всего оптического диапазона спектра солнечного излучения. Фотоприемник генераторного типа-универсальный фотоэлектрический преобразователь излучения, если источником света является солнечным излучением, тогда функциональная возможность ФПГТ ещё расширяется. С помощью ФПГТ солнечным оптическим прибором можно создать совершенно новые оптоэлектронные солнечные

приборы. С новыми функциональными возможностями которые широко применяются в различных областях науки, техники и производства. Для создания универсального солнечного оптоэлектронного прибора необходимо СЭ (ФПГТ работающий в режиме СЭ) эпитаксиально - селективной ГФЭ поперечного типа, который изготавливается методом термического испарения халькогенидных соединений состоящих из (разнолетучих), элементов. Каждый переход предназначен для определенной области солнечного спектра. В области коротких волн происходит увеличение и поглощение, генерация электронно-дырочных пар происходит вблизи поверхности освещаемой стороны.

Оптоэлектронное гелиотехническое устройство для получения электрических полей относится к области оптоэлектронной техники и может быть использовано для получения больших, стабилизированной электрических полей.

Известны и оптоэлектронные приборы, содержащие источник питания, полупроводниковые источники света и фотоприемные устройства, преобразующие свет в электрический ток [1,2], действующие на основе внешних источников электрической энергии [3,4].

Основным элементом оптоэлектронного устройства является оптрон состоящий из источника света и приемника света. Оптроны имеют множество применений. Недостатком известных оптоэлектронных устройствах является то, что в цепях источника света (ИС) и фотоприемного (ФП) устройствах участвует источник электрического питания, которое делает пока малоуспешным попытки применения этих устройств в микроэлектронике.

В предлагаемом устройстве, в цепях ИС и ФП оптоэлектронного устройства роль электрического питания выполняет солнечная энергия. Кроме того в отличие от других оптоэлектронных подобных устройств в данном устройстве свет преобразуется не в электрический ток [1,2] а в электрическое поле. Для работы многих оптоэлектронных приборов необходимо создание сильных электрических полей. Большие электрические поля широко применяются в электронике, квантовой электронике и различных отраслях микро и оптоэлектронике. С применением данного устройства надежность, автономность и энерго-независимость оптоэлектронных приборов обеспечивается. Кроме того открывается возможность микроминиатюризации таких оптоэлектронных приборов, с этим путем бесконтактная дистанционная управляемость оптоэлектронных устройств улучшается и чувствительность таких приборов возрастает на несколько порядков.

На чертеже представлена блок-схема оптоэлектронного гелиотехнического устройства (рис-1).




Рис. 1. Блок-схема оптоэлектронного гелиотехнического устройства.

1 - волоконно оптическая цепь, при котором СП преобразуется в электрический сигнал.

2 - электропроводящая цепь преобразующий электрический сигнал (потенциал) на световой.

3 - волоконно оптическая цепь, при котором световой сигнал преобразуется на электрические потенциал. 4 - электропроводящая цепь с диэлектрической нагрузкой (R_n).

ИС – источник света устройства при котором солнечное естественное излучение преобразуется на малорасходящийся пучок солнечного излучения (МПСИ). (голографический модуль Бовина или концентраторный модуль Алфёрова).

ГФЭ – гетерофотоэлемент (СЭ), полупроводниковый прибор, преобразующий солнечный свет в электрически потенциал.

СД – светодиод, световой генератор с электрическим питанием.

АЭ – АФН-элемент, представляет собой электрический генератор со световым питанием.

R_н - рабочие устройства, нагрузка которого действует при больших электрических полях.

Устройство работает следующим образом

При подаче, возникает ток, малорасходящийся пучок солнечного излучения на солнечный элемент. Этот фототок поступая через электрическую цепь связывающий СЭ и светоизлучающий диода СД вновь преобразуется в электромагнитную волну (световую). Световой сигнал светодиода через оптический канал ОЦ₂ поступает на фотоприемнику (АЭ). Фотоприемник АЭ представляет собой электрический генератор с оптическим питанием и в нём возникает аномально большое фотонапряжение.

Источник солнечного света (МПСИ) и солнечный элемент (СЭ) связаны через оптические цепи (ПЦ₂), между ними находится прозрачный пластик или оптическая волокна. С солнечного элемента ток через электрическую цепь (ЭЦ₁) поступает на светоизлучающий диод (СД). Светодиод получая электрический ток от СЭ, преобразует электрическую энергию вновь в световую. В ФП световая энергия превращается в электрическое поле с большой напряженностью.

Техническим результатом изобретения является получения больших электрический полей из солнечной энергии с помощью оптоэлектронного гелиотехнического устройства, ультрамалой мощности.

Солнечный элемент изготавливается из материалов с широкой запрещенной зоны 1,0÷2,2 э-В, т.к. свыше 90% энергии солнечного света находится в видимой области спектра. Поэтому в качестве материалов для изготовления СЭ нами использованы кремний с изовалентными примесями. В таких материалах носители, рожденные солнечным светом является долгоживущими с малой скоростью поверхностной рекомбинации и поэтому электроны и дырки не рекомбинируя достигаются до потенциального барьера.

Светоизлучающий диод (СД), представляет собой р - п –переход, при пропускание через него тока прямого направления излучает свет. Светодиоды обладают излучениями разного цвета (длина волн), охватывает видимой и инфракрасный области спектра. Рабочая напряжения порядка 1÷3 В, а рабочий ток 3÷50 мА, малая инертность, высокая устойчивость.

Фотоприемник (АЭ) -это электрический генератор со световым питанием. При освещении генерирует высоковольтное напряжение. Изготавливается из полупроводникового, оптико-анизотропного материала. Для промышленной реализации данного устройства предлагается тонкопленочная конструкция представленной на чертеже (рис-2).

Основные технические характеристики:

1. Вес порядка: 100 г.
2. Спектральная область: видимая, инфракрасная.
3. Рабочая температура: комнатная, 20-25 °С.
4. Корпус выполнен из пластика.
5. Напряженность электрического поля (максимально) порядка 10⁵ В/см.




Рис. 2. Фотоприемник (АЭ) - электрический генератор со световым питанием. СС – солнечный свет, СЭ – солнечный элемент, СД – светодиод, АЭ – фотоприемник генераторного типа, R_к – выходное устройство.

Список литературы

- [1]. Р.Найманбоев и др, Патент Германии, №ЕС-01-001725, 18 май, 2018 г.
- [2]. Авторское свид. СССР, №381156, кл.ноз, к 3/28, 1973.

- [3]. Р.Найманбоев и др, Патент Германии, №ЕС-01-002505, 9 октябрь 2019г.
[4]. В.Л.Козлов, Оптоэлектронные датчики, Минск, БГУ, 2005 г.

ШОЙИ ХОМ – АШЁСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДАГИ ФИЗИК - МЕХАНИК ХОССАЛАРИ ВА ХОМ – АШЁГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

М. М. Матбабаев

Ферганский политехнический институт
(Получена 18.09.2020 г.)

Annotation: This paper describes the technology of twisting raw silk and chemical threads, the main types of raw materials used in silk-twisting production, their main characteristics, air humidity, thermal humidity regime, as well as physical and mechanical properties of raw silk.

Key words: Raw silk, viscose threads, acetate threads, triacetate threads, nylon threads, silk yarn, relative humidity, microclimate, humidification of raw silk.

Аннотация: В данной работе описывается технология кручения шелка-сырца и химических нитей, основные виды сырья, используемого в шелкокрутильном производстве, их основные характеристики, влажность воздуха, термовлажностный режим, а также физико – механические свойства шелка – сырца.

Ключевые слова: Шелк-сырец, вискозные нити, ацетатные нити, триацетатные нити, капроновые нити, шелковая пряжа, относительная влажность воздуха, микроклимат, увлажнения шелка-сырца.

Аннотация: Ушбу мақолада шойи хом-ашёси ҳамда кимёвий ипакларни йиғириш технологияси, кимёвий ипаклар, йиғириш жарёнида қўлланувчи хом-ашё турлари, уларнинг асосий характеристикалари, ҳаво намлиги, ҳарорат ва намликка кўра иш режими, шунингдек шойи ипак хом-ашёсининг физик-кимёвий хоссалари, уларга қўйиладиган талаблар ёритилган.

Калим сўзлар: Шойи ипак хом-ашёси, вискоза ипаклари, ацетат ипаклар, капрон ипаклар, ҳавонинг нисбий намлиги, микроқлим, шойи ипак хом-ашёсининг намланиши.

Как известно технология кручения шелка-сырца и химических нитей разделяется на несколько этапов, на каждом из которых выполняется несколько технологических процессов на аппаратах и машинах, различных как по конструкции, так и по назначению, это такие как, подготовка нитей к разматыванию; разматывание и подготовка к кручению; кручение; закрепление крутки (фиксация); уборка; контроль и разработка [1].

Основными видами сырья, используемого в шелкокрутильном производстве, являются химические нитки (вискозные, ацетатные, капроновые, лавсановые и др.), а также металлические нити. Качественная и количественная приемка сырья на шелкокрутильных фабриках производится в соответствии с государственными стандартами или утвержденными техническими условиями. При приемке сырья вывешивают (выборочно) и проверяют его упаковку. При обнаружении дефектов в упаковке составляется акт. Расчет с предприятиями-поставщиками производят по кондиционной массе, которая определяется как:

$$G_k = G_\phi \frac{100+W_k}{100+W_\phi} \quad (1)$$

где: G_ϕ — фактическая масса партии, кг;

W_k — кондиционная влажность, %.

Фактическая влажность в %, определяют после кондиционирования, с помощью формулы

$$W_x = \frac{g_1 - g_2}{g_2} \cdot 100 \quad (2)$$

где: g_1 — начальная масса образца, г;

g_2 — постоянная масса образца после высушивания в кондиционном аппарате, г.

Государственными стандартами и техническими условиями предусмотрена следующая кондиционная влажность сырья, используемого в крутильном производстве: шелк – сырец – 11%; вискозные нити – 11%; ацетатные нити – 7%; триацетатные нити – 4,7%; капроновые нити – 1%; шелковая пряжа – 5%.

Склад должен быть приспособлен к механизированной разгрузке и выгрузке сырья и других материалов и размещается в сухом помещении.

Вентиляцию склада осуществляют через окна специальными фрамугами. На складе сырья необходимо поддерживать относительную влажность воздуха 50 – 60%

В холодный период года (наружная температура воздуха ниже +10°C) температура на складе должна быть в пределах 15÷10°C, а в тёплый период года (наружная температура +10°C и выше) температура на складе может быть выше наружной температуры на более чем на +3°C [1].

Как известно атмосферный воздух в основном состоит из механической смеси азота (~ 78%) и кислорода (~ 21%) с небольшой примесью аргона (~ 1%), углекислого газа (~ 0,3%) и ничтожного количества (~ 2*10⁻³%) благородных газов и азона. Разумеется состав воздуха в городах, а тем более в различных закрытых производственных помещениях, может сильно отличаться от приведённого состава атмосферного воздуха. Тем не менее, в большинстве практических расчетах воздух считают идеальным газом с молекулярным весом 29 г/моль.

В зависимости от интенсивности процессов испарения и сублимации, в том числе в результате жизнедеятельности животных и растений, деятельности человека, воздух содержит то или иное количество водяного пара.

В настоящее время влажность воздуха принято характеризовать различными физическими величинами, из которых наиболее характерными являются: абсолютная влажность « α » /г/м³/ (плотность водяного пара); влагосодержание - весовое « d » /г/кг/ или объёмное « X_{ppm} »; парциальное давление (упругость) водяного пара /мм.рт.ст./, температура точки росы « t » /°C/ и относительная влажность « ϕ » /%/ . /1/.

Такое разнообразие характеристик влажности воздуха говорит о том, что влажность является сложным параметром и в различных условиях измерения проявляются не одним и тем же образом. Характерно, что все эти понятия физически разнородны и их нельзя связывать между собой линейной зависимостью, как обычные физические параметры при переводе в другую систему измерения. Характеристика может быть консервативной по отношению к каким – либо параметрам воздуха или зависеть от них, может быть консервативной по отношению к замкнутым системам или наоборот /4,5/. Под открытой системой понимается система, содержащая влажный воздух в определенном объеме и сообщается с системой значительного большого объема; под замкнутой системой понимается изолированная система.

Абсолютную влажность воздуха « α » можно связать с другими физическими параметрами воздуха с помощью уравнения для идеального газа:

$$\alpha = K \frac{e}{RT}, \quad (3)$$

где: K-коэффициент пропорциональности;
R-универсальная постоянная водяного пара;
T-температура воздуха, °K;
e-упругость насыщенного пара.

В замкнутых системах изменение температуры вызывает соответствующее изменения давления в системе и упругости водяного пара, при этом плотность воздуха не изменяется, т.е. $\alpha = \text{Const}$, абсолютная влажность воздуха становится консервативной к температуре. Изменение давления в замкнутой системе при постоянной температуре вызывает изменение упругости водяного пара, а значит, и абсолютной влажности. В открытых системах давление

определяется давлением окружающей среды. В этих условиях плотность водяного пара, как следует из уравнения (3), зависит от температуры и давления среды, т.е. абсолютная влажность не консервативна к этим параметрам.

Физико-механические свойства и качество сырья, перерабатываемого на шелкокрутильных предприятиях приведены в таблице 1, где показаны основные характеристики нитей перерабатываемых в шелкокручении:

№ п/п	Нить	Относительная разрывная нагрузка в сухом состоянии	Разрывная нагрузка во влажном состоянии	Относительное удлинение		Плотность г/см ³
				в сухом состоянии	во влажном состоянии	
1.	шелк-сырец	290-305	80-90	15-18	18-22	2,35÷1,37
2.	обычные	125-150	45-50	19-24	20-36	1,5÷ 1,53
3.	упругие	290-380	62-67	10-17	15-22	1,5÷ 1,53
4.	ацетатные	90-100	60-65	20-30	25-35	1,3÷1,33
5.	триацетатные	97-103	65-70	20-30	23-33	1,28÷1,33
6.	капроновые	390-430	85-92	25-35	27-37	1,14÷ 1,15
7.	лавсановые	330-400	100	18-30	18-30	138÷1,39

В частности, технологический процесс текстильной промышленности происходит (дискретным или непрерывном образом) в воздушной среде, состояние которой характеризуется температурой, относительной влажностью воздуха, запыленностью, химическим составом, подвижностью потока, количеством электрического заряда того или иного знака в единице объема и другими величинами [2]. Как известно под микроклиматом (в узком смысле) обычно понимают совокупность лишь двух переменных, т.е. температуры « t » и относительной влажности воздуха « φ ».

Текстильный продукт, проходя технологическую цепочку, постоянно взаимодействует с микроклиматом $m = f(t, \varphi)$. Память об этом контакте имеющем чисто диффузионную природу, остается в виде влагосодержания продукта “ d ”, которая и обуславливает, в конечном счете, стабильность и качество технологического процесса.

Необходимый микроклимат, обеспечиваемый требуемые параметры воздуха в этих объектах, обеспечивается системой автоматического контроля и регулирования термовлажностных параметров воздуха, в которой задатчиком относительной влажности воздуха являются различные датчики: оптоэлектронные, абсорбционные, емкостные и т.д. [2,4].

Как известно свойства сырья в том числе влажность сырья, а также воздуха имеют определенное влияние на технологию кручения. Свойства шелка-сырца и химических нитей в значительной мере определяют технологические параметры шелкокрутильного производства. В шелкокрутильном производстве необходимо учитывать следующие специфические особенности сырья:

1. Степень и характер увлажнения шелка-сырца, влияние на интенсивность замачивания и состав замачивающей эмульсии;
2. Сравнительно высокую неровноту и влияние внешних дефектов в виде петель, налетов и утонченных мест в нитях шелка-сырца. Кручение нити из этого сырья наматывают в несколько этапов на катушки при сравнительно низких скоростях перематывания шелка-сырца, часто совмещают его с предварительным устранением дефектов.
3. Большую гигроскопичность и значительное уменьшение прочности во влажном состоянии вискозных нитей. Необходимо в этих целях поддерживать постоянную температуру (18-25⁰ С) и влажность (55-60%).
4. Способность к электризации сырья, особенно синтетических нитей, для уменьшения которой поддерживают определенную температуру и влажность в цехах.
5. Постоянную чувствительность синтетических нитей к напряжению на растяжение, при которых могут возникать небольшие деформации, ухудшающие свойства нитей. В машинах устанавливают регуляторы натяжения, компенсаторы и другие приборы для предохранения нитей от изменяющих нагрузок.

Для обеспечения нормального протекания технологического процесса и сохранения физико-механических свойств перерабатываемого сырья в производственных помещениях рекомендуется поддерживать следующие температурно-влажностные условия [3]:

1. При раздельной переработке различных видов сырья, при перематке вискозного шелка, влажность воздуха в цехе должна быть в пределах 50-55%, температура воздуха +23⁰ С.
2. При кручении вискозного шелка влажность воздуха должна быть равной 55-58%, температура воздуха +23⁰ С.
3. При переработке натурального шелка, ацетатного и капронового волокна влажность воздуха должна быть равной 60-65%, температура воздуха +23⁰ С.
4. При совместной переработке всех видов волокна влажность воздуха должна находиться в пределах до 63±3%, температура воздуха +23⁰ С.

Список литературы:

- [1]. Усенко В.А. Шелкокручение.-М. Легкая промышленность. 1983.-248 с.
- [2]. Матбабаев Махмуд Мирзаевич. Оптоэлектронный метод и устройство контроля влажности воздуха крутильных и ткацких производств : диссертация ... кандидата технических наук : 05.11.13 / Ташк. политехн. ин-т им. А. Р. Беруни. - Ташкент, 1990. - 198 с. : ил.
- [3]. Регламентированный технологический режим производства шелковых крученых изделий / Под ред. Потапова Н.П.-М. : 1963-80 с.
- [4]. Умаралиев Нурмамат. Оптоэлектронные первичные измерительные преобразователи линейной плотности шелка-сырца и нитей из натурального шелка: диссертация ... кандидата технических наук : 05.13.05 / Ташкентский гос. техн. ун-т. - Ташкент, 1991. - 178 с. : ил.

УДК 621.22

ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРО ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ф.Т. Юсупова

*Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 5.10.2020 й.)*

Мақолада Ўзбекистонда гидроэнергия фойдаланиш истиқболлари кўриб чиқилган. Республикада мавжуд гидро электр станцияларнинг ўрнатилган қувватлари бўйича таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, юртимиздаги ГЭСларнинг асосий қисмини катта ва кичик турлари эгаллар экан.

Калит сўзлар: *гидро электр станцияси, катта гидро электр станцияси, ўрта гидро электр станцияси, кичик гидро электр станцияси мини ГЭС, микро ГЭС, ўрнатилган қувват.*

В статье рассмотрены перспективы использования гидроэнергии Узбекистана. Все существующие гидроэлектростанции в республике проанализированы по установленной мощности.

В результате анализа определено, что основную часть гидроэлектростанций в нашем государстве занимают крупные и средние типы.

Ключевые слова: гидроэлектростанция, крупная гидроэлектростанция, средняя гидроэлектростанция, малая гидроэлектростанция, мини ГЭС, микро ГЭС, установленная мощность.

The article discusses the prospects for the use of hydropower in Uzbekistan. All existing hydroelectric power plants in the republic have been analyzed according to their installed capacity. As a result of the analysis, it was determined that the main part of hydroelectric power plants in our state is occupied by large and medium-sized types

Key words: hydroelectric power station, large hydroelectric power station, medium hydroelectric power station, small hydroelectric power station, mini hydroelectric power station, micro hydroelectric power station, installed power.

Кириш.

Дунё микёсида нефть ва газ захиралярини камайиб боришини олдини олиш мақсадида муқобил энергия ишлаб чиқариш ва шамол, геотермал энергия, сув оқим энергияси ва бошқалар каби қайта тикланадиган манбаларга ўтиш барча давлатлар учун устувор вазифа ҳисобланади [1].


Чиқиндиларнинг асосий улуши углеводородлар – кўмир, нефть ва табиий газни ёқиш жараёнида ҳосил бўлганлиги боис, янги энергия манбаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Қайта тикланадиган энергия манбаларини, яъни – қуёш, шамол, сув асосидаги генерация манбаларини ривожлантириш муҳим. Лекин қайта тикланадиган энергия манбалари кўп жиҳатдан табиий ҳамда иқлим шароитларига боғлиқ бўлади. Барча турдаги истеъмолчиларга доимий ва узлуксиз электр энергияси зарур бўлади [2].

Ўзбекистонда шу кунгача энергетикага оид эҳтиёжларни қондиришда асосан табиий газ, кўмир ва нефть ресурсларидан фойдаланиб келинган бўлса, эндиликда қайта тикланувчи энергия манбаларини иқтисодиёт ва энергия тармоғига киритиш йўлида дадил қадам ташланмоқда [3].

Тадқиқод усули.

Ҳозирги вақтда республикаимизнинг мавжуд ишлаб чиқариш энергия қуввати 12,9 ГВтни ташкил этади, шундан: иссиқлик электр станциялари (ИЭС) – 11 минг МВт ёки 84,7 фоиз; гидро электр станциялар (ГЭС) – 1,85 минг МВт ёки 14,3 фоиз; блок станциялар ва изоляцияланган станциялар – 133 МВт дан ортиқ ёки 1 фоиз (1-расм) [5, 7].

Ўзбекистон гидроэнергетика бўйича улкан салоҳиятга эга бўлиб, ҳозирги кунда жами 46 та катта, ўрта ва кичик гидро электр станциялар фаолият юритмоқда [5]. Гидро электр станциялар (ГЭС) энг кенг тарқалган электр станциялар бўлиб, сув оқими механик ёрдамида энергияни электр энергиясига айлантириб берувчи қурилмалар жамланмасидир. Асосан улар дарёларда, тўғон ва сув омборларида қурилади. Электр энергияси ишлаб чиқариш учун йил давомида дарёлар, тўғон ва сув омборларида сув узлуксиз равишда таъминланиши лозим. Гидро электр станцияларнинг афзаллиги шундаки, ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг нархи арзон ва экологик томондан зарарсиз ҳисобланади ҳамда сув табиий равишда қайта тўпланганлиги боис қайта тикланадиган энергия манбалари турига киради. ГЭСларнинг ишлаш



1-расм. Республикаимизда электр энергияси генерациясининг тузилиши



2-расм. ГЭСларнинг ўрнатилган қувват бўйича тақсимланиши.

жараёнига кўра, гидротехник жиҳозлар сувни маълум босимда йўналтириб, сув қувурлардаги парраларга келиб урилади ва генераторни ҳаракатга келтиради, натижада электр энергияси пайдо бўлади [4]. Республикамизнинг гидро потенциалидан фойдаланиш даражаси 27 фоизни ташкил этади [5].


Тадқиқот натижаларининг таҳлили.

ГЭСлар ўрнатилган қувватига (МВт) кўра қуйидагича турларга ажратилади [6]: катта қувватли - 250 МВт ва ундан ортиқ; ўрта қувватли - 10 МВт.дан 250 МВтгача; кичик қувватли -1-10 МВт.гача бўлади.

Ўзбекистонда мавжуд ГЭСларнинг ўрнатилган қувватлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, барча ГЭСларнинг 87 % – катта ГЭСларга, 12,8 % – ўрта ГЭСлар турига ва атиги 0,2 % - кичик ГЭС турига кирар экан (2-расм).

Ўзбекистонда энг катта ГЭС - бу Чорвоқ ГЭСи бўлиб, унинг қуввати 666 МВт, йиллик энергия ишлаб чиқариш ҳажми – 2165 млн кВт*соатни ташкил қилади. Чорвоқ ГЭСи Тошкент вилоятининг шимолидаги Чирчиқ дарёсида Чорвоқ қишлоғи яқинида жойлашган [7, 8].

[3-расмда ўрта ГЭСларнинг ўрнатилган қуввати бўйича тақсимланиши келтирилган. 4-расмда кичик ГЭСларнинг ўрнатилган қуввати бўйича тақсимланиши келтирилган.](#)



[3-расм. Ўрта ГЭСларнинг ўрнатилган қуввати бўйича тақсимланиши.](#)

Кичик ГЭСлар ўз навбатида мини, микро ва пико ГЭСга бўлинади [9]:


Мини ГЭС - 100 кВтдан юқори, 1 МВт дан паст;

Микро ГЭС - 1 кВт дан 100 кВт гача; одатда узоқда жойлашган алоҳида туман ёки қишлоқ учун қувват билан таъминланади.

Пико ГЭС - бир неча юз Вт дан 1 кВт гача бўлади.

МиниГЭС – яқка тартибда уйларга электр энергияни етказиб берадиган кичик гидроэлектростанциялардир. Бундай технологиялар дунёнинг кўп давлатларида қўлланилмоқда.

Микро ГЭС – амалда бепул қайта тикланадиган энергия ҳисобланади. Ўзбекистонда



[4-расм. Кичик ГЭСларнинг ўрнатилган қуввати бўйича тақсимланиши.](#)

микро гидро электр станциясини ўрнатиш учун тоғ ёки чекка туманлар (қишлоқлар, кичик фермерлар ва ишлаб чиқариш объектлари, ёзги боғлар ва бошқа объектлар)да амалга оширилади, бу ерда электр узатиш линиялари тортилмайди [10].

Пико ГЭС – қуввати 1 кВт гача бўлган гидро электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу генераторлар электр энергиясини кам микдорда талаб қиладиган кичкина чекка жамоаларда, асосий эҳтиёжларни таъминлаш учун фойдали ҳисобланади.

Ҳатто ривожланаётган мамлакатда 200-300 Вт кичкина турбина битта уйни таъминлаши мумкин. Пико гидро иншоотлар одатда сув оқими ҳосил қилади, яъни сув омбори қурилмайди, фақат кичик тўғон ҳосил қилиниб, оқимнинг бир қисми қувур орқали йўналтирилади, уни градиент ва қувур орқали сув қайтарилгунга қадар пастга туширади [9,11].

Хулоса.

Ўзбекистонда кичик сув ҳавзалари, каналлар, кичик тўғонлар ва тез оқар ариқлар мавжудлигини инобатга олиб, асосан аҳоли ва фермер хўжалиқларининг энергияга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида кичик турдаги ГЭСлардан, жумладан, микроГЭСлардан кенг фойдаланиш йўналишида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва ривожлантириш керак бўлади.

Адабиётлар

- [1]. Вороновский И.Б. Развитие альтернативных источников энергии. Научный вестник ТДАТУ. Вип. 9, том 1. [http:// orcid.org/0000-0003-2489-6481](http://orcid.org/0000-0003-2489-6481)
- [2]. Зокиров Ш.А. Барқарор ривожланишга эришишда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг роли //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь 2017 й. www.interfinace.uz
- [3]. <http://minenergy.uz/uz/news/view/268>
- [4]. <https://neftegaz.ru/tech-library/elektrostantsii/141447-gidroelektrostantsiya-ges/>
- [5]. 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси. <https://minenergy.uz/uz/lists/view/77>
- [6]. Ясинский В.А., Мироненков А.П., Сарсембеков Т.Т. Современное состояние и перспективы развития малой гидроэнергетики в странах СНГ. Алматы, 2011.- 36 с.
- [7]. https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_электростанций_Узбекистана.
- [8]. https://ru.wikipedia.org/wiki/Чарвакская_ГЭС
- [9]. Юсупова Ф.Т, Юсупов Т.А. Юртимизда гидро электр станцияларидан фойдаланиш имкониятлари //Ўзбекистонда узлуқсиз таълимнинг ривожлантиришнинг долзарб масаларига оид илмий-амалий тадқиқотлар мавзусидаги илмий-назарий онлайн конференция. Наманган 2020 й. 313 - 315 б.
- [10]. <http://ecoenergy.uz/service/mikro-ges>
- [11]. https://ru.qwe.wiki/wiki/Pico_hydro

RESEARCH OF PRODUCTION CHARACTERISTICS OF SINGLE-CRYSTAL SILICON BASED PHOTOCELLS USING A PHOTOTHERMOGENERATOR OF SELECTIVE RADIATION

S.I. Zokirov, L.K. Mamadalieva, M.A. Norbutaev

Fergana Polytechnic Institute, s.zokirov@ferpi.uz

(Received 10.09.2020 y.)

Abstract. The article discusses the photothermoelectric method of converting light energy based on theoretical analyzes of radiation diffraction phenomena and the electro-physical characteristics of semiconductors. The design of a combined device with a movable slot is recommended. The results of studies conducted using the new design are presented.

Keywords. Radiation, spectrum, photothermoelectric generator, selected radiation, movable gap, protective block.

Аннотация. В статье рассматривается фототермоэлектрический метод преобразования световой энергии, основанный на теоретическом анализе явлений дифракции излучения и электрофизических характеристик полупроводников. Рекомендуется конструкция комбинированного устройства с подвижным щелем. Представлены результаты исследований, проведенных с использованием новой конструкции.

Ключевые слова. Излучение, спектр, фототермогенератор, селективное излучение, подвижная щель, защитный блок.

Аннотация. Дифракция ҳодисаси ва яримўтказгичнинг электрофизик хусусиятларининг назарий таҳлили асосида ёруғлик энергиясини электр энергиясига айлантиришнинг

фототермоэлектрик усули ёритилган. Қўзгалувчан тирқишли фототермогенератор лойиҳаси таърифланган ва янги қурилма лойиҳаси ёрдамида олинган тажриба натижалари келтирилган

Таянч сўзлар. Нурланиш, спектр, фототермогенератор, танланган нур, қўзгалувчан тирқиш, химоя блоқи.

Introduction. Over the past 30 years, the share of renewable energy sources, such as wind and solar energy, has increased from 36560 thousand toe (1990) to 256830 thousand toe (2017). In particular, the share of solar photovoltaic energy increased from 91 GWh (1990) to 443554 GWh (2017) [1]. Especially since the 90s of the 20th century, the process of production and use of solar photovoltaic cells has accelerated in Asia [2].

According to the International Energy Agency (IEA), the share of solar energy can be approximately 20-25% of all electricity in 40 years. This will lead to a reduction in carbon dioxide emissions by 6 billion tons per year [3].

Solar energy that enters the Earth's atmosphere is 342 W / m². But about 30% of them scatter or return to space. The remaining 70% (239 W / m²) can theoretically be converted into electricity [4]. However, the conversion efficiency of sunlight into electricity does not exceed 20-25% on average. Therefore, today, the problem of increasing the efficiency of converting solar radiation into electrical radiation using semiconductor photoconverters is considered one of the most relevant.

Objectives. It is known that there are several factors that can adversely affect the conversion efficiency, for example, an increase in temperature. Therefore, work is underway to create a more advanced design of photoconverters. Pakistani researchers S.A. Ahmad et al have been working to determine the effect of the temperature of photovoltaic modules on its efficiency. They put forward the idea of additional conversion of excess temperature in the solar cell using a thermocouple. As a result, it was found that the utility of the solar cell increases by an average of 7% [5]. Indian scientists M. Sinh and others worked on hybrid systems consisting of independent solar panels and thermoelectric generators. According to scientists, the efficiency of a system with a reflecting mirror is 81% higher than that of a static mirror [6]. Also, such scientists as B.S.Dallan, J.Schumann, F.Lesage [7], K.Lil, H.Liu [8] considered the problems of maximum conversion of solar radiation using hybrid systems.

Despite active research, the obtained performance indicators of existing devices do not meet the expectations of scientists. All known models have several disadvantages:

- high possibility of overheating of solar panels due to the presence of non-photoactive rays;
- decrease in the coefficient of performance (COP) with increasing radiation density;
- the need to use photovoltaic batteries from a certain type of material, etc.

Sampling design and results of experiments

Ключевое слово: Культурные, духовные ценности, общечеловеческие ценности, традиции, духовная жизнь, духовные ценности, национальные ценности

Key words: Cultural, spiritual values, universal values, traditions, spiritual life, spiritual values, national values

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг турли соҳалари қатори маънавий ҳаётимизда ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури ўсиб, маънавий

дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий ва умуминсоний қадриятлари асосини янада мустаҳкамлашга пойдевор яратмоқда.

Жаҳон цивилизацияси тараққиёт муаммолари ва келажаги умуминсоний маънавий қадриятларнинг аҳамиятини ниҳоят даражада оширди. Уларни жаҳон тамаддунининг ҳаётий заруриятига айлантди. Урф-одат ва анъаналари ҳамда дини, тарихий ўтмишлари, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатлари хилма-хил, ҳаттоки, бир-бирларига зид бўлган миллат ва элатларни тараққиётнинг турли босқичида, ҳаттоки, қарама-қарши ижтимоий-иқтисодий тузумда турган халқларни бир-бирларига яқинлаштиришда, уларни қайси миллат ва элатга, синф ва ижтимоий гуруҳга мансуб бўлишларидан қатъи назар бир инсон фарзанди эканликларини ҳис этишида ва бу омилнинг устувор эканлигини тушуниб етишида ҳамда шу асосда жаҳон ҳамжиҳатлигини вужудга келтиришда умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Лекин бу ўта ҳаётий вазифаларни амалга ошириш жуда ҳам мураккаб ва қийин бўлиб, жаҳондаги барча прогрессив кучлардан зўр чидам ва матонатни, жонбозликни талаб қилади. Бунга эришмоқ учун барча халқлар олимларининг қадриятларини вужудга келиши, уларнинг мазмун ва шаклларига бағишлаган илмий-тадқиқот ишларини кучайтиришлари ҳамда уларнинг натижаларини меҳнаткаш омма орасида ёйиш ва тушунтириш ишларини кенг қўламда олиб боришлари лозим. Шу билан бир қаторда бу ишларни давлат сиёсати даражасига кўтариш зарурдир.

Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, улардан жамият соҳаларидан асосийси бўлган таълим-тарбия тизимида фойдаланиш хусусида гапирилганда, республикамиз олимлари томонидан амалга оширилган ишларни қайд этиб ўтиш лозим деб ўйлайман. Ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида маънавий тарбиялаш бугунги кунда жамият олдида турган долзарб масалалардандир. Шу маънода О.Мусурмонованинг тадқиқоти катта эътиборга молик. Олима юқори синф талабалари маънавий маданиятини шакллантириш борасидаги қатор педагогик муаммоларни ечишга ҳаракат қилади. "Бизнинг назаримизда, - деб таъкидлайди О.Мусурмонова, - шахснинг ички маънавий дунёси маънавий эҳтиёж, маънавий қизиқиш, маънавий фаолият ва маънавий қадрият каби асосий белгилар тизимидан иборатдир. Инсонлар ер юзининг турли минтақаларида вужудга келиб, хилма-хил табиий шароитда истиқомат қилганлар. Бу ҳол уларнинг ўзига хос урф-одат ва анъаналарнинг, турмуш тарзи ҳамда бошқа хилдаги ўзига хосликларнинг шаклланишига олиб келади. Инсониятнинг кейинги даврдаги тараққиёти кишиларнинг турли синф ва ижтимоий гуруҳларга, табақа ва ижтимоий қатламларга, элат ва миллатларга ажралишларига олиб келди. Жаҳон цивилизациясининг ҳозирги даврдаги тараққиёт даражаси ва характери инсонларнинг ўзини инсон сифатида сақлаб қолиши зарурияти ва жамият тараққиётини янада юксакроқ босқичга кўтариш борасидаги ҳаётий вазифалар умуминсоний маънавий қадриятларни бекиёс даражада ошириб боради. Умуминсоний қадриятлар инсониятнинг порлоқ келажагининг қиёфасидир. Ҳозирги кундаёқ улар турли элат ва миллатларнинг турли ижтимоий-иқтисодий тизимидаги халқларнинг тинч-тотув яшашдаги уларнинг биргаликда ва ҳамжиҳатликда ҳозирги замон оламшумул муаммо ва вазифаларни ҳал қилишдаги муҳим бир маънавий воситага айланиб бормоқда.

Умуминсоний қадриятлар мураккаб қисмга эга бўлиб, инсон маънавий ҳаётининг барча соҳаларида намоён бўлади. Умуминсоний қадриятлар - бу барча халқлар урф-одат ва анъаналаридаги, дин ва ҳис-туйғулардаги, ўзаро муносабатлар, уларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларидаги, ҳуллас, инсонлар маънавий ҳаётидаги умумий томонлардан иборатдир. Умуминсонийлик, айниқса, илм-фан соҳасида намоён бўлади. У ўз мазмуни билан умуминсоний характерга эгадир. Лекин илм-фан айрим халқларнинг забардаст фарзандлари томонидан ривожлантирилади ва буюк кашфиётлар қилинади.

Аммо улар миллийлик доирасидан чиқиб, бошқа халқларнинг маънавий бойлигига айлангач, улар умуминсоний қадриятлар даражасигача кўтарилади ва жамиятнинг турли соҳаларида намоён бўлади. Ер юзидаги халқларнинг

иктисодий ва сиёсий жиҳатдан яқинлашув жараёни давомида бу халқлар маънавий ҳаёти турли халқларда миллий шаклда намоён бўлган умуминсоний қадриятлар билан бойиб бораверади. Бу ҳол эса, турли халқлар ўртасидаги қардошлик ҳиссиётини кучайтираверади ва шу асосда жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ва барқарорлик мустаҳкамланаверади.

Миллат мавжуд экан, миллий маънавият бўлади. Миллий маънавиятни йўқотиш мумкин эмас. Шу ўринда қозоқ шоири Мухтор Шаханов айтган ривоятни келтириш мақсадга мувофиқдир: «Қадим замонларда бизнинг еримизга босқинчилар кириб келади. Чегарага етгач, хон қўшинларини тўхтатиб олдида турган мамлакатдаги вазиятни билиш учун жосусларни юборади. Маълум вақтдан кейин улар қайтиб келиб, хонга маълумот беришади:

Биз катта тўйнинг гувоҳи бўлдик. Унда мамлакат подшоҳи ҳам бор экан. Тўй қизиб бораётган бир пайтда, қўлига дўмбира ушлаган бир ёш йигит кириб келди. Подшоҳ дарҳол йигитни ёнига чорлаб, ўзи ўтирган ердан унга жой бўшатиб берди. Биз ажабланиб, «Бу йигит ким?» деб сўраганимизда, - «Бу бизнинг шоиримиз-ку» деган жавоб олдик. «Э, жаноб олийлари, менга ҳужум қилишга руҳсат беринг, бундай ақли паст подшоҳи бор мамлакатни биз осонгина босиб оламиз», - дейди хоннинг лашкарбошиси. «Йўқ оти изимизга қараб ҳайдаимиз, чунки маънавий қадриятларни шунчалик зўр эъзозлайдиган мамлакатни асло енгиб бўлмайди», - деб жавоб беради хон.

Мазкур ривоятдан чиқадиган ҳулоса шуки, маънавияти юксак халқнинг илдизи мустаҳкам бўлади, уни ҳеч қачон тиз чўктириш мумкин эмас. Чинакам цивилизациялашган демократик давлат ҳамда бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида яратилиши мумкин. Юксак маданиятсиз ва қадриятларсиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Шунинг эътиборига олган ҳолда ҳукуматимиз фан, маориф ва маданият соҳасига жиддий эътибор билан қарамоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давом этиб келаётган қутлуғ анъана - улуғ боболаримиз, дунёга донг таратган, жаҳон жамоатчилиги аллақачон ўз муқаддас мулки деб тан олган маънавий мерос соҳибларининг юбилейларини мамлакат ва жаҳон миқёсида нишонлаш ҳақидаги фармонлар ва уларнинг ижроси айни шу масала миллий маънавиятимиз сарчашмаларига бутун халқимиз ва биринчи навбатда, ёш авлод эътиборини жалб этиш мақсадини кўзда тутди.

Умуминсоний қадрият тушунчасининг мазмуни бир кунда, бир йилда, ҳатто бир асрда шаклланадиган нарса эмас, у ҳар бир халқнинг жуда узоқ тарихи қаъридан озиқ олиб, теранлик касб этиб келади ва жамият соҳаларида ўз аксини топади..

Адабиётлар

- [1]. Юсупов Э.Ю. Маънавият камолот асоси. // «Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси» тўпламида. - Тошкент: 1993,-Б. 65.
- [2]. Қиём Назаров. Қадриятлар фалсафаси. Тошкент. Файласуфлар миллий жамияти нашриёти. 2004 йил.

ОЛАМНИНГ ИЛМИЙ МАНЗАРАСИДА МАТЕРИЯНИНГ МОДДА ВА МАЙДОН КЎРИНИШЛАРИ

У.А. Эргашев, К.И. Қосимов

*Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 19.05.2020 й.)*

Мақолада материя тушунчасини оламнинг илмий ва фалсафий манзарасидаги бош тамойили сифатида қаралиб унинг модда ва майдон кўринишлари табиатишунослик фанларида эришилган билимларга таянган ҳолда таҳлил этишига ҳаракат қилинган. Ҳамда дунёнинг илмий манзарасини тушунишга ёрдам берувчи бир қатор илмий моделларга ҳам тўхталиб ўтилган.

Таянч иборалар: Гносеология, релятивистик назария, материя, вақт, фазо, гравитацион майдон, электромагнит майдон, фотон.

В статье предпринята попытка проанализировать понятие материи как основного принципа в научной и философской картине мироздания на основе знаний, полученных в естествознании. Он также фокусируется на ряде научных моделей, которые помогают нам понять научный ландшафт мира.

Ключевые слова: гносеология, релятивистская теория, материя, время, пространство, гравитационное поле, электромагнитное поле, фотон.

The state prediction is that the ponyatie material is just as basic as in the original and filosofskoy cartoon of mysteriousness, and in the estestvoznanii. On focusing on the windows model.

Keywords: gnoseology, relativistic theory, matter, vremeya, prostranstvo, gravity pole, electromagnetic pole, photon.

Инсоният теваарак атрофидаги барча жонзотлардан фарқли ўларок ўзини қуршаб турган борлиққа нисбатан онгли муносабатини турли йўсинда билдириш имконига эга бўлган ягона мавжудотдир. Бу муносабат—мифологик, диний ёки илмий бўладими, эътибор бериб қаралса барчаси тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, қайсидир маънода тугал, мукамал кўринишга келгандай кўринади. Бироқ, инсониятнинг умуман борлиқ, материя ҳақидаги билимлари яқунланмайдиган жараён бўлиб, унинг сир-синоатлари тарихда не-не доно, файласуфларни ўзига мафтун этмаган... Шу боис гносеология фалсафанинг олам ва унинг моҳиятини билиш билан боглиқ бўлган жуда эътиборталаб қисмидир.

Гносеологияга кўра билиш узлуксиз жараён бўлиб маълум бир давр, айтайлик уч, тўрт аср ёки бирор минг йил давом этадиган ҳодиса эмас, балки инсоният яшар экан оламини ўрганиш, ўзлаштиришда давом этаверади. Дарҳақиқат, дунёнинг ўзи нима, инсон ҳаётининг мазмуни нимадан иборат, вақт, фазо ва ҳаракат?.. Бу каби саволлар фалсафанинг азалий муаммолари бўлиб уларнинг ечими учун олиб борилган илмий изланишлар материянинг умумий манзарасини тасаввур қилиш имконини беради.

Диний адабиётларда, манбаларда ҳамма нарсас олдиндан башорат қилинган, кундек равшан, аниқ ифодаб берилгандай, барча билимлар эгаллаб бўлингандай кўринади, (албатта, эътиқоди бут инсон бунга ҳеч қандай эътироз билдирмайди) бироқ фанга хос хусусият, бу- шубҳаланиш бўлиб, у аниқ далил ва исботларга таянади. Мусулмон оламининг муқаддас китоби- «Қуръони карим»да «Аъроф» сурасининг 54-оятда «Албатта, парвардигорингиз - Оллоҳ шундай зотдирки, осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз аршига ўрнашди»-дейлади. Яна «Хижр» сурасида «Албатта, биз ўзимиз (барча жонзотга) ҳаёт берурмиз ва ўлим берурмиз» ояти маъносига кўра яратилиш мудом давом этаётганидан дарак беради. Кўринади-ки, онтологияда ҳали очилиши зарур бўлган саволлар бисёр, қайси-ки- «Арш»- материянинг қайси структуравий даражасига тегишли ёки уни материянинг атрибути ҳисобланмиш фазо сифатида идрок этилиши айният қонунига мос келадими?»- кабилар...(Ҳар ҳолда фалсафанинг методологик вазифасини эътиборга олиб бу каби саволлар ноўрин бўлмас...)

Объектив идеализм нуқтаи назаридан Оламнинг ягона субстанцияси- Оллоҳнинг ўзи, албатта бунинг тасдиғини юқоридаги оятлардан тушуниб турибмиз. Бу борада немис файласуфи Г.В.Ф.Гегель талқинича, субстанция-«Мутлоқ Рух», яъни табиатнинг ўзидир, у «Мутлоқ Рух»нинг яшаши ва ривожланиш қонунларигача очиб берди. Унинг мантиғи шу қадар кучли эди-ки, таъбир жоиз булса, дунё файласуфлари орасида Гегель фалсафаси таъсирига тушмагани кам, десак муболаға эмас.

Ҳозирда моддиончилар деб таржима қилинаётган материализм фалсафасига кўра-Фазода чексиз ва вақтда абадий ҳаракат қилувчи материя бутун мавжудотнинг негизи ва манбаи - ягона субстанциясидир. Материя, сўзсиз- бирламчидир. Улар фанда аниқланган

билимлар, далилларга таянадилар. Бирок, шуниси эътиборли-ки, фан ривожига юксак хизматлари сингган кўплаб фан арбоблари, ўзларига- «Сиз кимсиз, материалистмисиз?», деб берилган саволга - «Билмадим, агностик бўлсам керак.»-дея, жавоб беришдан қочишган. (Ч.Дарвин, А.Эйнштейн, Стив Уильям Хокинс)

Ибн Синонинг фалсафий материалистик назарияси турли элемент (аносири арбоа) таълимотига асосланади. Ҳиндистонда пайдо бўлган ва у ерда ҳам ҳурматга эга бўлган, бу таълимот мусулмон оламининг ўрта аср фалсафасида янги материалистик қараши эди. Ибн Сино материянинг йўқолмаслиги ҳақида шундай ёзади:

Ҳар хайхату ҳар нақш, ки шуд махв кунун, Дар махзан рўзгор гардад махзун.

Чун боз ҳамин вазх шавад вазхи фалак, Аз пардаи ғайбаш оварад ҳақ берун.

(Ҳозир йўқ бўлиб кетган ҳар бир форма, ҳар бир нақш давр хазинасида (йўқ бўлиб кетмай) сақланиб қолади; фалак ахволи шу тахлитда бораверса, йўқлик пардаси ортидан ҳақиқат уларни яна юзага чиқаради) [1].

Энг тўғри ва мукаммали деб эътироф этилаётган дуализм фалсафасига кўра, субстанция- ҳам материя, ҳам руҳнинг ўзидир (Аристотель, Ибн Сино, Р.Декарт, Лейбниц). Дунё фалсафасида бу йўналишнинг ҳам ўз ўрни бор.

Оламни фалсафий англашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу, уни бевосита илмий изоҳлаш билан боғлиқлигидадир. Чунки, материянинг чексиз кенгликларида ястаниб ётган сир-синоатларнинг ечими онг-у тафаккурнинг хиссий ва ақлий билиш ўртасидаги диалектик мутаносиблиги натижасида юзага келадиган ҳақиқат орқали очиб борилади ва бу фалсафанинг дунёни ўзлаштиришдаги ўзига хос назарий усули эканлиги билан тасдиқлайди.

Хўп, бугунги кунда оламнинг фалсафий манзараси қандай, умуман материяни физик, космологик тавсифлаш билан унинг фалсафий моҳиятини ёритиш мумкинми? Бу ҳолатда паралогизмга йўл қўйилмайдими? Йўқ, ҳар қандай билимнинг фалсафий моҳияти ёритиб берилгандагина у ҳақиқий билим даражасига кўтарилади. Бундан бир неча минг йиллар илгари Қадимги Юнонистонлик мутафаккирлар Левкипп ва Демокрит томонидан илгари сурилган атомистик назария материя структуравий тузилиши ҳақидаги дастлабки таълимотлар бўлиб ҳозирги кунда фан-техника ривожига, ундаги бир қатор революцион кашфиётлар сабаб ҳам микроолам, ҳам макро ва мегаолам ҳақидаги инсоният тасаввурини буткул даражада ўзгартириб юборди. Ҳозирги замон физикасининг элементар зарраларнинг алоҳида хусусиятлари ҳақидаги маълумотлари микроолам ҳақидаги инсоният билимларининг ҳеч қачон тугамаслигидан далолат беради. Шундай тассурот уйғотади-ки, агар сиз ҳар куни фойдаланадиган қўлингиздаги ёзув ручкаси учки қисмида жойлаштирилган шарчани молекула деб фараз қилсак, мазкур молекула таркибида чексиз оламлар - галактикалар, куёш системалари бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. (Бу диалектиканинг «Бутун ва Қисм» категориясида тушунтириладиган - «воқеликдаги алоҳида бутунлик сифатида эътироф этиладиган нарса ёки ҳодиса ўзидан бошқа алоҳида улкан воқеликнинг бир қисми бўлиши мумкин ёки аксинча» тамойилига мос келади)

Замонавий фалсафа ҳам анъанавий қарашлар орасидан материянинг бизнинг кўз ўнгимизда асосан икки хил - модда ва майдон кўринишларида намоён бўлиши тўғрисидаги фикрини инкор этмайди. Модда кўринишидаги материя тинчлик массасига эга бўлиб унинг таркибига протон, нейтрон, электрон, позитрон каби кўзга кўринмас микроолам элементар зарраларидан тортиб, улкан ҳажм, масса ва масштабдаги сайёраларгача бўлган хилма-хил борлиқ киради. Молекулалардан ташкил топган айрим микроскопик жисмлар- суюқ, қаттиқ, газсимон, плазма кўринишларида бўлиши ҳам мумкин. Майдон кўринишидаги материя эса бу ҳаракатдаги массага эга бўлган ва камида ёруғлик тезлигига яқин тезлик билан ҳаракатланувчи материядир. Электромагнит майдон, ядро майдони, гравитацион майдон булар материянинг майдон кўринишларидир. Биз ҳар куни ўрганган ёруғлик оқими - электромагнит майдон тўлқинларидан иборат бўлиб, у ҳаракатдаги массага эга бўлган зарра-фотонлардан ташкил топгандир. Фотон- секундига 300 минг км тезлик билан ҳаракатланиши мактаб ўқувчисига ҳам маълум. Ёруғлик - масса ва энергияга эга, шу жумладан ҳар қандай тинч ҳолатдаги модда ҳам масса ва энергияга эгадир. Элементар зарралар физикаси -

материянинг модда ва майдон кўринишлари бир-бирига ўтиши ҳақида гувоҳлик беради. Демак, Оламдаги барча нарса ва ҳодисалар ўртасидаги энг умумий алоқадорлик материянинг барча шаклларига хос бўлиб, илм-фан ривожига ва тараққиётига бу фикрни бот-бот тасдиқлаб келмоқда.

Бинобарин, материя (Гегель таърифи бўйича «Мутлоқ Рух») шунчалар бепоён-ки, унинг на маркази, чегараси, бўладиган жойи, охириги нуқтаси... йўқ! У – фазода чексиз, вақтда абадийдир. Фазо ва вақт, ҳаракат – материянинг ажралмас қисми, унинг мавжуд бўлишининг биринчи шартидир.

Ўтган аср дастлабки йиллари табиатшунослик фанлари, хусусан физика фани учун инқилобий ўзгаришлар ясади, микролам тузилишини тадқиқ этар экан бу фан икки юздан ортиқ элементар зарраларни аниқлаб уларнинг структураси, хусусиятларини ҳам изоҳлади. Натижада астрофизика, космология учун оламнинг янгича илмий манзарасини ҳосил қилиш имкониятини яратди.

XX-асрнинг бошларида олимларни қизиқтирган соҳа - материянинг зичлиги, оламнинг чекли ёки чегарасизлиги муаммоси ўртага ташланган. 1917 йилда Альберт Эйнштейн ўзининг “Нисбийлик назарияси”га асосланиб Оламнинг биринчи релятивистик моделини яратди. Унинг модели бўйича Оламда барча жисм ва нурланишлар ўртача ҳисобда бир хил тарқалган, у материя бир текис, бўшлиқларсиз ва тугунларсиз тақсимланган деб тасаввур қилган эди. Албатта, унинг бу фарази айни пайтдаги илмий маълумотларга тўғри келмайди, чунки, Олам ниҳоятда хилма-хил, ундаги моддалар бир-биридан ақл бовар қилмас даражада узоқликлардаги юлдузларда жамланган бўлиб юлдузлараро бўшлиқлардаги зичликлар ниҳоятда кичик. Бироқ, бу уни сира ҳавотирга солмаган, унинг тушунтиришича, микроламни ташкил этувчи элементар зарралар ўртасидаги масофалар макродунё масштабида шунчалар кичикки, уни предмет сифатида бир бутун деб ҳисобласак ўта галактик масштаб (мегаолам)да Олам узлуксиз бўлиб кўринади ва ҳажмларни янада катталаштириб борилгани сари Олам зичлиги бир хил бўлиб туюлади. Бундан Олам катта масштабларда ўзгармас эгриликка эга деган хулоса келиб чиқади, яъни бир томондан Олам чегарасиз дейилса, бир томондан у ўзгармас радиусга эга. Материя фазоси ҳажми чекланган, сфера – берк сиртдан иборат, бироқ бундан Оламнинг “чегараси” бор деган хулоса келиб чиқмайди. “Эйнштейн олами” деб аталувчи бу моделга кўра Олам чексиз узунликдаги тўрт ўлчамли цилиндрсимон шаклда, вақт ўқи чекланмаган, материя – яратилмаган ва йўқ бўлмайди ҳам.

Ўша пайтларда олимлар учун Оламнинг зичлигини тахминий бўлсада аниқлаш қизиқ эди (ҳозирда бу муаммо ҳал этилган – 5000 см/куб. да биттага яқин водород атоми) ва бу ҳол Оламнинг кенгайиши ҳақидаги назариянинг яратилишига сабаб бўлди. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Россиялик математик олим Фридман томонидан илгари сурилган мазкур космологик назарияга кўра Олам қандайдир муайян эволюцияга эга, унингча Олам тахминан 17 миллиард йил аввал юзага келган. Бошланғич моментда жуда кичик ҳажмни ташкил этган Олам вақт ўтиши билан портлаган ва кенгайиш жараёни бошланган, кенгайиш тўғрисидаги материя зичлиги ва фазонинг эгрилиги камайиб борган.

Албатта, бундай тўхтамга келиш ўз-ўзидан бўлмаганлиги аниқ, чунки коинотни ташкил этувчи миллионлаб юлдузлар ҳаракатини ўрганиш жараёнида олинган маълумотлар шундай хулоса чиқариш имконини берган. 1919 йилда инглиз олими Слайфер – галактикамиздаги бир қанча туманликларни кузатаётиб уларнинг биздан одатдан ташқари 1800 км/сек. тезликда узоқлашаётганини аниқлади. Кейинроқ Америкалик астроном Хаббл галактикадан ташқаридаги юлдузларни кузатиб ундан ҳам юқори тезликда узоқлашаётган осмон жисмларига дуч келди. 1936 йилда америкалик астрофизиклар Катта айиқ юлдуз туркумини ўрганиб унинг биздан узоқлашиш тезлиги 40 000 км/сек. эканлигини аниқладилар. Демак, Оламнинг катта тезлик билан кенгайётганлиги шубҳасиздир, бироқ бу узлуксиз жараёнми ёки вақт ўтиши билан яна қайта қисқарадими, бу саволларга тахминий жавобларгина мавжуд ҳолос. Олам кенгайишда давом этади – дейилади баъзи тахминларда, қандайдир максимал даражада кенгайиш тўхтаб қисқариш томон ҳаракат бошланади, яъни кенгайиш ва сиқилиш давомли, тўхтовсиз - циклли жараёндир.

Ҳозирги кунда кўплаб космологик моделлар таклиф этилган бўлиб уларнинг қай бири тўғри эканлиги маълум бир вақт ёки шарт-шароитни талаб этади. Яна ҳам тўғрироғи бу муаммонинг ҳал этилиши физиклар эътирофига, Оламнинг чексизлиги ҳақидаги фалсафий масалани қандай тушуниш кераклигига боғлиқ.

Оламни илмий тушуниш уни фалсафий англашдан фарқ қилади, яъни унга кўра марказий ўринни хилма-хил гипотеза, фаразларни текшириш, асослаш ёрдамида мунтазам равишда тўлдирилиб боровчи илмий моделлар таклиф этилади. Бу албатта, борлиқни фалсафий англашда аҳамияти жуда юқоридир.

Адабиётлар

- [1]. Ҳакимов А «. Ибн Сино фалсафий қарашларининг қиммати» ФарПИ илмий-техника журналы 2019, №3 169- бет
- [2]. Фалсафа қомусий луғат. Назаров Қ таҳрири остида. –Т.: Шарқ, 2004.

ИНСОНПАРВАРЛИК, ВАТАНПАРВАРЛИК ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ МЕЗОНЛАРИ

М.И. Мамаюнусова, М.А. Усмонова

*Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 23.06.2020 й.)*

Аннотация: Ушбу мақолада инсонпарварлик, ватанпарварлик фазилатларини инсон ижтимоий ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши илмий асосда таҳлил қилинган.

Аннотация: Данная статья представляет собой научный анализ важной роли гуманизма и патриотизма в общественной жизни и деятельности человека

Annotation: In this article is a scientific analysis of the important role of humanism and patriotism in public life and human activities

Таянч сўзлар: Оиладаги ахлоқий нормалар, инсонпарварлик ва ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний ахлоқий нормалар, қадриятлар, мутафаккирларни маданий мерослари.

Ключевые слова: В этические нормы семьи и гуманитарного патриотизма, национальных и общечеловеческих нравственных норм, ценностей и культурного наследия мыслителей.

Key words: Ethical standards in family and humanitarian patriotism, national and universal moral norms, values and cultural heritage of the thinkers.

Бизнинг миллий қадриятларимиздан бевосита жаҳонни лол қолдираётган ахлоқий меъёрларимиздан бири-бу инсонпарварликдир. Инсонпарварлик ҳам худди ватанпарварлик тушунчаси каби инсонийликни улуғлайдиган, ўз она юртига, ўз маҳалласига, ўз оиласига бўлган ижобий қарашларни шакллантирадиган муқаддас туйғудир.

Инсонпарварлик (“Инсон” – арабча; “парвар”- форс тожикча “Лик” – ўзбекча- кишига ғамхўрлик”) – одамзоднинг қадри эркинлиги қобилятлар ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш инсоннинг бахт-саодати, тенгхуққлиги, адолатли ҳаётни таъмин этишга интилиш деган маънони англатади. Марказий Осиё мутафаккирларидан Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқалар ўз асарларида инсон эркинлиги, унинг кадр-қимматини инсонпарварлик ғояларини илгари сурганлар.

Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. У пурмаъно ва сермазмун тушунчадир. Инсонпарварлик ўзбек халқининг ажралмас ҳислати тарзида кўзга ташланади. Қуръони Карим инсонпарварлик ғоялари асосига қурилган. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари шу ғояларга бой ҳикматлар мажмуаси саналади. Инсонпарварлик кишиларнинг бир-бирига ҳурматида, кадр-қимматида, меҳр-шавқатида, диёнатда, ўзаро қўмаклашувда, ҳамдардликда, бошқалар қайғусига шерик бўлиб, қувончидан ва бахтидан севинишида, халқ бахти ва ютуқларидан фахрланишида кўринади.

Президентимиз ва Ўзбекистон давлатининг энг улуғвор инсонпарварлик ғояларидан бири –ички ва ташқи тинчлик сиёсатидир. Инсон туғилган экан у яшаши керак. Яшаш учун тинчлик зарур. Демак, давлатимизнинг тинчлик сиёсати инсонпарварлик сиёсати мазмуни билан йўғрилган.

Ўзбекистон давлатининг экологик сиёсати ҳам инсонпарварлик мазмуни билан боғланган. Экология бузилар экан, инсон саломатлиги ёмонлашади. Инсон носоғлом экан, у жамиятдаги носоғломликни келтириб чиқаради. Мамлакатимизда “Соғлом авлод учун” дастурининг илгари сурилганлиги инсонпарварликка қаратилган катта ташаббусдир. Мустақил Ўзбекистон ўз халқининг саломатлиги ҳақида қайғураётган экан, бунга миллий бойлик сифатида қарайди.

Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари инсон манфаатларини ҳимоя қилишга, уни кадрлашга, ҳар бир шахснинг баркамоллашувига қаратилган. Инсонпарварлик ғоялари мазмуни ва тамойиллари ўзбек миллий менталитетининг таркибий қисми. Бу ғоялар ташқаридан мутафаккирларнинг ҳаракати билан яратилган эмас, балки халқ тафаккурининг узвий қисми бўлган. Инсоннинг болага меҳр- муҳаббати унинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки, бошқа кишилар билан бўладиган ўзаро муносабатлари жараёнида камол топадиган қобилият бўлиб, ыирорта ўқув юртидан, бирорта китобдан ўрганиб бўлмайди. Лекин педагогик меҳнат ўзининг табиати жиҳатидан, болалар билан ҳамнафас бўлиши туфайли одамга меҳр-муҳаббатини, унга ишончини кучайтиради.. Педагогик фаолиятига эга бўлган салоҳият ўқув юртида, ана шу фаолият жараёнида камол топади.

Инсонпарварликни кўринишларидан яна бири, бу инсонни улуғлашдир. Инсон табиатнинг гултожи. У ҳар қанча мактовга лойиқ зот саналади. Бу ҳақда Қуръон ва ҳадисларда, мутафаккирлар ижодида ажойиб, ибратли фикрлар айтилган. Биз бу ўринда “Шарқ Гегели” деган шарафли номга сазовор бўлган файласуф шоир, мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил сўзларини келтириш билан чекланамиз. Бедил инсонни ирқий, миллий, диний эътиқодларидан қатъий назар ҳурмат ва эҳтиромга сазовор зот деб билади ва бу ҳақда шундай дейди: “ҳар кимки, ҳазрати инсонни саждага сазовор демаса, у малъундир”. Қандай ажойиб фикр! Ушбу фикр ҳар қандай давр учун ҳам адолатли, ардоқли ва олижанобдир.

Мустақил Республикамиз фуқаролари, хусусан ёшлари руҳиятида ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларни ривожлантириш демократик, адолатли ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишнинг муҳим кафолати саналади. Шунинг учун ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш бутун тарбиявий ишимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикаси президенти асарлари.
- [2]. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017 -484 б.
- [3]. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
- [4]. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2016.-53 .б
- [5]. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
- [6]. Дехқонова М. УҚасб таълим методикаси .Ўқув қўлланма. Т.: 2013, 148б.
- [7]. М.У.Дехқонова, К.И.Ахмедова.Таълим технологиялари. Ўқув қўлланма., Т.: 2019.

ВЛИЯНИЕ ИОНИЗИРУЮЩЕГО ИЗЛУЧЕНИЯ НА ПОЛУПРОВОДНИКИ И ПОЛУПРОВОДНИКОВЫЕ ПЛЁНКИ

Г.М. Кипчакова, З.И.Абдумаликова

*Ферганский политехнический институт
(Получена 16.10.2020 г.)*

Аннотация: Рассмотрены общие вопросы влияния проникающей радиации на полупроводники, а также описаны некоторые известные к настоящему времени явления, происходящие в плёнках полупроводников при радиационном воздействии.

Ключевые слова: радиационный дефект, точечный дефект, кинетическая энергия, концентрация, быстрые нейтроны, электроны, атомы, кристаллическая решётка.

Аннотация: Ярим ўтказгичларга кирган радиацияни таъсирига тегишли умумий саволлари кўриб чиқилган ва радиацион таъсиридаги ярим ўтказгич плёнкаларида ҳосил бўлган, ҳозирги вақтда аниқланган айрим ҳодисалар келтирилган.

Таянч сўзлар: радиацион нуқсон, нуқтали нуқсон, кинетик энергия, концентрация, тез нейтронлар, электронлар, атомлар, кристалл панжара.

Annotation: The general issues of the influence of penetrating radiation on semiconductors are considered, and some of the phenomena known to date that occur in semiconductor films under radiation exposure are described.

Keywords: radiation defect, point defect, kinetic energy, concentration, fast neutrons, electrons, atoms, crystal lattice.

Влияние проникающей радиации на свойства полупроводниковых материалов и приборов интенсивно изучается на протяжении последних трех десятилетий с целью выяснения причин отказов полупроводниковых приборов, работающих в зоне радиации.

Перечислим важнейшие экспериментально установленные положения, лежащие в основе радиационной физики твердого тела.

1. Все виды ионизирующих излучений с энергией частиц, превышающей пороговую для данного материала, приводят к появлению в кристаллической решетке радиационных дефектов.

При больших энергиях частиц, кроме пар Френкеля, образуются каскады смещений, разупорядоченные области, тепловые вспышки, дислокационные петли и другие дефекты.

2. Взаимодействие первичных радиационных дефектов друг с другом и иными дефектами структуры приводит к появлению более сложных вторичных дефектов. Процесс образования комплексов проходит особенно интенсивно на начальных стадиях облучения, пока стоки для вакансий и междоузельных атомов не насыщены.

3. Большая часть точечных радиационных дефектов может быть устранена посредством отжига. Необходимая температура отжига зависит от типа дефектов, энергии связи атомов в решетке и энергии миграции собственных точечных дефектов.

4. Характер вторичных радиационных дефектов зависит от свойств облучаемого вещества, вида радиации и частиц, а также условий облучения, определяющих процессы взаимодействия первичных дефектов.

В обзоре будут рассмотрены общие вопросы влияния проникающей радиации на полупроводники, а также описаны некоторые известные к настоящему времени явления, происходящие в пленках полупроводников при радиационном воздействии.

При взаимодействии с полупроводниками часть, энергии высокоэнергичных излучений и частиц идет на возбуждение связанных электронов. Вычисление величины ионизационных потерь и пробега частиц является важной задачей для изучения многих процессов при прохождении излучений через вещество. Влияние ионизационных потерь непосредственно на те электроны вещества, которым передается эта энергия, учитывается введением в формулы для вычисления удельных потерь энергии $(-\frac{dE}{dx})$ так называемой «средней энергии возбуждения электронов».

В ряде случаев важно знать пространственное распределение ионизации и характер пробега частиц. При прохождении тяжелых частиц можно считать, что направление движения частицы сохраняется почти неизменным до тех пор, пока преобладают ионизационные потери. В этом случае учитывают передачу энергии вторичным -электронам, которые в свою очередь могут вызывать ионизацию сравнительно далеко от области траектории. В случае прохождения моноэнергетических электронов на распределение ионизации главным образом влияет рассеяние электронов атомами материала, и среднее

значение потерь ионизации вдоль первоначального направления и кремния имеется методика и вычислено распределение ионизации для различных энергий. Экспериментальные данные для германия достаточно хорошо согласуются с теоретическими расчетами. Ионизационные эффекты могут обуславливать дефекты решетки. Кроме потерь на ионизации часть энергии переходит в тормозное электромагнитное излучение, которое начинает играть существенную роль, начиная с некоторого порогового значения.

Непосредственная передача энергии атомам вещества приводит к структурным нарушениям решетки – радиационным дефектам (РД). При рассмотрении теории радиационных нарушений предполагают, что простейшим видом дефекта являются вакансии и атомы в междузелье кристаллической решетки (точечные дефекты Френкеля). Вторым предположением является представление о существовании пороговой энергии образования дефекта E_d . Вычисление величины E_d является важной задачей многих экспериментальных и теоретических исследований взаимодействия излучений с веществом. В качестве вероятного значения E_d для кристаллов с энергией связи атомов около 10 эВ принимают значение 25 эВ.

В случае бомбардировки электронами вероятность смещения атомов мала. При бомбардировке тяжелыми частицами упругие столкновения начинают играть существенную роль, начиная с некоторого значения кинетической энергии частиц, определяемой формулой:

$$E_i = \frac{E_g}{8} * \frac{M_A}{m}$$

где, M_A - масса атома вещества; m - масса частицы; E_g - ширина запрещенной зоны.

Виды излучений

1. Электроны. при рассеянии электронов кинетическую энергию атома после столкновения можно определить из выражения

$$E_A = E_{Amax} \cos^2 \Theta_A$$

где, Θ_A – угол между направлением движения электрона и направлением после столкновения; E_{Amax} - максимальная энергия передаваемая атомам вещества. Угловое распределение атомов после рассеяния определяется следующим образом

$$\delta \Theta_A = 4\delta_0 \frac{B(\cos \Theta_A)}{\cos 3\Theta_A}$$

где, $\delta \Theta_A$ – поперечное сечение, характеризующее вероятность наплавления движения электрона; Z - заряд ядра.

Из анализа рассеяния электронов можно заключить, что имеется тенденция к передаче импульса под большим углом к направлению падения электрона. С ростом энергии электронов большая часть столкновений группируется к углу $\Theta_A = \frac{\pi}{2}$. Учет распределения по энергиям дает, что подавляющее дефектов возникает при столкновениях с энергией не больше, чем 50-70 эВ.

Для расчета концентрации дефектов N_d подсчитают поперечное сечение $\sum d$, характеризующее вероятность возникновения дефектов. При этом исходят из допущений, что пороговая энергия смещения атома E в междузелье не зависит от направления импульса атома, и что на каждый акт рассеяния возникает один дефект Френкеля.

$$N_d = \sum d(E) \Phi N$$

Φ - интегральный поток электронов на 1 см²; N - число атомов в 1 см².

Теоретически можно показать, что функция $\sum d(E)$ в случае кристалла, состоящего из одинаковых атомов, определяется параметром E_d .

При расчете полного числа смещенных атомов N^+ необходимо учитывать, что в случае, когда энергия первично смещенного атома $E > 2E_d$, возникают вторичные и другие дефекты. Тогда полное число дефектов согласно каскадной теории $V = \frac{EA}{2E_d}$.

Теория рассеяния электронов хорошо согласуется с экспериментальными результатами. Точность совпадения превышает 1%. Поэтому механизм первичной передачи энергии быстрыми электронами атомам решетки можно считать вполне исследованным.

2. Гамма-излучения. Электромагнитные излучения высоких энергий, взаимодействуя с полупроводниками, также вызывают появление дефектов структуры «точечного типа». Но вероятность возникновения дефекта при непосредственном действии гамма - кванта ничтожно мала. Дефекты в основном возникают в результате действия на кристалл быстрых электронов, возникающих в результате фотоэффекта и эффекта Комптона, а также образовании при больших энергиях гамма – квантов, пар электронов и позитронов. В результате воздействия гамма – излучений можно описать методами, указанными выше для быстрых электронов и легких частиц.

3. Быстрые нейтроны. Основным механизмом взаимодействия быстрых нейтронов и тяжелых частиц с твердыми телами является упругое рассеяние. С учетом характера рассеяния для нейтронов среднюю энергию рассеяния можно определить из выражения

$$E_A = \frac{4}{A} \left(1 + \frac{1}{A}\right)^{-2}$$

где A – атомный вес.

Предполагается, что нейтроны рассеиваются изотропно. В действительности с ростом энергии предпочтительным становится рассеяние вперед. В реальных процессах в результате каскадов упругих столкновений образуются вторичные дефекты структуры, вследствие чего полное число смещений атомов значительно превышает число актов рассеяния. Помимо выбивания атомов в междоузелье возможно перемещение дефекта в объеме кристалла. Кроме того, акт первичной передачи энергии атомом можно представить как быстрый нагрев ограниченного объема до высокой температуры.

Список литературы.

- [1]. Ш.М Камолов, А.Ш .Ахмедов “Электротехника материаллари”. Ўқув қўлланма. 2011 й.
- [2]. Богородицкий Н.П. Пасенков В.В. Тареев Б.М. “Электротехнические материалы” дарслик. М.2001
- [3]. Нанотехнология в ближайшем десятилетии под. ред. М. Роко; пер. с англ. Под.ред. Р.А. Андриевского. М. Мир, 2003 год. 295 стр.
- [4]. Пул Ч., Оуэнс Ф. Нанотехнологии /пер. с англ. под. ред. Ю.И.Головина, М. Техносфера, 2004. 328 стр.
- [5]. Ю.И. Головина. Введение в нанотехнологию. М. Машиностроение – 1, 2003, 112 с.
- [6]. Суздалев И.П. Нанотехнология: физико – химия нанокластеров,
- [7]. наноструктур и наноматериалов. М. Комкнига, 2006. 592 стр.

БОЛАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЙЎЛ-ТИРАНСОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ж.А. Ахунов, И.А. Икромов

Фаргона политехника институти, axunov.aja@mail.ru
(Қабул қилинди 16.10.2020 й.)

Мақолада болалар билан бўлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг статистик маълумотлар таҳлили келтирилган.

Таянч сўзлар: Автомобиль, йўл, пиёда, тезлик ва йўл транспорт ҳодисалари.

В статье представлен анализ статистических данных о дорожно-транспортных происшествиях с участием детей.

Ключевые слова: Автомобиль, дорога, пешеход, скорость и дорожно-транспортные происшествия.

The article presents an analysis of statistical data on road traffic accidents involving children.

Key words: Automobile, road, pedestrian, speed and road traffic accidents.

Йўл транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибати юртимиз иқтисодиёти ҳамда жамиятнинг маънавий ҳаётига жиддий зарар етказди.

Йўл-транспорт ҳодисаларида шикастланидиган болалар сонининг кўп эканлиги уларнинг хавфсизлигини таъминлашга эътиборни кучайтиришни талаб қилади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, айниқса шаҳарлардаги замонавий йўл ҳаракати талаблари психофизиологик ривожланишини ҳисобга оладиган бўлсак болалар учун қийинчилик туғдириши бор гап. Катта ёшдагиларга қараганда болаларнинг йўл ҳаракати хавфлилиги асосан уларнинг психологик хусусиятлари билан боғлиқ[1].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2018 йилда йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида берган ҳисоботида қараганда йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида дунё бўйича йилига 1,35 миллион нафар одам ҳалок бўлмоқда. Шу жумладан ҳисоботга кўра йўл-транспорт ҳодисалари туфайли жароҳатланиш, 5-29 ёшдаги болалар ва ёшлар ўлимининг энг асосий сабаби сифатида намоён бўлмоқда. 20 дан 50 миллионгача одамлар ўлимга олиб келмайдиган жароҳатлардан азият чекмоқда, уларнинг аксарияти ногиронликка олиб келади[2].

Йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар иштирокидаги йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг асосий долзарб масалаларидан биридир.

Статистик маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2018 йилнинг 11 ойи давомида болалар иштирокида 1275 та йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган бунинг оқибатида 1121 нафар бола жароҳатланган 204 нафар бола ҳалок бўлган. 2019 йилнинг 11 ойи давомида эса болалар иштирокида 1143 та йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган натижада 1001 нафар бола жароҳатланган 170 нафар бола ҳалок бўлган[3].



1-расм. Фарғона вилояти ҳудудида содир бўлган болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг йиллар бўйича тақсимланиши.

2019 йилда Тошкент вилояти автомобиль йўлларида болалар иштирокида 131 та йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилган. Бу ҳодисаларда 21 нафар болалар ҳалок бўлиб, 110 таси турли даражадаги тан жароҳатларини олишган[4].


Юқорида келтирилган маълумотларга қўшимча равишда Фарғона вилояти ҳудудида 2014-2018 йиллар давомида болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиб кўрайлик (1, 2-расм).

Биринчи расмдаги графикни таҳлил қилиб

кўрайлик. 2014 йилда содир бўлган болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари сони 164 тани ташкил қилган бўлса 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 190 тага етганлигини кўришимиз мумкин. Графикда келтирилган кўрсаткичлардан кўриниб турибдики 5 йил

давимида болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари сони 13,68 % га ошганлигини кўришимиз мумкин.

Иккинчи расмни таҳлил қиламиз. 2014 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари умумий сонининг 15,10 % улуши болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларига тўғри келмоқда. 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 18,52 % бўлганлигини кўришимиз мумкин. Расмдаги кўрсаткичлардан болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг йилдан йилга ортганлигини кўришимиз мумкин.



2-расм. Фарғона вилояти ҳудудида содир бўлган болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг йиллар бўйича улуши.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бутун дунёда шу жумладан бизнинг Республикамизда ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу масалани ечиш учун кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказиш лозим. Шаҳар транспортининг зичлиги тобора ортиб бораётганлиги йўлларни болалар учун энг хавфли ҳудудга айлантиради ва шунга кўра болалар йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланишнинг олдини олиш масалалари бизнинг давримизда ҳам энг

долзарб масала ҳисобланмоқда. Тадқиқотларнинг асосий мақсади болаларни йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланишининг олдини олиш, шунингдек уларга йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш бўйича янги технологияларни ишлаб чиқиш ва таълим муассасалари атрофидаги йўлларда пиёдалар хавфсизлигини таъминлашдан иборат бўлмоғи шарт.

Адабиётлар

- [1]. <https://ddu110grodno.schools.by/pages/psihologija-detej-i-bezopasnost-dorozhnogo-dvizhenija>
- [2]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2018 йилда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича глобал ҳисобот.
- [3]. <https://yhxbb.uz>
- [4]. <https://kun.uz/>

АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ШАРОИТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТЕХНИК ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ

И.А. Икромов, Ж.А. Ахунов

Фарғона политехника институти, iqbolikromov@mail.ru
(Қабул қилинди 16.10.2020 й.)

Мақолада автомобилларнинг техник жиҳатидан эксплуатация жараёнларининг ўзгариши, уларнинг қўлланилиши ва ишлатилиши бўйича ҳамда автотранспорт воситаларининг техник ҳолати таъсири бўйича мисоллар келтирилган.

Таянч сўзлар: Машина, автотранспорт механизм, техник ҳолат, ҳаракат, ейилиш, эксплуатация.

В статье приведены примеры изменения технической эксплуатации транспортных средств, их применения и использования, а также влияния на техническое состояние транспортных средств.

Ключевые слова: Машина, моторный механизм, техническое состояние, движение, износ, работа, мощность.

The article provides examples of changes in the technical operation of vehicles, their application and use, as well as the impact on the technical condition of vehicles.

Key words: Machine, motor mechanism, technical condition, movement, wear, operation.

Ушбу мақола бугунги кунда ҳаётимизни транспорт воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Автомашина илгари ҳашамат ҳисобланган бўлса, бугунги кунга келиб ихчам, тез ҳаракатланувчи, кам ҳаражатлилиги, кундалик эҳтиёжга айланди, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш ва бошқа афзалликлари билан тобора ҳаётимизга сингиб бормоқда.

Транспорт воситасининг техник ҳолати кўрсаткичлари унга техник хизмат кўрсатиш жараёнида жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичлар, биринчидан, автомобилнинг созлигини назорат этувчи ҳамда созлаш ва таъмирлаш ишлари ҳажмини аниқловчи восита бўлса, иккинчидан, техник ресурсни башоратлаш воситасидир, яъни навбатдаги техник хизмат кўрсатишгача бўлган бузилмай ишлаш заҳирасини олдиндан айтиб беради. Шунинг учун техник ҳолат кўрсаткичларининг чегаравий меъёрларини ва уларнинг йўлга боғлиқ ҳолда ўзгариши динамикасини билиш зарур, чунки кўрсаткичлар ўзгаришининг қонуниятлари бўйича навбатдаги техник хизмат кўрсатишгача бўлган ресурсни аниқлаш мумкин.

Транспорт воситасининг эксплуатация муддати ошган сари деталларнинг ейилиши ва носозликлар натижасида унинг техник ҳолати аста-секин ёмонлашиб боради: двигател қуввати ва ҳаракат техник тезлиги пасаяди, ёнилғи сарфи ва ейилиш жадаллиги ўсади, бошқарув қулайлиги ёмонлашади, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳажми ортади, ишончлилиги пасаяди.

Транспорт воситасининг техник ҳолатига кўпгина эксплуатацион омиллар таъсир этади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- эксплуатацион материаллар сифати (бензин, дизел ёнилғиси, газ ёнилғиси, мойлаш материаллари, махсус суюқликлар - антифриз, тормоз суюқлиги ва бошқалар);
- йўл шароитлари;
- иқлим шароитлари;
- транспорт воситасидан техник фойдаланиш (қувватдан фойдаланиш тартиботлари, автомобилни ҳайдаш сифати);
- техник хизмат кўрсатишнинг сифати;
- транспорт воситасини сақлаш сифати ва ҳ.к.

Ёнилғи–мойлаш материалларига қўйиладиган асосий талаб – уларнинг Давлат стандартларига ва автомобил двигатели конструкциясига ҳамда иқлим шароитлари ва автомобил эксплуатациясининг тартиботларига мос келишидир. Шунинг учун ёнилғилар вазифаси (карбюратор ва дизел двигателлари учун, ёз ва қиш учун) ва сифати бўйича (октан ва цетан сонлари) русумларга бўлинади.

Ёнилғи–мойлаш материаллари ёнилғи иқтисодиёти, ишончлилик, двигател қуввати, ҳаракат тезлиги каби транспорт воситасининг эксплуатацион сифат кўрсаткичларига таъсир этади. Ёнилғи–мойлаш материалларининг сифатини сақлаб қолиш уларни ташиш, сақлаш ва тарқатиш жараёнларида жуда муҳимдир.

Бензиннинг асосий сифатлари– буғланиш (фракцион таркиб), детонацион ва коррозия хусусиятлари ҳамда механик аралашмалар ва сувнинг йўқлигидир. Унинг детонацияга қарши сифатлари махсус антидетонаторлар ёрдамида оширилади. Бензин таркибида олтингугуртнинг мавжудлиги цилиндр–поршен гуруҳи ва клапанларнинг коррозия–механик ейилишларини келтириб чиқаради. Олтингугурт миқдори қанча кўп бўлса, двигател цилиндрларининг ейилиш жадаллиги ва ёнилғи сарфи шунча ошиб боради, двигател қуввати эса камайиб кетади. Ёнилғи таркибидаги механик аралашмалар карбюратор мосламаларини ифлослантиради, ёнилғи аралашмасининг пайдо бўлишини қийинлаштиради, автомобилнинг тортиш сифатларини ва ёнилғи иқтисодиётини ёмонлаштиради. Энг асосийси-механик аралашмалар двигател цилиндр–поршен гуруҳининг ейилиш даражасини ошириб юборади.

Дизел ёнилғисининг цетан сони, қовушқоқлик, буғланиш, коррозия хусусиятлари ва

механик аралашмаларнинг мавжудлиги каби сифатлари автотранспорт воситасининг эксплуатацион кўрсаткичларига таъсир этади. Агар цетан сони двигателнинг чидамлилиги ва ёнилғи иқтисодига кучли таъсир этса, ёнилғининг қовушқоқлиги унинг пуркалишига, ҳаво билан аралашма ҳосил қилишига ва ёнишига ҳамда ёнилғи аппаратурасидаги нозик жуфтларнинг ейилишига сабабчидир. Дизел ёнилғисининг коррозия хусусияти унинг таркибидаги олтингугуртнинг миқдорига боғлиқ: у қанчалик кўп бўлса, двигател цилиндрлари ва поршен ҳалқаларининг коррозия-механик ейилишлари шунчалик кўпаяди.

Ейилишлар, айниқса, двигателнинг паст ҳароратларида ортади. Дизел ёнилғиси таркибида механик аралашмаларнинг бўлиши ёнилғи етказиб бериш аппаратурасидаги нозик жуфтликлар ейилишига сабаб бўлади. Механик аралашмаларни дизел ёнилғисидан ажратишнинг энг оддий усули – уни бир неча кун давомида тиндиришдир.

Газ ёнилғилари юқори эксплуатацион сифатларга эга. Уларнинг қўлланиши двигател ейилишларини пасайтиради, детонациясиз иш тартиботини таъминлайди, ишлатилган газлар заҳарлилигини камайтиради, мотор мойи хизмат муддатини узайтиради.

Эксплуатацияда ёнилғини двигател конструкциясига, табиий-иқлим шароитларига ва стандарт талабларига мос равишда қўллаш, сақлаш, ташиш ва тарқатишда буғланиб кетишига йўл қўймаслик, унинг таркибида механик аралашмалар ва сувнинг бўлмаслигини таъминлаш лозим.

Мойлаш материаллари ҳам (ёнилғилар сингари) вазифаси бўйича (карбюратор ва дизел двигателлари учун картер мойлари, трансмиссия мойлари), сифати бўйича (тозалаш тури, қовушқоқлиги, қўшилма (присадка) нинг мавжудлиги ва ҳ.к.) русумлаштирилади ва стандартлаштирилади. Мой ва мойлаш материаллари суюқ ёки чегаравий ишқаланишни таъминлаш, ишқаланиш иши ва ейилишни камайтириш, иссиқликни ишқаланиш жуфтликларидан, ейилиш маҳсулотларини тирқишлардан ҳайдаш, тирқишларни зичлаш, мойлаш сиртларини занглашдан ҳимоя қилиш учун ишлатилади.

Двигател мойи юқори ҳарорат ва солиштирма босимларда ишлайди. Бунда занглаш маҳсулотлари, қатрон (сақич, смола) ва қасмоқ ҳосил бўлиши мумкин. Унинг асосий эксплуатацион хусусиятлари – қовушқоқлик, ювиш ва занглашга қаршилик, механик аралашмалар ва сувнинг йўқлигидир. Двигател мойларининг эксплуатацион хусусиятларини яхшилаш уларга ҳар хил кимёвий модда (қўшилма)лар қўшиш билан эришилади. Қўшилмалар ишқаланаётган деталлар ейилиш жадаллигини камида икки баробар камайтиради.

Автотранспорт воситаларидан қўлланилганда - эксплуатацион материаллар сифати, - йўл шароитлари, - иқлим шароитлари, - транспорт воситасидан техник фойдаланиш (қувватдан фойдаланиш тартиботлари, автомобилни ҳайдаш сифати), - техник хизмат кўрсатишнинг сифати, - транспорт воситасини сақлаш сифатларидан ташқари янада эксплуатацион ҳоссаларини ўзгаришини олдини олиш учун автомобил ҳайдовчиси ва автомобил ҳайдовчининг маҳоратига ҳам боғлиқлигини автомобилларни техник ҳолати кўрсаткичлари унга техник хизмат кўрсатиш жараёнида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

Намлик ва учувчан моддаларнинг масса улиши, %, кўп эмас	0,1	0,1	0,1	0,1
Ёғ бўлмаган аралашмалар масса улуши(куйқа микдори), %, кўп эмас	Мавжуд эмас			
Совун микдори (сифат анализи)	Мавжуд эмас			
Совунланмайдиган моддалар микдори, %, кўп эмас	1,0	1,0	1,0	1,0
Перекис сони, ммол/кг, $\frac{1}{2}$ "O", кўп эмас	10	10	10	10
Мойда эритувчи(бензин) нинг мавжудлиги (сифат анализи)	Мавжуд эмас			
Экстракция пахта мойининг учқунланиш ҳарорати, °C, паст эмас	-		Мавжуд эмас	

2-жадвалдан кўриниб турибдики, экстракция ва пресс усулида олинган пахта мойи тўлиқ рафинатциялаш жараёнидан ўтганидан сўнг органолептик кўрсаткичлари бўйича биридан фарқ қилмайди.

Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича пресс ва экстракция мойларини чуқурроқ фарқлаш мақсадида уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини солиштираш.

2-жадвалда Рафинатцияланган дезодоратцияланган пахта мойининг (пресс ва экстракция усулида олинган) физик-кимёвий кўрсаткичлари берилган.

Тадқиқотларимизда экстракция усулида олинган Рафинатцияланган ва Рафинатцияланган дезодоратцияланган пахта мойини олиб, таркибида бензинга сифат реакциясини ўтказдик. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Дезодоратция жараёнини пахта мойи таркибидаги бензинга таъсири

Кўрсаткич номи	Экстракция усулида олинган Рафинатцияланган дезодоратцияланган пахта мойи		Экстракция усулида олинган Рафинатцияланган пахта мойи	
	Олий нав	Биринчи нав	Олий нав	Биринчи нав
Мойда эритувчи(бензин) нинг мавжудлиги (сифат анализи)	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд	Мавжуд
Экстракция пахта мойининг учқунланиш ҳарорати, °C, паст эмас	Аниқланмади	Аниқланмади	242	238

3-жадвалдан кўриниб турибдики, дезодоратция жараёнида пахта мойи таркибидаги бензин тўлиқ учириб юборилади, бунга сабаб – дезодоратциянинг ишлаши чуқур вакуум остида ҳамда маҳсулотга тўғридан тўғри очиқ буғ бериш орқали амалга оширилганидир. Ушбу жараёни амалга оширилмаса маҳсулот фақат техник мақсадда қўллаш учун тавсия этилади [2].

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, дезодоратцияланган мой таркибида бензин тўлиқ қолмаганини фақатгина хроматография усули орқали аниқлашимиз мумкин. Шунинг учун Рафинатцияланган дезодоратцияланган олий ва биринчи нав пахта мойини олиб текширганимизда таркибида 0,003% ва 0,006% микдорда бензин борлиги аниқланди. Ушбу бензин истеъмол қилиш давомида организмда йиғилиб токсик хусусиятини намоён қилиши мумкинлигини инобатга олиб, биз ушбу пахта мойини кўшимча дезодоратциялаш жараёнидан ўтказдик ва таркибида бензин ўзгаришини текширдик. Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.

Дезодоратция жараёнининг сони	Экстракция усулида олинган Рафинатцияланган дезодоратцияланган пахта мойи таркибидаги бензин микдори, %	
	Олий нав	Биринчи нав
1	0,003	0,006
2	излари	0,002
3	излари	излари

4-жадвалдан кўриниб турибдики, агар дезодоратциялаш жараёни кўпроқ ёкида кўшимча равишда бажарилса, экстракция усулида олинган мойнинг таркибидаги қолдиқ бензин учиб кетади, бунинг натижасида олинган мойнинг озик-овқат хавфсизлиги жиҳатидан истеъмолга яроқли холга келади [3]. Дезодоратция жараёнини кўп олиб бориш ёкида унинг сонини ошириш иқтисодий ва мойнинг сифат кўрсаткичларига (кислота сони, ранги, перекис сони ва ҳоказо) таъсир қилишини инобатга олиш лозим.

Хулоса қилиб, экстракция усулида олинган мойни тўлиқ рафинатциялаш циклидан ўтказиш орқали ҳар доим ҳам унинг таркибидаги бензин заррачалари тўлиқ учириб юборилмайди, балким оз микдорда бўлса ҳам қолади, шунинг учун уларни тўлиқ ёқотишда дезодоратция жараёнини узоқроқ ёки бир неча бор такрорлаш зарур бўлади.

Адабиётлар

- [1]. Технология производства растительных масел. (В.М. Копейковский, С.И. Данильчук. Г.И. Гарбузова и др.): под ред. В.М. Копейковского-М.: Легкая и пищевая промышленность. 1982. -416 с.
[2]. Белобородов В.В. Основные процессы производства растительных масел. - Пищевая промышленность. 1966. - 478 с.
[3]. Руководство по технологии получения и переработки растительных масел и жиров. -Л: ВНИИЖ, т-2, кн.1, 1975. -725 с; т-1, кн.2. 1974. -591 с.

ЎСИМЛИК МОЙЛАРИНИНГ ОРГАНИК ЭРИТУВЧИЛАРДА ЭРУВЧАНЛИГИ ВА ЭРИТМАЛАРНИНГ ТАБИАТИ

Б.С. Усманов, Н.Б. Кадирова, Д.Я. Бўронова

Фаргона политехника институти, E-mail: nodira7819@mail.ru

Ўзбекистан, Фарғана ш.

(Қабул қилинди 23.10.2020 й.)

Numerous observations have shown that methods have been chosen for determining the main indicators of the quality of raw materials, secondary products, semi-finished products and finished products. During the extraction process (wetting and extraction) of the cotton granule extraction process, the specificity of the nature of the solvent and the internal diffusion coefficient of the granule at the corners and side walls were calculated. By increasing the selectivity of the extraction of cottonseed oil by replacing the known solvent with the recommended one, the efficiency of the extraction process was increased by 10-12%.

Key words: Polar, organic, solvents, ketones, dielectrics, vegetable oils, solvents, alcohols.

Многочисленные наблюдения показали, что выбраны методы определения основных показателей качества сырья, вторичной продукции, полуфабрикатов и готовой продукции. Во время процесса экстракции (смачивания и экстракции) процесса экстракции хлопковых гранул были рассчитаны специфичность природы растворителя и коэффициент внутренней диффузии гранулы на углах и боковых стенках. За счет увеличения селективности экстракции хлопкового масла путем замены известного растворителя на рекомендуемый, эффективность процесса экстракции была увеличена на 10-12%.

Ключевые слова: Полярные, органические, растворители, кетоны, диэлектрики, растительные масла, растворители, спирты.

Кўплаб кузатишлар шуни кўрсатдики, хом ашё, иккиламчи маҳсулот, оралиқ ва тайёр маҳсулотларнинг асосий сифат кўрсаткичларини аниқлаш услублари танланди. Пахта грануласини экстракциялаш жараёнига мойни ажратиб олиш босқичида (намлаш ва экстракциялаш) эритувчи табиатининг ўзига хослиги ҳамда грануланинг бурчак ва ён деворлар юзасидаги ички диффузия коэффитциентини ҳисобланди. Пахта мойи экстракциясининг селективлигини ошириш учун маълум эритувчини тавсия этилаётганга ўзгартириш орқали, экстракция жараёнининг самарадорлигини 10-12% оширди.

Таянч сўзлар: Поляр, органик, эритувчилар, кетонлар, диелектрик, ўсимлик мойлари, эритади, спиртлар.

Ўсимлик мойларининг органик эритувчиларда эрувчанлиги уларнинг баъзи бир хусусиятлари яқинлигидан намоён бўлади. Аввало бу хусусият ўхшашлиги эритувчиларнинг ва ўсимлик мойларининг электрик ўтказувчанлиги ёки уларнинг поляр ёки неполярлигида аксланади. Бу хусусият ўсимлик мойларининг диелектрик доимийлик коэффиценти билан белгиланади ва солиштириш учун қулай ҳисобланади. Оддий шароитда барча ўсимлик мойларининг диелектрик доимийлик коэффиценти 3,0-3,2 атрофида бўлади. Фақат канақунжут уруғидан олинган мойнинг таркибида рисонол кислотаси бўлганлиги учун, бу мойнинг диелектрик доимийлиги 4,6-4,7 га тенг. Органик эритувчиларга келсак, кўпчилик алифатик углеводородлар ўзларининг диелектрик доимийлиги билан ўсимлик мойларига ёндош келади ва бу қиймат 3-16 атрофида бўлади ўзгариши мумкин [1].

Бошқароқ қилиб айтганда эритувчи ва ўсимлик мойларининг электр ўтказувчанлиги нихоятда паст бўлиб, улар орасида ўзаро молекуляр тортиш кучлари Вандер-Валс назарияси асосида нихоятда бир-бирига яқинлигидан деб ҳисобланади. Шунинг учун узун углеводород радикали эритмаларда, яъни алифатик тўйинган улар водородлар гомолог қаторида яхши эрийди. Деярли барча тўйинган углеводородлар неполяр эритувчи туркумига киради [2].


Поляр эритувчиларга келсак, масалан, спиртлар, кетонлар ва бошқаларнинг диелектрик доимийлиги юқори бўлганлиги учун ўсимлик мойларини ёмон эритади ёки юқори температурагина лозим бўлган эритувчанликка эга бўлиши мумкин. Масалан, кетонлар туркумига кирувчи асетон (диелектрик доимийлиги $\epsilon=21,5$ га тенг) фақат, қуруқ ҳолатда ўсимлик мойларини эритади, лекин озгина намланиши билан эритувчанлик қобиляти сусайиб кетади, чунки сувнинг диелектрик доимийлиги юқори бўлиб, 81 га тенг. Шу сабабли мойларнинг сувда эрувчанлиги арзимас бўлиб, амалий жиҳатдан аҳамиятсиздир [3-5].

Хлорли углеводородларни оладиган бўлсак улар ҳам поляр эритмаларга хос бўлиб, мойларни ёмон эритиш лозим эди, лекин эритувчида галоген элементи борлиги сабабли диелектрик доимийлиги катта бўлишидан қатъий назар ўсимлик мойларини яхши эритади. Бундан келиб чиқадики, бир-бирига яқинлаштирилган триглицерид ва эритувчи молекулалари ўртасида ўзаро молекулалар тортиш кучлари нисбатан тенглашиш керак ва шу ҳолдагина турли қовушқоқликка эга бўлган суюқликлар бир-бирида чексиз аралашishi ёки эриши мумкин [5].

Метил, этил ва изопропил спиртлар хона ҳароратида ўсимлик мойларини қисман эритади, иситилганда мойнинг эриши ортади. Кастор мойининг эриши бошқа ёғлардан фарқ қилади. Хона ҳароратида бу мой бензин ва гександа ёмон эрийди, агар қиздирилса эриш тезлашади. Хона ҳароратида кастор мойи тоза этанолда ва метанолда яхши эрийди, бу мой таркибидаги рисонол кислотасининг спиртдаги ОН– гуруҳи билан боғ ҳосил қилиши билан тушунилади [6].

Ўсимлик мойлари кичик қутблиликка эга. Шунинг учун «қутбсиз» эритувчиларда (бензин, гексан, дихлоретан ва бошқа у.в.лар) яхши эрийди. Қутбсиз эритувчиларда мой ҳар қандай нисбатда аралашади.

Эритувчиларнинг қутбланганлигига боғлиқ ҳолда уларда мойларнинг ва сувнинг эрувчанлиги 1.1-расмда келтирилган қилинган.



1.1-расм. Турли эритувчиларда мой ва сувнинг эрувчанлиги.

ўзгартирмайди (масалан, коагуляция). Бу хусусият коллоид эритмаларни чин эритмалардан ажратиб туради. Мойли эритмаларнинг коллоид ҳолат кўрсаткичларига хос биргина хусусияти бу уларнинг структура қовушқоқлигидир.

Коллоид эритма деб ҳисоблашга асос шуки, ёғ эритмаларини анализ қилганда шу нарса маълум бўладики ёғни қовушқоқлигининг тузилиши коллоид ҳолатга яқиндир. Структура қовушқоқлиги мойдаги ҳамроҳ моддалар борлиги сабабли ва ҳарорат пасайиши билан мойдаги юқори ҳароратда эрувчан триглицеридлар ва бошқа моддалар ҳолатининг ўзгариши билан юзага келиши мумкин. Масалан кунгабоқар мойи таркибида тўйинган ёғ кислоталар кўплиги сабабли зиғир мойига нисбатан кўпроқ структура қовушқоқлигига эга.

Эритмалар табиати ҳақида эритувчида эриган моддаларнинг диффузия коэффициентидан фойдаланиб фикр юритиш мумкин. Масалан, 20°Cда экстракцион бензинда эритилган муҳим ўсимлик мойларининг молекуляр диффузия коэффициенти $0,59 \cdot 10^{-5} - 0,72 \cdot 10^{-5} \text{ см}^2/\text{с}$ га тенг, коллоид эритмаларда эса бу кўрсаткич анча паст.

Юқорида келтирилган далиллар ёғнинг эритувчидаги эритмаларини молекуляр эритмага яқин деб қарашга олиб келади. Мойларни органик эритувчилар билан аралаштирганда қуйидаги ҳодисалар кузатилади: эритма ҳажмининг ошиши, (зичликнинг камайиши); эритма қовушқоқлигининг камайиши, эритма устидаги буғ босимининг ортиши (1.2-расм).


Адабиётларда, соя мойини эритувчилардан бири билан аралаштирилганда қандайдир ижобий иссиқлик эффекти ҳосил бўлиши (бир хил оғирликдаги мой ва эритувчи аралаштирилганда ҳарорат 0,25–3,01°Cга ошади) ва бошқа эритувчилар билан эса аксинча бўлиши (0,67–3,00°Cга камаяди) кўрсатилган. Бироқ иссиқлик эффекти ҳақидаги у маълумотлар ушбу эритувчиларнинг бошқа хусусиятлари билан боғланмайди ва иссиқлик эффектларидаги фарқ сабаблари аниқланмаган. Мойларни эритувчилар билан аралаштирганда шу каби ҳодисаларнинг борлиги – шуни кўрсатадики, улар молекуласи орасидаги ўзаро таъсир мой ва эритувчи молекулаларининг ўзаро таъсиридан фарқ қилади. Буларнинг барчаси ёғнинг органик эритувчилардаги эритмаларини ўзининг айрим хоссалари билан идеал эритмалардан фарқ қилиб, Раул қонунига тўлиқ бўйсунмаслигини кўрсатади.

Экстракция вақтида мисцеллага ўтган ёғнинг ҳамроҳ моддалари унинг хоссаларига сезиларли таъсир кўрсатади, чунки улар мой таркибида коллоид заррача кўринишида бўлиши мумкин. Шундай қилиб, мисцелланинг айрим хоссаларини белгилаб берувчи,


Кунгабоқар, пахта, соя, зиғир ва бошқа кенг тарқалган мойларни триглицеридларининг молекуляр массаси 863-938 бўлади. Триглицеридлар молекуласининг шакли, таркибидаги ёғ кислоталар радикалига қараб ҳар хил бўлади. Уларнинг ўлчамлари коллоид заррачаларниқига ўхшаш бўлиб, коллоид хоссаларни намоён этмайди. Мойларнинг органик эритувчидаги эритмалари эса коллоид эритмаларга хос хусусиятларни намоён этмайди: агрегатив барқарорлигини осон

ажратиб олинган эритувчи ва мойнинг молекуляр эритмалари, ёғдаги ҳамроҳ моддаларнинг коллоид заррачаларига муҳит ҳисобланади.

Масалан, маълум концентрацияли мисцелла гидратланиши ва ундаги фосфатид эмульцияси ажралиши мумкин, чунки ундаги фосфорли бирикмалар коллоид ҳолатда бўлади. Мисцеллани дистиллятциялаш вақтида ҳосил бўладиган кўпик унда кўпикни барқарорлаштирувчи сирт фаол моддалар борлиги билан изоҳланади. Бу моддалар мисцеллада коллоид заррача кўринишида мавжуд бўлиши мумкин. Мисцелла хоссаларининг Раул қонунидан четланиши кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва бу четланиш айниқса юқори концентрациядаги мисцелла мисолида кўринади.



1.2-расм. Мисцелла (кунгабоқар мойи-экстракция бензини) устидаги эритувчи буғлари босимининг (p) 70°C да унинг концентратциясига боғлиқлиги



1.3-расм. Мисцелла феолик коэффитциентининг таркибига боғлиқлиги: 1-пахта мойи-техник гексан ($93,2^{\circ}\text{C}$ да); 2-кунгабоқар мойи-енгил фракцияли бензин.

Бу четланишлар эритувчи турига ва ҳароратга боғлиқ бўлиб, компонентлар активлигини мол улушига нисбатини ифодаловчи феолик коэффиценти билан характерланади.

Идеал эритувчилар учун феолик коэффиценти бирга тенг.

Пахта ва кунгабоқар мисцеллаларининг феолик коэффицентларини уларнинг таркибига боғлиқлиги 1.3-расмда келтирилган. Иккала эгри чизиклар бир туркумли бўлиб, эритувчининг миқдори ошиши, яъни мисцелла концентрацияси-нинг камайиши билан, “бир”га яқинлашади.

Бу эгри чизиклардан кўринадики, ўсимлик мойларини эритувчилардаги, хусусан бензин ва гександаги, эритмалари идеал эритмаларнинг хусусиятларидан сезиларли четлашади. Фақатгина мисцелла жуда суюлтирилган кўринишида бўлгандагина идеал эритма хоссаларига яқинлашади. Бунинг исботи сифатида тажриба ва аддитивлик қонунияти бўйича ҳисоблаб аниқланган нур синдириш кўрсаткичи, қовушқоқлик ва сирт тарангликлари орасидаги фарқларни келтириш мумкин.

Хом ашё, иккиламчи маҳсулот, оралик ва тайёр маҳсулотларнинг асосий сифат кўрсаткичларини аниқлаш услублари танланди. Пахта грануласини экстракциялаш жараёнига мойни ажратиб олиш босқичида (намлаш ва экстракциялаш) эритувчи табиатининг ўзига ҳослиги ҳамда грануланинг бурчак ва ён деворлар юзасидаги ички диффузия коэффитциентини ҳисобланди. Пахта мойи экстракциясининг селективлигини ошириш учун маълум эритувчини тавсия этилаётганга ўзгартириш орқали, экстракция жараёнининг самарадорлигини 10-12% оширди.

Адабиётлар

- [1]. Технология производства растительных масел. (В.М. Копейковский, С.И. Данилчук, Г.И. Гарбузова и др.): под. ред. В.М. Копейковского-М.: Легкая и пищевая промышленность. 1982. -416 с.
- [2]. Белобородов В.В. Основные процессы производства растительных масел. - Пищевая промышленность. 1966. - 478 с.
- [3]. Руководство по технологии получения и переработки растительных масел и жиров. -Л: ВНИИЖ, т-2, кн.1, 1975. -725 с; т-1, кн.2. 1974. -591 с.
- [4]. Маркман А.Л., Ржехин В.П. Госсипол и его производные. -М.: Пищевая промышленность. 1965. -244 с.
- [5]. Гавриленко И.В. Оборудование для производства растительных масел. - М.: Пищевая промышленность, 1972. -312 с.
- [6]. Леонтевский К.Е. Исследование основных процессов производства растительных масел и пути их совершенствования. Автореф. дисс. доктора технических наук. –Т.: 1964. -53 с.

ЙЎЛЛАРИМИЗ ХАҚИДА -- МЕЪМОРИЙ ЎЙЛАРИМИЗ

О.С. Сайдуллаев, К.Қ. Полотов

*Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 13.03. 2020 й.)*

(Фарғона вилоятида туризм ва автотуризмни (МОТЕЛЬ) ривожлантириши.)

Аннотация. Развитие туризма и автотуризма (МОТЕЛЬ) в Ферганской области.

Ключевые слова: "Мой сад", развития гостиничного туризма, Целевые параметры.

Abstract. Development of tourism and auto tourism (MOTEL) in Fergana region

Keywords: "Mygarden", development of hotel tourism, Target parameters.

Аннотация. Фарғона вилоятида туризм ва автотуризм (МОТЕЛЬ)ни ривожлантириши.

Таянч сўзлар: "Менинг боғим", меҳмонхона туризмини ривожлантириши. Мақсадли параметрлари.

Аллохнинг Фарғона водийсига берган гўзал табиат манзараси ва имконияларига кўра ислом оламида “Боғчам” деб таъриф берилганлиги бежиз эмаслигини Республикамизда яшаб турмуш кечираётган турли миллат вакилларида ташқари бошқа халқ миллат элатлари ҳам ушбу таъриф бежиз айтилмаганлига иқдор бўлиб келмоқдалар.

Чунки водий ахли тамонидан етиштирилган мева-ю сабзавотларимизнинг жаҳон бозорларида ширин ўзгача хуш мазалилиги билан бошқа юртларда етиштирилган анашундай махсулотларга нисбатан юқори талаб даражасида эканлиги хориж бозорларининг ҳозирги кунга қадар бериб келаётган юқори рейтинг даражасининг далолатидир.

Фарғона водийсида етиштирилаётган мева ва сабзавотларни харид қилаётган ўзга юрт фуқаролари албатда ушбу юртга бўлган қизиқишларини ортиб бориши, унинг табиати, халқининг турмуш тарзи қолаверса маданий меърос объектларини кўриб танишишлари учун Ўзбекистонга иштиёқлари йилдан йилга ортиб ташриф буюраётган сайёҳларнинг сони кўпайиб бораётганлигини статистик маълумот натижаларидан билса ҳам бўлади.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи ичида “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш концепцияси”ни амалга ошириш доирасида мамлакатга сайёҳлар оқимини оширишга доир тизимли ишлар амалга оширилди. Статистика маълумотларини ўрганиш натижалари Ўзбекистонга ташриф буйураётган сайёҳлар сони ўсишида юқори суръатларни намоиш этмоқда. Шундай қилиб, 2019 йилнинг тўққиз ойи давомида юртимизга келган хорижий сайёҳлар сони 4,9 миллион кишини ташкил қилган. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг худди шу даврига (2018 йилнинг 9 ойида – 3,9 миллион киши) нисбатан 26 фоизлик ўсишни кўрсатмоқда.

Ўзбекистонга турли минтақалардан келаётган хорижий меҳмонлар оқимининг ўсиш суръатлари турлича: Марказий Осиё ва МДХ мамлакатларидан ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар сонининг ўсиши 24,1 ҳамда 26,3 фоизни ташкил қилган бўлса, узоқ хорижий мамлакатлардан келаётган туристлар сони 54,8 фоизга ўсган.


Узоқ хориж ҳамда МДХ мамлакатларидан Ўзбекистонга саёҳат қилганлар орасида энг кўп ташриф Россия Федерацияси, Туркия, Афғонистон, Хитой, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлардан қайд этилган.

Батафсил: <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=813+>

Количество туристов в разрезе месяцев 2018 - 2019 гг. (тыс. чел.)



Страны дальнего зарубежья и СНГ, с самым высоким количеством туристов (тыс. чел.) в течение 9 месяцев 2019 и 2018 гг.



Статистик маълумотларни барча тизимлар бўйича келтириш мумкин.

Водийнинг анашундай сархатларида ястаниб ётган табиатнинг гўзал гўшаларидаги табиат манзараларини фан тилида ландшафт манзарасини томоша қилиш ундан бархаманд бўлиш, қолаверса қадим аждодларимиздан бизгача меърос бўлиб меҳр билан сақланиб келинаётган қадим халқимизнинг турмуш тарзи, маданияти, урф-одати, илм фан салоҳияти номоёндаларини, етишиб келаётган ёш авлод вакилларига қолаверса бутун дунё халқлари вакилларига янада кенгроқ тарғибот қилиш, кўрсатиш каби муқаддас вазифаларни амалга ошириш борасида бугунги кунда давлатимиз томонидан берилаётган ҳамда талаб этилаётган имтиёزلарни ишга солинаётир.

Шу ўринда Республикамиз Президенти томонидан 2016 йил 2 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида халқаро аэропортларда ва давлат чегараси

орқали ўтказиш пунктларида визаларни олиш, жумладан, транзит визаларни олиш тартибини сезиларли равишда соддалаштириш вазифаси белгиланган бўлиб ушбу фармон амалда бажарилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Проезидентининг 05.01.2019й. N ПҚ-4095сонли “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги” қарорида 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона-лар қуришнинг мақсадли параметрлари белгилаб берилган.

Мақсадли параметрлар

Худудларнинг номи	2018 йилдаги ҳолат		Меҳмонхоналар қуришнинг параметрлари								2021 йил якунидаги ҳолат	
			2019 йил		2020 йил		2021 йил		2019-2021 йилларда жами			
	сони		сони		сони		сони		сони		сони	
	Меҳмонхоналар	Хоналар	Меҳмонхоналар	Хоналар	Меҳмонхоналар	Хоналар	Меҳмонхоналар	Хоналар	Меҳмонхоналар	Хоналар	Меҳмонхоналар	Хоналар
Фарғона вилояти	67	1 350	12	237	28	515	43	780	83	1 532	150	2 882

Шу ўринда Фарғона водийсини Республикамиз пойтахти билан боғлаб турувчи “Қамчиқ” довони транзит йўл бўйларидаги табиатнинг гўзал ландшафт манзаралари; сайёҳларга, йўловчиларга ва автотуризм шайдоларига ўзгача хуш кайфият ҳамда тоза хавоси билан кўп йиллардан бери хузур бағишлаб хорижий сайёҳларни ҳам ўзига жалб қилиб келаётганини инобатга олган ҳолда Қамчиқ довони трассаси йўл бўйларида белгиланган тартибда ривожланган давлатлардагидай барча қулайлик ва сервисларга эга бўлган **“МОТЕЛЬ” (мотор-отель)** меҳмонхоналари, санатория-даъволаш масканлари ва бошқа инфратузилма объектлари инфратузилмасини ташкил этиб ушбу йўналишга давлат дастурлари орқали хатто йирик инвестиция лойиҳаларни жалб қилган ҳолда дунё миқёсидаги санаториялар, дам олиш масканлари, тоғспорта мажмуалари ва қолаверса тадбиркорларимизни ҳам жалб қилган ҳолда уларга имконият эшикларини очиб, ёшларни иш ўринлари билан таъминлаш ва бошқа кўплаб туризм соҳасидаги ижобий кўрсаткичларга эришиш ила миллий хорижий валюталар тушумини кўпайишига олиб келади.

Шу ўринда Олий таълим тизими йўналишида Самарқанда ва Тошкент “давлат архитектура ва қурилиш” олийгоҳлари ва вилоят олийгоҳларидаги архитектура мутахассислиги йўналишида тахсил олаётган талабаларга эса фан мавзулари кесимида давлат дастурига киритилган объектларнинг реал аэросъёмка ва топокарталар орқали жойнинг аниқ рельефларида талабаларга амалий ижодий лойиҳа ишларини бажартиришни йўлга қўйиш, уларнинг орасидан иқтидорли талабаларнинг яратган лойиҳа ишларини белгиланган тартибда рағбатлантириб бориш, газета журналларда нашр эттириш, уларни ривожланган давлатларга имтиёзли равишда малака ва кўникмаларини оширишларига юбориш масалаларини йўлга солиш орқали юртимизга келажак ижодкор архитектор, ландшафт архитектори-дизайнери иқтидорларини ҳам саралаб олишга имконият базасини яратишга эришган бўламиз.

Адабиётлар

- [1]. Александров А.Р. Международный туризм. М, Аспект Пресс. 2004
- [2]. Линн Ван дер Веген Гостиничный бизнес. Ростов на Дону.
- [3]. СНиП 2.07.01–89. Градостроительство. Планировка и застройка
- [4]. городских и сельских поселений. –М., 1989. – 57 с.
- [5]. СНиП 2.08.02–89. Общественные здания и сооружения. –М., 1989. –13 с.
- [6]. СНиП 2.01.02–85. Противопожарные нормы. –М., 1986. – 13 с.
- [7]. Асадов А. Р., Жаркова Т. В. Методическое пособие по проектированию гостиничных комплексов с учетом международных норм. АТМ СА РСФСР. –М., 1991. – 81 с.
- [8]. Барановский М. И. Туристические базы. –М., Стройиздат, 1976.–167 с.
- [9]. Духовный В. И. Мотели и кемпинги. –М., Стройиздат, 1975. – 122 с.
- [10]. Ольхова А. П. Гостиницы. –М., Стройиздат, 1983. – 174 с.

- [11]. Особенности проектирования туристских гостиниц в системе туристских маршрутов Туристические учреждения и их комплексы: Сб. науч. тр. ЦНИИЭП учебн. зд. –М., 1983. – 122 с.
- [12]. Проектирование гостиниц (обзор). ЦНТИ по гражданскому строительству и архитектуре. –М., 1976. – 50 с.

УДК: УДК: 05.06.02

АРРАЛИ ЖИНЛАШ СЕЛЕКТИВ ТЕХНАЛОГИЯСИНИНГ ДИНАМИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИНИ ТАҲЛИЛИ

Ю. Эргашев, А.Ш. Хусанова, М. Бабаева

*Фаргона политехника институту
(Қабул қилинди 29.10.2020 й.)*

Аннотация: Ушбу мақолада аррали жинлашда селектив технологик жараёнларида пахта хом ашёсини динамик характеристикаси ўрганилган, таъсир этаётган юкламалар, деформацияларни таъсири таҳлил қилинган.

Аннотация: Изученно динамических характеристик селективной технологии пильного дженирования и влияния степени прикращения волокон к семени. нагрузки на процес дженирования

Annotation: In this article, the dynamic characteristics of cotton raw materials in selective technological processes in sawing ginning are studied, the effect of impact loads, deformations is analyzed.

Калит сўзлар: Арра, тўлқин, тезлик, қирқим, деформация, кучли узилиш, кучсиз узилиш.

Ключовые слова: пилья, напряжения, селекций хлопка, степени прикращения, прочность.

Keys words: Saw, wave, speed, shear, deformation, strong break, weak break.

Анъанавий усулда пахта толасини чигитдан ажратиш технологик жараёнларини асосий афзаллиги ва камчилиги аррали жинлар ишчи камераси ичида пахта валигини ҳосил бўлишидир. Ишчи камера ичида пахта валигини ҳосил бўлиши пахтани чигитдан ажратиш жараёнини амалга оширилишининг асосий хусусиятидир. Ишчи камера ичидаги пахта валигининг зичлигини ошириш ёки камайиши ишчи камера ичига чигитли пахтани бир хил текисликда узатиб бериш технологик жараёнларига боғлиқ бўлиб тола ажратгичларнинг иш унумдорлигини ошишига олиб келади. Лекин толанинг сифат кўрсаткичларига тола таркибида калта толаларнинг ортиши, чигитнинг механик шкастланиши, тола таркибида пўстлокли толалар сонини ошишига олиб келади. Агар пахта валигининг зичлиги камайтирилса, толанинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлади. Лекин тола ажратишнинг иш унумдорлиги кескин тушиб кетади. Шунинг учун ҳам тола ажратгичларнинг истиқболли йўналишларидан бири тўғри оқимли тола ажратиш технологияларни яни, селектив технологияларни яратишдир. Бу йўналиш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб патентлар олинган. Аррали жинлашнинг селектив технологияларини асосий афзаллиги камера ичида пахта валигини ҳосил қилмасдан пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнидир. Бу соҳа бўйича биринчи лаборатория жинлари яратилиб натижалар олинди. Жинлашнинг селектив технологиясини асосий авзаллиги бунда пахта валигини ҳосил булмаслиги ва жинлаш жараёни бирданига тўртта жойда содир булиши.

Келтирилган хусусиятлар янги жинлаш жараёнини анъанавий усулга нисбатан бир неча авзалликларга эгалигини амалда курсатди. Булардан иш унумдорлигини ошишига ва пахта валигини ҳосил булишига ҳамда ишқаланишга кетган энергияни тежашга олиб келади. (маълумотларга кўра 90-95%)

Лекин икки усулда ҳам жинлаш жараёни пахтанинг селекциясига боғлиқ бўлиб, толанинг хусусиятларидан келиб чиқиб статик ва динамик деформациялари турли кўринишда бўлиши мумкин. Ундан ташқари толанинг мустаҳкамлиги ҳам асосий рўл уйнаб чизикли ёки чизиксиз бўлиши мумкин.

Агар элемент бирданига юкланишда деформация сакраш ҳолатда ўзгарса ҳосил бўлган тўлқин кучли узилиш хусусиятига эга бўлади. Агар деформация биринчи, иккинчи

ёки эркин ҳолда ўзгарса тўлқин кучсиз узилишга эга бўлади. Энг хавфлилиги бу кучли узилишли тўлқин бўлиб технологик жараёнларнинг урилишларда қайтарилади.

Тўғри оқимли жинлаш технологик жараёнларга таълуқли илмий ишларда ёритилиши бўйича чизиқли эгилувчи материаллар хусусиятидан тўлқин ва тезлик билан деформацияга нисбатан ҳаракатланади.


Агар пахта массаси колосникка урилиши юқори бўлса уни чексиз деб қабул қилиш мумкин. Агар бирикиш чегараси (қирқим 1 - 1) тола чигитга нисбатан мустаҳкамлилиги унга бирикиши динамик юкланишдан кам бўлса

$$[P_1] < \varepsilon_y E = \frac{V_0}{\alpha}$$

(1)

Бунда толани жинланиши керакли жойда содир бўлади. Бу билан танлаб олинган тезликка мос келади. Бу ҳолат (1)

шарт бажарилмаса унда тола арра тишига етиб бориб илиб олинади (қирқим 2-2) Тўсик олдида пайдо бўлади ва қайтади. Бунда узилиш тўлқинлари тўпланади.



1-Расм. Селиктив технологиянинг динамик характеристикасини аниқлаш схемаси.

$$\varepsilon_{y2} = \frac{2V_0}{\alpha} \quad (2)$$

ва бўлиши мумкин

$$[P_2] > [P_1] \quad (3)$$

Тахминан икки маротаба фақат тезлик V_0 ва толани чигитга маҳкамланиши юқори бўлса жинлаш жараёнида толани эшилиши кузатилади. Агар (2) бажарилмаса қайтувчи тўлқин 1-1 қирқимга қайтади яъни тўлқинлар қўшилиши содир бўлади.

$$\varepsilon_y = \frac{3V_0}{\alpha} \quad (4)$$

Яъни юкламалар йўқолиб ва ушбу шарт

$$[P_1] < \frac{3V_0}{\alpha} \quad (5)$$

Бажарилса толани жинлаш амалга ошади.

Хамма толалар учун (1) шарт бажарилса яхши, бошқа ҳолларда турли толалар учун (2) шарт албатта амалга оширилади. Шунинг учун келтирилган динамик ҳолат ҳақиқатга яқин бўлиб жинлаш жараёни юқори тезликда (10-12 м/с), амалга оширилади. 1- 1 Қирқимдаги жараён динамик деформатсия $\varepsilon_1 = 0,015-0,010$ билан таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда селектив технологияларни динамик характеристикасини ўрганиш, аррали жинлашни селектив технологик жараёни анъанавий жинлаш жараёнига нисбатан унумли ишлаш жараёнини кўрсатди. Сарфланаётган қувват асосан толани чигитдан ажратишга ва маълум бир қисми пахта бўлагини ва чигитни ҳаракатланишига сарф бўлади.

Адабиётлар

- [1]. Саримсақов А.У., Каримов А.И., Мурадов Р.М. Аррали жин ишчи камерасидаги жараёнларни амалий ва назарий статик ҳисоби // Механика муаммолари. – Тошкент, 2012. – № 2. Б. 60-63.
- [2]. Тилляев М. Исследования влияния ускорителя вращения сырцового валика на основные показатели процесса джинирования: Дисс. на соиск. учен. степ. канд. техн. наук. Ташкент, 1974.
- [3]. Саримсақов А., Эргашев Ж., Мурадов Р. Жин машинаси ишчи камерасида ҳосил бўладиган хомашё валигининг ҳолатини ўрганиш // ФарПИ. Илмий-техник журнали. – Фарғона, 2012. – № 2. Б. 34-37.

УДК 662.613.5

ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР МАРКАЗЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ИССИҚЛИК ИЗОЛЯЦИОН МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ТЕХНИК ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

А.Ш. Турсунов, Б.Б. Абдуллаев

Фаргона политехника институти

(Қабул қилинди 29.10.2020 й.)

Юртимизда энергетика тизимида олиб борилаётган ислохотлар, туб ўзгаришлар, янгидан барпо этилаётган ИЭСлар ва энергетика тизимига инвестиция сифатида кириб келаётган қурилмалар ва материаллар мавжуд.

Мақолада замонавий иссиқлик изоляцион материаллари тахлили асосида тавсия этилаётган “Изофулл” нано – иссиқлик изоляцион материалнинг хоссалари, иссиқлик-техник ва иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: “Изофулл” нано, иссиқлик изоляцион материал, хоссалари, тавсиялар, иқтисодий кўрсаткичлар.

Согласно реформам проводимым, а так же перемен в энергетическом хозяйстве Республики, в вновь вводимых ТЭС имеются установки и материалы создающиеся за счет инвестиций вводимых в энергетическую систему.

В статье приведены свойства нано-теплоизоляционных материалов «Изофулл», предлагаемых на основе анализа параметров и свойств современных теплоизоляционных материалов.

Ключевые слова: “Изофулл” нано, теплоизоляционный материал, свойства, рекомендация, экономические показатели.

According to the reforms being carried out, as well as changes in the energy economy of the Republic, in the newly commissioned thermal power plants there are installations and materials created through investments introduced into the energy system.

The article presents the properties of nano-thermal insulation materials "Isoful", proposed on the basis of the analysis of parameters and properties of modern thermal insulation materials.

Key words: "Isofull" nano, heat-insulating material, properties, recommendation, economic indicators.

Изофулл нано ИИМ суюқ керамик, сув асосида тайёрланган композицион материалдир. Материал микроскопик керамик ваакумли қобиклардан ҳамда турли қўшимчалардан иборат. Микроқобикларнинг ўлчами 0,01 ... 0,5 мм. Ҳар 1 мм да 50 минг дона микроскопик заррачалар мавжуд. Умуман олганда Изофулл нано қуйидаги асосий таркибга эга: юқори сифатли акрил боғловчи, котализатор ва керамик ўта юпқа ҳавосиз қобиклардан иборат.

ИИМ Изофулл нано ишлатишга тайёр материал бўлиб, уни ҳар қандай сиртларга, шу жумладан юқори температурали ва юқори босимли буг ўтказиш қувурларининг ташқи сиртларигага, бино ва иншоотларнинг юзаларига, иссиқлик ва ҳаво қувурлари сиртларига, турли технологик ускуналарда қўлланиши мумкин.

Уни ўзига хос хусусиятлардан бири,Изофулл нанони мураккаб шаклдаги жисмларнинг сиртига қоплаш мумкин. Изоляцион қатлам кейинчалик таъмирлаш ва текшириш пайтида ноқулайликлар келтириб чиқармайди.

Иссиқлик тармоқларида анъанавий ИИМ қўлланилганда баъзи жойларни изоляция қилиб бўлмайди, натижада иссиқлик исрофлари ортади.

Изофулл нано қопламаси иссиқлик исрофларини кескин камайтиради.

Изофулл нанонинг эксплуатацияси даври камида 15 йил. Уни бетон ва металл юзалардаги климатик синовлари натижалари шуни кўрсатадики, ўрта ва ўрта – совуқ мухитларда Изофулл нано ўзини химоя ҳамда декоратив хусусиятларини камида 15 йил сақлайди.

Изофулл нано ИИМ қуйидаги 8 та муаммони самарали хал қилади:

1. Сифатли иситиш;

2. Сиртларни химоя қилиш (бўяш);
3. Конденат ва коррозияни бартараф этиш;
4. Замбуруғ ва пўпанак ҳосил бўлишдан химоя қилиш;
5. Яхлит қоплама ҳосил қилади;
6. Яшаш биноларида сиртларни қоплаш мумкин;
7. Таъмирлаш ишлари қисқа ва осон;
8. Иситилаётган объектнинг юзаси кичик;

Иссиқлик узатувчи қувурлар учун иссиқлик изоляция материалларни тўғри танлаш ва айниқса унинг зарур қалинлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Юқоридаги масала тўғри ҳал этилса иссиқлик исрофлари камаёди, энергия ва ёқилғи сарфлари тежалди ва умуман олганда иқтисодий самарадорликка эришилади.

Иссиқлик изоляция материалнинг оптимал қалинлигини техник – иқтисодий ҳисоблар орқали аниқланади. Амалда изоляция қатламининг қалинлигини уни термик қаршилигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади, масалан,

$$D \leq 25 \text{ мм учун } R = 0,86 \quad ^\circ\text{C}\cdot\text{м}^2/\text{Вт},$$

$$D \geq 25 \text{ мм учун } R = 1,22 \quad ^\circ\text{C}\cdot\text{м}^2/\text{Вт}.$$

Қувурлар иссиқлик изоляциясининг сифати унинг Ф.И.К. орқали аниқланади.

Бугунги кунда иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,1 Вт/м·К гача бўлган оптимал қалинликдаги ИИМ иссиқлик самарадорлиги 0,8 (80°/0 самарадорлиги) га тенг.

Цилиндрик девор (қувур) учун изоляция конструкциянинг тўлиқ термик қаршилиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$R = \frac{1}{2\lambda_{из}} \ln \frac{d_{из}}{d_H} + \frac{1}{\alpha_B d_{из}}$$

Иссиқлик оқимининг чизиқли зичлиги:

$$q_1 = \frac{t_H - t_{из}}{R_1}$$

Изоляцияланган қувур ички деворининг температураси:

$$t_{ст} = t_H - \frac{q_1}{\pi} \left(\frac{1}{\alpha_g \cdot d_B} + \frac{1}{2\lambda_t} \cdot \ln \frac{d_H}{d_B} \right)$$

ИИМлар ўзига хос хусусиятларга эга. Шу хусусиятлари туфайли улар узоқ вақт ишлатилиши мумкин. Сифатли изоляция иссиқлик исрофларини кескин камайтиради.

ИИМ нинг асосий кўрсаткичларини батафсил кўриб чиқамиз.

1. ИИМ нинг асосий кўрсаткичи иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентидир. Бу катталиқ қанча кичик бўлса, шунча яхшидир.
2. ИИМ нинг ўртача зичлиги:

$$\rho = \frac{m}{V}; \quad \frac{K^2}{M^3}$$

ИИМ нинг ўртача зичлиги бошқа қурилиш материалларининг зичлигига қараганда анча кичикдир. Бунга сабаб ИИМ да ғоваклар кўплигидир.

Ишлатилиш температурасида ИИМ нинг ўртача зичлиги қанчалик кам бўлса, унинг иссиқлик изоляция хусусиятлари шунча яхши бўлади.

Материалнинг ўртача зичлигини камайтиши унинг ғоваклигини орттиради.

Ғовакларни материал ичида бир текис тақсимланишига қараб унинг асосий хусусиятлари (совуққа чидамлик, сорбцион намлик, мустаҳкамлик, сувни синдириши, иссиқлик ўтказувчанлик) ўзгаради.

Ғоваклар ўлчамлари кичик ва тенг тақсимланган материалларнинг иссиқлик изоляция хусусиятлари юқори бўлади.

3. ИИМ яна бир хусусиятларидан бири намлик – материалда суюқликни тўпланиши.

Иссиқлик изоляцион ва иссиқлик ўтказувчи материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги намлик кўпайиши билан кескин ортади. Табiiй ҳаво муҳотида турган капилляр-бўш структурага эга бўлган материалларда ҳар доим маълум миқдорда намлик бўлади. Нам ҳаво таркибидаги сув буғлари қуруқ материалнинг молекуляр кучлари таъсирида сиртда юпқа сув қатлами кўринишида конденсацияланади. Материал сиртидаги сорбцияланган намлик ҳаводаги сув буғлари босими билан мувозанат ҳолатига келганда, намлик аста-секинлик билан материал ичига киради. Агар материал температураси ва нисбий намлиги ўзгармас бўлган ҳаволи муҳитда турса, у ҳолда унда намлик миқдори ўзгармайди. Бундай намликка сорбцион намлик деб айтилади.

4. ИИМ нинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири сувни ютишидир, яъни материал бевосита сув билан таъсирланганда намликни сингиши ва ғовакларда ушланиб қолиши. Бу катталик маълум бир вақт давомида сувда турган материал томонидан ютилган сув миқдорини қуруқ материалнинг солиштирма массасига нисбати орқали аниқланади.

Материал қанчалик намликни ютса, унинг иссиқлик ўтказувчанлиги шунчалик ортади. Бунга сабаб шуки, сув материал ичида ғовак ва бўшлиқларни эгаллаб, ҳавони сиқиб чиқаради.

Сувни иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти ($\lambda=0,58$ Вт/м · К) ҳавога қараганда тахминан 25 марта катта эканлигини эътиборга олсак, ИИМ иссиқлик ўтказувчанлиги кескин ортади.

Агар атроф-муҳит температураси 0°С дан пасайса, ғоваклардаги сув музлайди, натижада материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги яна ортади, чунки музнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ($\lambda=2,2$ Вт/м · К) ҳавонинг иссиқлик ўтказувчанлигидан 100 марта каттадир.

Шиша толали ва минерал ватали ИИМ таркибига кремнийорганик қўшимчаларни киритиш (гидрофобизация) сув ютилишини анча камайтиради.

Агар материал сув билан таъсирлашганда умуман намланмаса, демак материал гидрофоб хусусиятига эга эканлигидан далолат беради.

5. ИИМ нинг яна бир хусусияти совуққа чидамлилиқ – яъни материални сувни музлаши ва эриши давомидаги температуралар таъсирида ўзининг изоляцион хусусиятларини сақлашидир.

6. ИИМ механик хусусиятларидан бири мустаҳкамлик.

Бу катталик ёриқ ҳосил бўлишга, чўзилиш, букилиш, сиқилишга қаршилиқ орқали аниқланади. Материални мустаҳкамлиги ташқи кучлар таъсири натижасида ҳосил бўладиган емирилишга қаршилиқ қилиш хусусиятидир. Маълумки, ташқи кучлар таъсирида материалда ички кучланишлар ва деформациялар келиб чиқади.

Бу хусусият материалнинг структурасига, ғоваклигига боғлиқдир.

Агар материал тузилиши катта ва тенг тақсимланмаган ғоваклардан иборат бўлса, унинг мустаҳкамлиги паст бўлади.

7. ИИМ нинг ишлаш муддати асосан қатламнинг кимёвий чидамлилигига боғлиқдир. Айниқса бу катталикка ишлаб чиқариш ускуналарини иситиш учун ИИМ танлашда алоҳида эътибор бериш лозим.

8. ИИМ нинг тутун ҳосил қилиши, ёнганда захарли газларни чиқариши. ёниш хусусиятларини ҳам эътиборга олиш зарур.

Изофулл нанонинг барча модификациялари учун унинг сарфи бир хил бўлиб, у бир неча факторларга ва асосан қоплаш усулига ҳамда сиртнинг ҳолатига боғлиқ.

Лаборатория шароитида (сирт ҳолати ва қоплаш усули эътиборга олинмаган ҳолда) Изофулл нано ИИМ нинг сарфи 1 мм. қоплама қалинлигида 1м² га 1 литрга тенг. Материалнинг ҳақиқий сарфи лаборатория шароитига қараганда кўпроқ (лаборатория шароитига нисбатан % да) бўлади:

1. Шамолсиз об-ҳавода вертикал металл сиртларга шётка билан қопланганда – 3-5 %;

2. Шамолсиз об-ҳавода вертикал бетон сиртларга шётка билан қопланганда – 5-10 %;
3. Шамолсиз об-ҳавода вертикал металл сиртларга пуркагичлар ёрдамида қопланганда – 15-25 %;
4. Шамолсиз об-ҳавода вертикал бетон сиртларга шётка билан қопланганда – 35-45 %

Шу билан биргаликда ортикча сарфларга яна қуйидаги сарфлар таъсир этади:

- Қувур диаметри;
- Сиртнинг ғадир-будурлик даражаси;
- Суртиш усули;
- Бўёқчининг тайёргарлик даражаси;
- Об-ҳаво шароити [9].

Тадқиқот олиб борилаётган буғ ўтказиш қувурининг узунлиги 900 м, диаметри 426 мм ва температураси 270°С ва атроф-муҳит температураси - 25°С (ўрта ҳисобда) бўлган шароит учун минерал вата ва Изофулл нанонинг иқтисодий самарадорлигини таққослаймиз.

3.1-жадвал

Иқтисодий самарадорлигини таққослаш жадвали

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	Минерал вата	Изофулл нано	Фарқи, (%)
Қатлам қалинлиги	Мм	300	8	292 (97,3%)
Иссиқлик ўтказувчанлик	Вт/м·К	0,042	0,025	0,017 (40%)
Монтаж нархи (материал+иш)	Сўм/м ²	≈600000	≈532000	≈68000 (12%)
Ишлаш муддати	Йил	5	15	10
Иссиқлик исрофлари	ккал/соат	13273	7374	5899 (44.4%)
Бир йил мобайнида йўқотилган иссиқлик.	ккал/йил	116271480 (116.3 Гкал)	64596240 (12.4 Гкал)	51675240 (44.4%)

1. Жадвалдан кўриниб турибдики, Изофулл нано ИИМ ни монтажида иш ҳажми озлиги ва қоплаш муддати қисқалигидан 12 % иқтисодий самарадорликка эришилади.

Фарғона иссиқлик электр марказидан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводигача бўлган узунлиги 900 м.ни ташкил қилган қувурни материал нархини ҳам ҳисобга олинганда монтаж учун сарф қуйидагини ташкил қилади:

Агар 900 м.ли қувурни диаметри 426 мм. эканлигини ҳисобга олсак қувур айланасининг узунлиги ва қувурнинг узунлигидан яъни:

$$2\pi RL=2*3.14*0.213*900=1204 \text{ м}^2 \text{ эканлигини топамиз.}$$

$$\text{Минвата: } 1204 \text{ м}^2 \cdot 600000 \text{ сўм/м}^2 = 722400000 \text{ сўм.}$$

$$\text{Изофулл нано: } 1204 \text{ м}^2 \cdot 532000 \text{ сўм/м}^2 = 640528000 \text{ сўм}$$

Ҳар иккала ИИМ нинг нархини таққослайдиган бўлсак бир марталик монтаж жараёнида 81872000 сўм иқтисод қиляпмиз.

2. Бир йил давомида 900 м. қувур узунлиги бўйича 7мм. қалинликдаги Изофулл нано қўлланилганда минерал ватага нисбатан иссиқлик исрофлари 44,4 % кам бўлади.

Фарғона иссиқлик электр марказидан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводигача бўлган узунлиги 900 м.ни ташкил қилган қувур учун:

$$\text{Минерал вата: } 116.3*40000=4652000 \text{ сўм/йил}$$

$$\text{Изофулл нано: } 64.6*40000=2584000 \text{ сўм/йил}$$

Бир йил давомида Изофулл нано қўлланилганда 2068000 сўм тежалади, яъни минерал ватага нисбатан 55,5 % кам. Монтаж давомида Изофулл нано қопламасини қоплаб 81872000 сўм иқтисод қиламиз.

Изофулл нанонинг иссиқлик-физик хусусиятлари юқорилигини ҳамда эксплуатация даври 15 йил эканлигини ҳисобга олиб, йилига 2068000 сўмлик шартли ёқилғини тежайдиган бўлсак 15 йилда 31020000 сўм иқтисод қилинади. Бундан ташқари минватани ҳар беш йилда демонтаж қилиш керак эканлигини олсак, бир марталик демонтаж сарфини яъни, 722400000 сўмни иқтисод қиламиз.

Юқоридаги ҳисоб-китоблар натижасига кўра қуйидагидек хулоса қилиш мумкин:

1. Изофулл нано – ИИМ ни қўлланиши натижасида монтаж, қоплаш ҳамда эксплуатацияси вақтида иқтисодий самарадорликка эришилади.

2. Изофулл нанонинг иссиқлик-физик хусусиятлари юқорилигини ҳамда эксплуатация даври 15 йил эканлигини эътиборга олиб, уни иссиқлик узатиш тармоқлари изоляциясида қўллаш юқори самара беради деб ҳисоблаш мумкин.

Адабиётлар

- [1]. Аббосов Ё.С., Умурзақова М. «Иссиқлик энергетик қурилмалари». Ўқув қўлланма ФАРФОНА, 2002 й.
- [2]. Аббосов Ё.С., Умурзақова М. «Иссиқлик энергетик қурилмалари». Ўқув қўлланма ФАРФОНА, 2002 й.
- [3]. Апальков А.Ф. Теплотехника. – Ростов н/Д: Феникс, 2008.
- [4]. Баскаков А.П., Павлюк Е.Ю. Техническая термодинамика: учебное пособие. Екатеринбург, 2010
- [5]. Богословский В.Н. Сканава А.И., Отопление М., Стройиздат 1991.
- [6]. Ионин А.А. и др., Теплоснабжение. М.: Стройиздат, 1982.
- [7]. Лариков Н.Н. Теплотехника. Учебник для ВУЗОВ М.: Стройиздат, 1985
- [8]. Ляшков В.И. теоретические основы теплотехники: учеб. Пособие для вузов/В.И. Ляшков.-М.: Высш. Шк., 2008
- [9]. Ривкин С.А. Александров А.А. Термодинамические свойства воды и водяного пара: справочник. М.: Энергоатомиздат, 1984
- [10]. Техническая термодинамика и теплотехника: учеб. пособие для вузов/ Л.Т. Бахшиева, Б.П. Кондауров, А.А. захаровой.-М.: Академия, 2008.

НАСОС СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ЮРИТМА ТИЗИМЛАРИНИ ИШГА ТУШИРИШНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

Усмонов Ш.Ю., Султонов Р.А., Кучкарова Д.Т.

*Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 22.10.2020 й.)*

Мақолада насос станцияларида қўлланилувчи насосларни иш режимлари уларни ишга туширишда йўл қўйиладигон хатоликларда ҳосил бўлган йўқотишларни ҳисоблаш асосида математик моделларни қуришга асосланган. Насос станцияларининг энергетик бошқарувида қўлланилувчи электр юритма тизимларини яхшилаш ва математик моделлари асосида энергия тежамкор усулларни қўллашга тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: *Электр юритмалар, насослар, суюқлик оқими, частота ўзгарткич, математик модел, МАТЛАБ симулнк, алгоритмик блок ва насос блоки.*

Работа основана на построении математических моделей на основе расчета потерь от ошибок в работе насосов, используемых на насосных станциях. Разработаны рекомендации по совершенствованию систем электропривода, применяемых в энергоменеджменте насосных станций, и применению методов энергосбережения на основе математических моделей.

Ключевые слова: *Электроприводы, насосы, поток жидкости, преобразователь частоты, математическая модель, МАТЛАБ симулнк, алгоритмический блок и блок насоса.*

The work is based on the construction of mathematical models based on the calculation of losses from errors in the operation of pumps used at pumping stations. Recommendations have been developed for the

improvement of electric drive systems used in the energy management of pumping stations and the use of energy saving methods based on mathematical models.

Key words: Electric drives, pumps, fluid flow, frequency converter, mathematical model, MATLAB simulink, algorithmic block and pump block.

Ҳозирги вақтда насос станцияларидаги электр юритма тизимлари ва автоматлаштирилган тизимлардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Шунга асосан бошқариш тизимлари ва тизимларини ўз-ўзини сошлаш ва автоматик оптималлаштириш сезиларли даражада кенгайиб бормоқда. Янги ташкил қилинган насос станцияларда частота билан бошқариладиган электр юритмалар барча насос қурилмаларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Замонавий электр юритма ва автоматик бошқариш тизимлари билан жиҳозланган насос станциялари самарадорлиги қуйдаги асосий таркибий қисмда намоён бўлади:

- белгиланган статик ва динамик босим қийматларини линиядаги суюқлик оқимининг ўзбошимчалик билан ўзгариши,

- Юқори босим ва гидравлик зарба кўринишидаги ҳодисаларни минималлаштириш;

Насос станцияларини назорат қилиш тизимларини яратиш ва ушбу технологияларни қўллашда ишлаш кўрсаткичларини баҳолаш асосий намоён бўлувчи ҳодисалар ҳисобланади ва уларнинг математик моделлари асосида тавсифланади. Математик моделлаштириш қисмида таркибий ва параметрик синтезда ишлатиладиган комплекслар блокларини йиғиш ва блоклар ва станциялар учун бошқарув тизимларини вариатив оптималлаштириш мақсадида насос агрегати ва насос станцияларини таркибий қисмларининг математик моделлари базаси ишлаб чиқилади. Насос станцияларида электр юритмаларни автоматик бошқаришда автоматлаштирилган тизимларни таркибий қисмлари доимий иш режимини бошқариладигон тизимлар мажмуасидан ташкил топган бўлади. Насослар, электр моторлари, частота ўзгартиргичлари, маълумотни ўлчаш ва бошқариш воситалари. Насос станцияларини таркибий қисмлари эса қуйидагилардир бирликлар ва магистрал ўртасидаги алоқанинг технологик таркибий қисмлари, ўзгарувчиларни бошқариш компонентлари ўзгарувчан бирликларининг нисбати.

Насос станцияларидаги насос моделлари (X_1 , X_2 модуллари) айланиш частотасини ўзгартириш унинг барча иш параметрларининг ўзгаришига олиб келади. Бунда биз шунга ўхшаш ҳолатлар ёрдамида амалдаги тезликка мувофиқ насоснинг хусусиятларини қайта ҳисоблашимиз мумкин бўлади.

$$\begin{aligned} p_i &= k_p w_i^2 & Q_i &= k_Q w_i \\ M_i &= k_M w_i^2 & P_i &= k_P w_i^3 \end{aligned}$$

бу эрда p_n , K_n , M_n , P_n , ω_n босими, қувват, статик қаршилик ва юк моменти, қувват сарфи ва насос тезлиги.

Ҳисоб-китобларнинг қулайлиги учун босим билан боғлиқ бўлган қуйидаги формула асосида ҳисоблаш мумкин бўлади.

$$p_i = H_i \cdot \rho \cdot g$$

Ўзгарувчан тезлик билан ишлайдиган насоснинг босим характеристикаси квадратик парабола тенгламаси билан тавсифланади:

$$p_i = p_0 \left(\frac{w_i}{w_{ном}} \right)^2 - R_{нас} \cdot Q_i^2$$

- [7]. «Проблемы современной науки и образования» 2019. № 12 (145). Часть 2 Российский импакт-фактор: 1,72 НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ «Алгоритм расчета железобетонных балок прямоугольного сечения с односторонней сжатой полкой» - 2019. - № 12 (145). 50 – стр. Мирзаахмедов А.Т., Мирзаахмедова У.А.
- [8]. «Проблемы современной науки и образования» 2019. № 11 (144). Часть 2 Российский импакт-фактор: 1,72 НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ «Температурные прогибы железобетонных балок в условиях воздействия технологических температур» – 2019. – №. 11-1 (144). 51-стр.
- [9]. ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal) ISSN: 2249-7137 Vol. 10 Issue 5, May 2020 импакт-фактор: 7,13
- [10]. STRENGTH OF BENDING REINFORCED CONCRETE ELEMENTS UNDER ACTION OF TRANSVERSE FORCES UNDER INFLUENCE OF HIGH TEMPERATURES. Mahkamov Y.M., Mirzababaeva S.M. 617-24 –стр.

ВЫБОР ЗУБЬЕВ КОВШЕЙ ОДНОКОВШОВЫХ ЭКСКАВАТОРОВ ЗАВИСИМОСТИ ОТ УСЛОВИЙ ЭКСПЛУАТАЦИИ

А.Н. Рузйбаев, Н.И. Отабоев, Н.Г. Обидов, Ф.О. Тожибаев

Ферганский политехнический институт, Узбекистан, г. Фергана.
(Получена 2.07.2020 г.)

This article discusses the choice of bucket teeth for single-bucket excavators, depending on the operating conditions. It is considered that when choosing the teeth of excavator buckets, it should be linked with the main provisions of the theory of the destruction of solids. The improvement of equipment has been studied - economic indicators of excavators are possible in the direction of increasing their productivity, reducing weight, reducing energy consumption and increasing the durability of a number of units and parts. Specific recommendations are given on the performance of excavators, which is affected by the dynamic factor, which is taken into account by the dynamic coefficient.

Key words: Intensity, wear, tooth, bucket, excavator, abrasiveness, shape, environment, dynamism, soil, durability.

Статья посвящена изучению износа зубьев ковшей горных экскаваторов. Предлагаются требования к ковшовым зубам, изменение их конфигурации и размера. Изучено влияние абразивности

развитой среды на износ. Даны конкретные рекомендации по снижению износа зубьев ковша экскаватора.

Ключевые слова: Износ, зуб, ковш, экскаватор, абразивность, материал, окружающая среда, карьер, форма, долговечность.

Ушбу мақолада бир чумичли экскаваторлар учун эксплуатация шароитларидан келиб чиққан ҳолда тишларни танлаш кўзда тутилган. Экскаватор учун тишларни танлашни қаттиқ жисмларнинг парчаланиши тўғрисидаги назариянинг асосий қоидаларига боғлаш талаблари кўриб чиқилган. Техникани, экскаваторларнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш - уларнинг самарадорлиги ошириш, оғирлигини, энергия сарфини камайтириш ва қатор деталлар ҳамда узелларнинг чидамлилиги ошириш йўли орқали мумкин бўлиши ўрганилган. Экскаваторларнинг иш қобилиятига динамик коэффициент билан ҳисобланадиган динамик факторига таъсир қиладиган реал таъсиялар берилган.

Таянч сўзлар: Жараён, ейилиш, тиш, чўмич, экскаватор, абразивлик, шакл, мухит, динамиклик, грунт, чидамлик.

Одной из основных рабочих задач при проведении крупномасштабных горных и карьерных работ является повышение долговечности процесса и ковшового подъема, безопасности одноковшовых экскаваторов прямого действия. Интенсивность процесса напрямую связана с объемом его энергоемкости выработки энергии. Объем определяется энергопотреблением источников, которое может быть одолено приводом основного экскаватора. Вы можете определить основные факторы сопротивления, которые влияют на сопротивление копанью:

- физико - механические свойства разрабатываемого массива;
- конструктивные параметры рабочего оборудования;
- кинематическая схема экскаватора с разными приводами;
- квалификационное управление и качество подготовки забоя.

Поэтому, определяя влияние геометрии и формы рабочего оборудования, а именно зубьев и ковшей на усилия копания и энергоемкость рабочего процесса, поиск новых конструктивных технологических схем является актуальной задачей. При подборе зубьев ковшей экскаваторов необходимо обратиться к основным положениям теории разрушения твердых тел. В процессе относительного движения двух непрерывно соприкасающихся зуба с твердой породой следует различать скорость относительного движения контактирующих точек $V_{отн}$, скорость перемещения взорванной породы по поверхности зуба V_{1-2} и скорость перемещения зуба по поверхности породы V_{2-1} . Величины последних двух скоростей, как правило, не равны между собой и зависят от относительной скорости трущихся тел и их формы. Изучение скорости относительного перемещения частиц в активной зоне нефиксированного абразива следует рассматривать как дисперсную среду. [2]

Улучшение технико – экономических показателей экскаваторов возможно по линии увеличения их производительности снижения веса, уменьшения энергоёмкости и увеличения долговечности ряда узлов и деталей. На работоспособность экскаваторов влияет динамический фактор который учитывается динамическим коэффициентом:

$$K_o = \frac{\sigma_o}{\sigma}$$

K_o - динамическом коэффициентом конструкции.

σ_o - действительные (нагрузки) напряжения.

σ - напряжения статические приложении.

Сопротивления грунта резанию направленная по касательной к траектории R_p

Для средних значений $\mu_1 \approx 0,5$; $y = 4z$

μ_1 = коэффициент трения ковша в грунта.

y, z – размеры, определяющие площадку притупления (износа) зубьев.

$R_p = k_1 B h (0,7 + 0,015 \alpha) + 3 k' z n_1 a$

где, k_1 – удельное сопротивление грунта резанию (от категории грунта)

k' – предельная несущая способность грунта равна $k' \approx 0,7$ с кг/см²

n_1 – число зубьев на ковше

a – ширина зуба

α – угол резания

B – ширина ковша

h – толщина стружки

А-1 траектория вдавливание камня, А-2 траектория движения камня с ковшом, А-3 вдавливание камня в грунт.

Предположим, что ковш двигающийся в забое с срезающей стружку толщиной h встречает на своём пути в точке О камень или другой твердый предмет в форме шара с диаметром D , жёсткость которого весьма велика по сравнению с жёсткостью грунта и канатов экскаватора. Очевидно, что величина и характер изменения сопротивления грунта копанию при встрече с таким твёрдым предметом будет зависеть в значительной мере от его размера и направления его движения камня (А-1-2-3) будет зависеть от расположения точки соприкосновения с ним зубьев ковша и от направления движущегося усилия. Камень может быть выдавлен (траектория А-1) это, очевидно будет происходить чаще всего тогда, когда точка приложения движущего усилия будет лежат справа от точки О, а размеры камня не будут превышать $D = 2h$. Камень может продолжать движение в месте с ковшом (траектория А-2). (Рис 1) Это будет чаще всего наблюдаться тогда, когда точка приложения движущего усилия будет близка к средней части камня (точка О), а размеры его будут

$$D \approx (2 \div 3)h$$

Камень вдавливается в грунт (траектория А-3), это произойдёт тогда, когда точка приложения движущего усилия будет слева от точки О, а размеры камня будет значительным $D > 2h$

В первом случае, когда размеры камня невелики по сравнению с толщиной стружки и он быстро выдавливается, не будет происходить существенного изменения сопротивления копанию и не получится значительных динамических перегрузок.

Дополнительное сопротивление от камня во втором случае будет соответствовать начальной величине дополнительного сопротивления для третьего случая.

Величина дополнительного сопротивления резанию в этом случае определяется.

$$\Delta R_p = K_1 D(D-h) (0,7 + 0,015\alpha' + 3/2 K'D^2)$$

Положив угол срезания стружки камня $\alpha \approx 85^\circ$ и заменив значения K_1 и K' через (дополнительные) сопротивления грунта копанию K или через показатель плотности ДОРНИИ формулу можно написать в виде:

$$\Delta R_p = K(D-h) + 0,147KD^2$$

$$\Delta R_p = 0,14CD(D-h) + 1,05D^2C$$

Полное сопротивление копанию в направлении касательной составляющей с учётом ΔR_p выраженное посредством основной зависимости можно написать соответственно в виде:

$$R_p^k = K[(B-D)h + D(D-h) + 0,147D^2]$$

$$R_p^k = C[0,14(B-D)h + 0,14D(D-h) + 1,05D^2]$$

Выражая B через q и D через h_{cp} ($D = ih_{cp}$) формулы можно переписать в виде:




Рис 1. Процесс копания каменистых грунтов с ковшом.

$$R_p^k = 7k(17\sqrt[3]{q} + 12iD - 0,28D)h$$

$$R_p^k = c(17\sqrt[3]{q} + 12iD - 0,28D)h$$

Из этих формул видно, что сопротивление R_p^k возрастает с увеличением толщины стружки. Если остановка ковша произойдет при незначительном перемещении его после встречи с камнем, то изменением угла резания α и соотношения $\frac{\gamma_k}{\gamma_n}$ резки дозволено

пренебречь. Помимо того, для целей проектирования нужно уметь оценивать допустимые максимальные динамические нагрузки, испытываемые элементами экскаватора при работе на разных грунтах. Следственно нужно разглядеть ряд допустимых случаев остановки ковша и оценить жесткость грунтов в направлениях сил подъема и давления ковша в разных грунтах при максимальных динамических нагрузках в конструктивных элементах экскаватора. [1]

Выводы. Из-за небольшой продолжительности деформации соударяемых тел можно принять, что совместное движение ковша и препятствия начнётся до того, как произойдёт сколько-нибудь существенная деформация грунта препятствием. Дальнейшее движение ковша совместно с препятствием при внедрении последнего в грунт завершится стопорением ковша. При энергетическом методе расчёта весьма существенной является правильная оценка действительного характера удара, выбор коэффициента восстановления скорости K при ударе. Исходя из этой зависимости, в качестве расчётного значения K может быть рекомендована его величина в пределах 0,3...0,4. При меньших значениях K расчёт даёт результаты, мало отличающиеся от случая неупругого удара. При больших значениях резко снижается величина расходуемой на деформацию рабочего оборудования энергии удара и такой удар становится менее опасен. Из этих формул видно, что сопротивления увеличивается по мере роста толщины стружки. Если остановка ковша произойдет при незначительном перемещении его после встречи с камнем, то изменением угла резания и соотношения можно пренебречь. В месте с тем для целей проектирования нужно уметь оценивать возможные максимальные динамические нагрузки, испытываемых элементами экскаваторов при работе в различных грунтах. Поэтому надо рассмотреть ряд возможные случаев остановки ковша и сделана оценка жёсткости грунтов в направлениях подъёмного и напорного усилий работы ковша в различных грунтах на предельные динамические нагрузки в элементах конструкции экскаватора. [1]

Выводы. Из-за небольшой длительности деформации соударяемых тел можно принять, что совместное движение ковша и препятствия начнётся до того, как произойдёт сколько-нибудь значительная деформация грунта препятствием. Последующее движение ковша совместно с препятствием при внедрении последнего в грунт завершится стопорением ковша. При энергетическом способе расчёта весьма существенной является положительная оценка действительного характера удара, выбор показателя поправления скорости K при ударе. Исходя из этой зависимости, в качестве расчётного значения K может быть рекомендована его величина в пределах 0,3...0,4. При меньших значениях K расчёт даёт результаты, мало отличающиеся от случая неупругого удара. При огромных значениях резко снижается величина расходуемой на деформацию рабочего оборудования энергии удара, и такой удар становится менее опасен.

Список литературы:

- [1]. Баловнев В. И. и др. Дорожно-строительные машины и комплексы //Омск: Изд-во СибАДИ. – 2001.
- [2]. Волков Д. П., Густов Ю. И., Шукуров Р. У. Износостойкие зубья землеройных машин для Средней Азии //Строительные дорожные машины, Москва. – 1987. – №. 10. – С. 8.
- [3]. Домбровский Н. Г., Гальперин М. И. Строительные машины: Учебное пособие: В 2-х частях. – Высшая школа, 1985.

ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
ТАҲЛИЛИ

Т. Нишонов, С. Ходжаев, А. Хусанжонов

Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 8.09.2020 й.)

The article tells about electric vehicles, which are one of the most modern types of vehicles being developed today, as well as the history of their creation and development. Based on the facts presented in electric vehicles, their comparative analysis with conventional fuel vehicles, as well as their number of advantages and disadvantages, is discussed.

Key words: Automobile, engine, efficiency, fuel, efficient power, ecology, untraditional energy sources.

В статье рассказывается об электромобилях, являющихся одним из самых современных видов транспортных средств, разрабатываемых сегодня, а также об истории их создания и развития. На основе фактов, представленных в электромобилях, обсуждается их сравнительный анализ с автомобилями на обычном топливе, а также их ряд преимуществ и недостатков..

Ключевые слова: автомобиль, двигатель, эффективность, тепло, топливо, эффективная мощность, экология, нетрадиционные источники энергии.

Ушбу мақолада бугунги кундаги ривожланган автотранспорт воситаларининг энг замонавий турларидан бири ҳисобланадиган электромобиллар, уларнинг яратилиши тарихи ва ривожланиши борасидаги фикрлар баён этилган. Электромобиллар бўйича келтирилган фактларга асосланган ҳолда, уларнинг анъанавий ёқилғи билан ишлайдиган автомобилларга нисбатан солиштирма таҳлиллари ва уларнинг бир қанча афзалликлари ҳамда камчиликлари ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: автомобил, двигател, самарадорлик, ёнилғи, эффектив қувват, экология, ноанъанавий энергия манбалари.

Инсон ҳаётда доимо олдинга интилиши ва тинмай изланиши орқали албатта ўзи учун қулай шароит яратишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда ҳар бир замонавий инсон ўзининг транспортга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун бугунги кундаги ҳар қандай транспорт воситаларидан у ёки бу усулда фойдаланади. Ушбу транспорт воситалари орасида автомобиллар шубҳасиз салмоқли ҳиссани эгаллайди. Шу туфайли ҳам автомобиллар юқлар ва йўловчиларни ташиш борасида етакчи ўринни муқим ушлаб туради. Ана шундай катта ҳажмли юқлар ва йўловчиларни ташиш зарурияти автомобилларни кўплаб, серияли ишлаб чиқарилишига олиб келди. Бугунги кунда автомобиллар сони 1 млрд. дан ошиб кетди. Шулардан 85 % ини енгил автомобиллар, 15 % ини юк автомобиллар ва автобуслар ташкил этади. Ушбу автомобиллар инсонлар учун турли хилдаги транспорт хизматларини сифатли амалга оширишда кўмак беради.

Бироқ, жуда кўп афзалликларга қарамай, улар бир қатор камчиликларга эга. Асосий камчиликлардан бири шундаки, транспорт воситалари атроф-муҳитга катта зарар етказди. Автомобиллар бир томондан, атмосферадан тирик организмлар учун зарур бўлган кислородни ютади, иккинчи томондан эса атроф-муҳитга турли заҳарли газлар чиқаради. Шу билан бирга, сўнгги пайтларда нефт маҳсулотлари нархи кескин ўсиб бормоқда. Ушбу фактлар камхарж ва экологик тоза транспорт воситаларини ишлаб чиқарилишига бўлган талабларни ортиб кетишига олиб келди.

Яқин-яқинларгача газнинг бензиндан афзаллиги ҳақида кўп гапирилар эди. Энди эса матбуотда электр двигателли автомобиллар ҳақида ёзилмоқда. Шуни тан олиб айтиш керакки, электромобиллар иссиқлик двигателига эга автомобиллардан аввал пайдо бўлган. Илк электромобиллар тарихи ички ёнув двигатели асосида ҳаракатланувчи автомобиллардан ҳам узоқроққа, яъни 180 йилга бориб тақалади. Бундан келиб чиқадики, биринчи электр машиналар биз билган анъанавий ички ёнув двигатели билан жиҳозланган биринчи машинадан деярли 50 йил олдин пайдо бўлган. Фарадей томонидан электромагнит индукция кашф этилиши уларнинг ривожланишига туртки бўлди, шундан сўнг муҳандислар ва ихтирочилар уни амалда қўллаш усуллари излай бошладилар. Тиркама кўринишидаги

электромоторли биринчи автомобил 1841 йилда кашф қилинган [1]. Икки ўриндикли, тўрт гилдиракли дастлабки электромобилларнинг олд гилдираклари ортагиларига қараганда нисбатан каттароқ бўлган. Улар 36 бўлмали барий тизимига асосланган кўрғошин аккумуляторлар кучи билан ҳаракатланган. Бундай аккумуляторлар ҳар 64 километр масофада қувватлашни талаб қилган. Ўша вақтларда электромобиллар 4 от кучига эга бўлиб, соатига 37,4 километргача тезликда ҳаракатланган бўлса ҳам, ўз даврида оламшумул кашфиёт сифатида тан олинган.

XX асрнинг биринчи чорагида автомобиллар асосан электр токи ва буг асосида ҳаракатланарди. 1910 йилда биргина АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида 70 минг донa электромобил-таксилар ҳаракатланар эди. Шунингдек, электр юк машиналар ва электр автобусларни сони ҳам кўпчилиكنи ташкил этарди.

Дастлаб бензин ва электр токида ҳаракатланувчи автомобилларнинг ўртача тезлиги бир хил бўлган. Бироқ электромобилларнинг энг катта камчилиги қувватлаш жараёнининг мураккаблигида эди. Ўша вақтларда ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантириб берувчи мосламалар бўлмагани боис, қувватлаш жараёни электромотор ёрдамида амалга оширилган. Ўзгарувчан ток билан ишловчи мотор электромобил аккумуляторига уланган вални ҳаракатга келтирган. 1906 йилда ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантириб берувчи нисбатан содда кўринишдаги мослама яратилган бўлса ҳам, қувватлаш муаммоси етарлича ҳал этилмади [1]

1960 йилларга келиб автотранспортлар билан боғлиқ равишда вужудга келган экологик муаммолар ҳамда ёнилғи маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетиши электромобилларнинг такомиллашган кўринишларини яратиш устида олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириб юборди.

1990- йилларда АҚШнинг Калифорния штати атмосфераси энг кўп ифлосланган ҳудуд сифатида тилга олинган, Калифорния Ҳаво ресурслари қўмитаси томонидан 1998 йилдан бошлаб жами автомобилларнинг 2 фоизи, 2003 йилдан эса 10 фоизи атмосферага зарарли газларни чиқармайдиган электромобиллардан иборат бўлиши лозимлиги ҳақида қарор қабул қилинди. Шу мақсадда *General Motors* компанияси 1996-йилдан бошлаб *EV1* электромобилларининг кенг қўламда ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. Шу тариқа, замонамизнинг биринчи ишлаб чиқарилган электр автомобили 1996 йилдан 2003 йилгача АҚШда ишлаб чиқарилган *GM EV1* бўлди.

1997 йилда Калифорнияда 5500тадан зиёд ана шундай электромобиллар савдога чиқарилди [3]. Электр транспорт воситаларининг ривожланишига нисбатан кичик ва қайта зарядланувчи батареялар етишмаслиги тўсқинлик қилди [2].

2002 йилда электромобиллар аккумуляторлари билан боғлиқ муаммо туфайли қарийб барча шу каби автомобиллар ишлаб чиқарувчилар томонидан йиғиб олиниб, йўқ қилинган бўлса, нефт нархининг кескин кўтарилгани 2007 йилга келиб электромобилларга бўлган талаб ва эътиборни яна жонлантирди. Электромобилларни ишлаб чиқаришга жаҳондаги барча йирик компаниялар киришиб кетди. Айни дамда бу соҳада АҚШ ва Хитой олдинги ўринларни эгалламоқда. Энг машҳур оммавий ишлаб чиқарилган электр транспорт воситаларини кўриб чиқиш мумкин: *Toyota RAV4 EV*, *ZENN*, *ZAP Xebra*, *General Motors EV1*, *Chevrolet Volt*, *Volvo C30 BEV*, *Tesla Roadster*, *Tesla Model S*, *Modec*, *Reva NXR*, *Renault ZE seriyalari*, *Nissan LEAF*, *Tazzari ZERO*.

Бугунги кунда электромобиллар нафақат шахсий транспорт воситаси сифатида, балки вокзал, ишлаб чиқариш цехлари ва йирик савдо тармоқларида юкларни ташиш, аттракционларда кўнгилочар мақсадларда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Кўпчилиكنинг назарида электромобиллар секин ҳаракатланувчи, тез-тез қувватлаш зарур бўлган, устига-устак жуда қиммат транспорт воситаси ҳисобланади. Аслида эса электромобилларнинг ўртача тезлиги ички ёнув двигателли автомобиллардан қолишаётгани йўқ. Жумладан, 2010 йилнинг 22-23 май кунлари япониялик электромобил ишқибозлари клуби томонидан ишлаб чиқарилган *Daihatsu Mira EV* автомобили бир марталик қувват билан 1003,184 километр масофани босиб ўтди. Шу йилнинг 24 августида эса литий-ионли

аккумулятор билан жиҳозланган Venture Jamais Sontente электромобили АҚШнинг Юта штатида 1 километр масофа оралиғида тезликни соатига 495 километрга олиб чиқди. Унинг максимал тезлиги эса 515 километр-соатни ташкил этди. 27 октябр санасида «*Lekker Mobile*» электромобили барча имкониятлар, жумладан, иситиш тизими ёқилган ҳолда Мюнхендан Берлингача бўлган 605 километрлик масофани бирмарталик қувват билан босиб ўтди. Мазкур электромобил 55 кВт қувватга эга двигател ва 115 кВт-соат сифимли «*DBM Energy*» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган Calibri аккумуляторлари билан таъминланган бўлиб, ўртача тезлиги соатига 90, баъзи жойларда 130 километрга етди. «*DBM Energy*» мутахассисларининг таъкидлашларича, бундай аккумуляторлар билан электромобил эгалари 32 соатгача тинимсиз ҳаракатланиши, умумий ҳисобда 500 минг километр масофани босиб ўтишлари мумкин [4].

Бугунги кунда электродвигателларнинг фойдали иш коэффициенти 88-95 фоизни ташкил этмоқда. Ички ёнув двигателларидан эса бу кўрсаткич 22-42 фоизни ташкил этади холос [4]. Тўғри ҳозирча, электромобиллар оддий автомобиллар даражасига етиб олгани йўқ. Бироз нархининг қимматлиги сабаб ҳаридорларнинг кўнглидан жой топа ололмапти. Лекин ушбу русумдаги транспорт воситалари (электромобиллар) инсониятнинг келажаги экани тан олинмоқда. Чунки электромобиллар экологик тоза энергиядан қувватланади. Нима бўлганида ҳам, яқин келажакда жаҳон автомобил саноатида электромобилларга талаб ортиши аниқлиги айтилмоқда.

Электромобиллар бир қатор афзалликларга эга бўлиши билан бирга камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Қуйида унинг афзаллик ва камчиликларини кўриб ўтамиз.

Электр транспорт воситаларининг афзалликлари:

Ёқилғи нархининг пасайиши. Ички ёнув двигателлари (ИЁД) нефт ёқилғи турлари орқали ҳаракатга келиши ва бундай двигателли автомобиллар жуда ҳам кўплиги сабабли унинг истеъмоли кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида нефт нархини жадал суръатлар билан ортишига сабаб бўлмоқда. Электромобиллар эса бундай ёқилғилар истеъмолидан ҳоли саналгани сабаб, эндиликда бундай ёқилғи турларига бўлган эҳтиёжни камайиши ва бу орқали нефтнинг нархини кескин пасайтирилишига эришиш мумкин бўлади.

Атроф-муҳит ифлосланишининг камайиши. Электр автомобил двигатели атроф муҳитга зарарли газларни чиқармайди. Электромобиллар ортгани сайин ИЁД билан жиҳозланган автомобиллар аста-секин камая боради. Бу эса ўз навбатида умумий глобал экологияни яхшиланишига олиб келади.

Хавфсизлик. Электр машиналари оддий машиналар сингари синов тартибларидан ўтади. Шундай қилиб, тўқнашув бўлса, ҳаво ёстиғи ишга тушади, тўқнашув сенсори батареяларни ўчиради, шунда электр автомобил тўхтаб қолади. Масалан, *Tesla Model-S* электр автомобили 2013 йилда АҚШда синовдан ўтган барча автомобиллар орасида энг юқори хавфсизлик рейтингини олди [5].

Ишончлилик. Электромобилларда эҳтиёт қисмлар ва йиғилишларнинг сони камроқ бўлгани сабабли, электр транспорт воситасининг ишончлилиги ошади ва натижада таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари камаяди.

Электр транспорт воситаларининг камчиликлари:

Зарядлаш станциялари етишмовчилиги. Электромобиллар учун зарядлаш станцияларни ҳар қадамда ҳам учратиш қийин. Кейинги йилларда электромобилларни ривожлантиртириш учун бундай электр зарядлаш станциялари ўта муҳим саналади. Электр токида ҳаракатланувчи воситаларнинг кенг ривожланиши учун кўплаб микдордаги стационар зарядлаш станциялари керак бўлади. Бу борадаги ишлар аллақачон бошланганига қарамай, ушбу лойиҳалар ҳали ҳам бошланғич босқичда. Бундай микдордаги электромобиллар паркини зарядлаш мақсадида қуйидаги уч турдаги мингдан зиёд стационар электр зарядлаш станциялари ишга туширилади:

Аккумуляторларни 6-8 соат давомида тўла зарядловчи 3 кВт гача қувватли секин зарядлаш станциялари;

Аккумуляторларни 3-4 соат давомида тўла зарядловчи 7-22 кВт гача қувватли тез зарядлаш станциялари;

Аккумуляторларни 30 минут давомида тўла зарядловчи 43-50 кВт гача қувватли юқори тезликдаги зарядлаш станциялари.

Қайта тўлдириш вақти. Электромобилларни ҳозирги реал шароитда тўла зарядлаш учун 8-10 соат вақт кетади. Аммо юқорида айтиб ўтилган зарядлаш тузилмалари орқали бу муаммони ҳам деярли ҳал этиш имкони мавжуд бўлади.

Қисқа масофа. Кўпгина электр транспорт воситалари битта зарядланиш билан 160 дан 240 км гача юриши мумкин. Аммо баъзи автоконцернлар қайта зарядламасдан 480–1000 км масофани босиб ўтишга қодир бўлган моделларни ҳам ишлаб чиқаришни ваъда беришмоқда.

Қишда энергия сарфининг ортиши. Қишда ва совуқ шароитларда батарея ички иситиш, ойна тозалагичлар ва чироқлар учун кўпроқ энергия сарфлайди. Бу қишда юришнинг ёзги даврга нисбатан 30-50% га камайишига олиб келади [6].

Электр транспорт воситаларини ишлатишда юқоридаги каби кўплаб етишмовчилик ва ноқулайликлар мавжуд бўлишига қарамай, келажакда улар ҳал қилинишига ишониш керак. Аввало, электр автомобилининг асосий афзаллиги бу атроф-муҳит ифлосланишининг камайиши дея баҳоланиши лозим. Айнан ушбу глобал муаммо электромобилларнинг ривожланиш тенденциясини белгилаб беради.

Бугунги кунда электромобиллар ишлаб чиқариш зарурияти автомобилсозлар учун стратегик масалага айланмоқда. Аммо ҳар қандай ишлаб чиқариш талаб билан оқланади. Қисқа қилиб айтидиган бўлсак, анъанавий бензин ва газда юрадиган автомобиллар замонаси яқунланмоқда! Узоғи билан яна икки ўн йиллик ичида улар ўз ўрнини электромобилларга бўшатиб беради.

Халқаро Энергетика Агентлигининг *Global EV Outlook* хисоботларига кўра дунё бўйича электромобиллар сони 2012 йилда 180 минг бўлган бўлса 2017 йилга келиб уларнинг сони 1 млн. дан ортган. Ушбу миқдорнинг 60 % дан зиёди учта ривожланган мамлакатлар (АҚШ-35%, Япония-16%, Хитой-14%) хиссасига тўғри келади.

Электромобиллардан ташқари ҳозирда дунёда 60 мингдан зиёд электробус, 235 млн. электр мотоцикллар (35 минг электробус ва 230 млн мотоцикллар Хитойда) мавжуд [7].

Бозорни электромобиллар билан забт этишни *Tesla* бошлаб юборди. Биргина 2019-йилнинг охириги чорагида компания 104 891 дона электромобил сотган [8]. Ва бу борада *Tesla* ёлғиз эмас. Кўпчилик электромобил деганда биринчи навбатда *Tesla* ни тасаввур қилади. Лекин электромобиллар аллақачон *Jaguar*, *Audi*, *Mercedes-Bens* ва *Porsche* каталогларида ҳам бор.

Ҳозирча фақат *Porsche* ишлаб чиқарган модел бозорда *Tesla* билан рақобатлаша оладиган даражада арзон чиққан ва техник жиҳатдан афзалликларни ҳам ваъда қилмоқда. Хусусан, *Porsche Taycan* модели атиги 22 дақиқада 80 фоиз зарядланиши мумкин ва тўлиқ заряд олиши учун 1 соат кифоя қилади [8].

Умуман олганда, бизга таниш йирик автоконцернларнинг анъанавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган заводлари ёппасига электромобиллар ишлаб чиқаришга ўтмаётганининг энг катта сабаби конвейер линияларини электромобилларга мослаш учун ўн миллиардлаб доллар сармоя керак бўлиши билан боғлиқ.

Қолаверса, электромобил ишлаб чиқариш учун лойиҳалаш ва конструкторлик мутахассислари, йиғиш усталари ва ишчи ходимлар керак бўлади. Заводда бирварақайига бунча малакали ишчи топишнинг эса иложи йўқ. Айнан шу омиллар ҳозирча жаҳоннинг йирик автомобилсозлик корхоналарини биров тутиб турибди. Шунга қарамай, бизни электромобиллар замонасига олиб ўтадиган техник инқилобга жуда яқин қолди.

Энг камтарона ҳисоб-китобларга кўра, 2019-йил бошида электромобиллар бозори 5,6 миллион донани ташкил қилган бўлса, йил охирига келиб бу кўрсаткич деярли 8 миллионга етди [9].

Халқаро Энергетика Агентлиги хисобларига кўра 2020 йилга бориб дунёда электромобиллар сони 20 млн.га яқинлашиши кутилган эди. Агентлик башорат қилганидек,

2025 йилга келиб глобал электр транспорт воситалари парки деярли 200 баравар кўпаяди, яъни. 200 миллион донa автомобилга етади [7].

Lux Research компанияси прогнозларига кўра, 2035-йилга бориб, жаҳон бўйлаб электр батарейкалари бозорининг йиллик айланмаси 546 миллиард долларга етади.

Демакки, бу электромобил ишлаб чиқарувчилари билан параллел равишда ривожланиши ва арзонлашиши керак бўлган аккумулятор ва уни зарядлайдиган қурилмалар ишлаб чиқарувчиларининг ҳам ривожланиш истиқболлини белгилаб беради. Ана шу 546 миллиард долларлик йиллик сарфнинг 74 фоизи жаҳон бўйлаб ҳаракатланаётган электромобиллар ҳиссасига тўғри келади ва улар умумий ҳисобда жами аккумуляторлар электр сифимининг 91 фоиз қисмини эгаллайди [9].

Бу лойиҳаларнинг амалга ошиши жаҳон автомобилсозлик тенденциялари ва электромобилларнинг эволюцион истиқболлини қай даражада рўй беришини кўрсатмоқда. Эндиликда автомобилсозлар учун электромобиллар ишлаб чиқарилиши ўзининг қанчалик долзарблигини белгиллаган ҳолда муҳим стратегик масалага айланмоқда.

Адабиётлар

- [1]. Жук А.З., Клейменов Б.В., Фортон В.Е., Шейндлин А.Е. Электромобиль на алюминиевом топливе. — М.: Наука, 2012. — 171 с.
- [2]. Bob Lutz. Car Guys vs. Bean Counters: The Battle for the Soul of American Business. — «Alpina Publisher», 2012.
- [3]. Михаил Лобачев. Очень странные дела: автомобильные истории, которые не любят вспоминать. Журнал Авто.ру (6 мая 2020). Дата обращения 8 мая 2020.
- [4]. Анастасия Дубина. На стоянке нашли чудом уцелевший электрокар General Motors. Возможно, это последний экземпляр модели EV1 в мире. Motor.ru (9 декабря 2019). Дата обращения 8 мая 2020.
- [5]. Борс Н.И., Муратов Д.Ш., Пимукова Л.А. Электромобили как транспорт будущего. Сборник материалов II Региональной студенческой научно-практической конференции с всероссийским участием. 2015. С. 105-108.
- [6]. Пеньшин Н.В. Эффективность и качество как фактор конкурентоспособности услуг на автомобильном транспорте : монография / Н.В. Пеньшин ; под науч. ред. В.П. Бычкова. — Тамбов : Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2008. — 224 с.
- [7]. Червенчук В.Д. Исследование эксплуатационных параметров гибридомобилей серии Toyota Prius / В.Д. Червенчук // Образование. Транспорт. Инновации. Строительство : сб. науч. тр. нац. науч. практ. конф. — 2018. — С. 183–187.
- [8]. Электромобили: опубликована статистика за 2017 год Электронный ресурс. Режим доступа <https://smart-lab.ru/blog/450566.php>
- [9]. Джайлаубеков Е.А., Нартов М.А. Электромобили - будущее городского транспорта. Перспективы развития // Вестник КазАТК. — Алматы, 2014. — № 1 (86). — С. 47-53.

1. “Фарғона политехника институти Илмий – техника журнали” (“Научно – технический журнал ФерПИ”, “Scientific – Technical Journal FerPI”) саҳифаларида фундаментал ва техника фанлари соҳасида янги илмий натижаларга эга бўлган ва 50 % дан ортиқ қисми илгари эълон қилинмаган ўзбек, рус, инглиз тилларида тайёрланган мақола ва қисқа хабарлар қуйидаги бўлимлар бўйича чоп этилади: **физика-математика фанлари; механика; қурилиш; энергетика, электротехника, электрон қурилмалар ва ахборот технологиялари; кимёвий технология ва экология; ижтимоий-иқтисодий фанлар; қисқа хабарлар.**

2. Мақола стандарт A4 ўлчамдаги оқ қоғознинг бир томонида чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юқоридан ва пастдан 20 мм кенгликда жой қолдириб, **Times New Roman** шрифтида, **12 pt** ўлчамда, қаторлар ораси **бир оралиқ** билан ёзилади ва икки нусхада тақдим қилинади. Мақолалар ҳажми чизмаларсиз **саккиз саҳифадан**, қисқа хабарлар эса **уч саҳифадан** ошмаслиги ва иккинчи нусхасида барча муаллифлар фамилияси, исми ва шарифларини кўрсатиб имзо чекишлари лозим.

3. Мақолага қуйидагилар илова қилинади: иш бажарилган **ташкилот йўлланмаси**; ўзбекча, русча ва инглизча **аннотациялар** (бир хил мазмунда ва 5-6 қатордан ошмаслиги зарур), **таянч сўзлар, мақола номлари; эксперт хулосаси; муаллифлар тўғрисида маълумот** (иш жойи, лавозими, телефони, e-mail). Муаллифлар орасида фан доктори бўлмаган тақдирда, шу соҳа ихтисослиги бўйича **фан докторининг тавсияси** тақдим этилади.

4. Формулалар компьютерда Word формулалар муҳаррирининг Math Type версиясида ёзилади. Чизмалар ва диаграммалар стандарт қоидаларга риоя қилинган ҳолда 10×10 см дан катта бўлмаган ўлчамда тайёрланиши, ёзувлар имкони борида сонлар ёки ҳарфлар кўринишида берилиши ва улар мақола саҳифасида ёки чизмага иловада тушунтирилиши лозим. Мақолада чизмалар сони **4 тагача**, қисқа хабарларда эса **2 тагача** рухсат этилади.

5. Мурожаат қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида қуйидаги тартибда келтирилади: муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт (китоблар учун) йили, журнал номери, саҳифа (журнал учун). Мақола саҳифаларида адабиётларга илова рақам билан тартибли равишда квадрат қавс ичида (масалан [7] кўринишида) берилади.

6. Мақолани тайёрлашга ўта синчковлик ва ўткир диққат билан ёндошиш тавсия этилади. У илмий ва грамматик жиҳатдан юқори даражада талабчанлик билан илмий мақола мақомида таҳрирланган бўлиши лозим: саёз мазмундаги, ғализ ва узундан-узоқ жумлаларни ишлатмаслик; мақоланинг илмий йўналишига, шу куннинг ечилмаган ва долзарб муаммоларига баҳо берилиши; ишнинг асосий мақсади, қўйиладиган масалалар ва уларни ечиш услублари, олинган янги илмий натижалар ва уларнинг таҳлили ҳамда аниқ хулосалар катъий кетма-кетликда равон тилда баён қилиниши лозим.

7. Таҳририят зарурат бўлганда тақдим этилган мақола ва қисқа хабарларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга. Улар сўзсиз таҳририят аъзоларига ёки бошқа тегишли мутахассисларга тақризга берилади.

8. Агар мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охирги кўриниши олинган кундан бошлаб мақола таҳририятга тушган ҳисобланади. Журнални чоп этишда doc. MS Word 97 (2003) таҳририда ишловчи дастурлардан фойдаланилади.

Мақолаларини ўз вақтида чоп этилишини истаган муаллифлар таҳририятга ана шу дастурдан фойдаланган ҳолда компьютерда терилган электрон вариантини тақдим этишлари мақсадга мувофиқдир.

9. Журналнинг электрон вариантларини ФерПИ веб-сайти <http://www.ferpi.uz> (faoliyat→ilmiy faoliyat→ilmiy jurnal) дан топиш мумкин.

Кўрсатилган қоидалар асосида тайёрланмаган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди.

1. На страницах «Научно-технического журнала ФерПИ» публикуются статьи и краткие сообщения в области фундаментальных и технических наук, содержащие новые или более 50 % ранее не опубликованные научные результаты, на узбекском, русском или английском языках по следующим разделам: **фундаментальные науки; механика; строительство; энергетика, электротехника, электронные устройства и информационные технологии; химическая технология и экология; социально-экономические науки; краткие сообщения.**

2. Статья представляется в двух экземплярах на белой бумаге стандартного формата А4 с полями: слева 30 мм, сверху и снизу по 20 мм, справа 1,5 мм; шрифт Times New Roman 12 pt, междустрочное расстояние один интервал. Общий объем статьи не должен превышать восьми страниц, не считая рисунков, кратких сообщений же не более трёх страниц. Второй экземпляр статьи представляется с подписями всех авторов.

3. К статье прилагаются: **направление учреждения**, в котором выполнена работа; **экспертное заключение** (для авторов из Республики Узбекистан); на узбекском, русском и английском языках **аннотация** (из 5-6 строк одинакового содержания), **ключевые слова, название статьи; сведения об авторах** (место работы, должность, телефон, e-mail). В случае отсутствия среди авторов доктора наук представляется рекомендация доктора наук в области этой специальности.

4. Для написания формул в тексте необходимо пользоваться редактором Word Math Type. Формулы нумеруются в сквозном порядке. Для обозначения физических, математических и химических величин, включая индексы, применяются исключительно латинские и греческие буквы. Нельзя обозначать различные величины одной и той же буквой. Подготовленные рисунки и диаграммы должны соответствовать стандартным требованиям и не превышать размеры более чем 10х10 см, надписи, индексы или буквенные обозначения, желательно указать и пояснить на страницах статьи или в приложениях к рисункам.

5. Список литературы представляется в конце статьи в следующем порядке: Ф.И.О. авторов, название книги (журнала), год издания (для книг), номер журнала, страницы (для журналов). На страницах статьи ссылки на цитируемую литературу представляются в порядке упоминания арабской цифрой в квадратных скобках, например: [1].

6. Внимательно относитесь к стилю своей статьи, который должен отвечать требованиям высокой степени редактирования, как в отношении научности, так и грамматики. Избегайте длинных фраз поверхностного содержания. Для лучшего восприятия большой статьи читателями рекомендуется разбить текст на разделы: например, 1. Введение, 2. Методика эксперимента, 3. Экспериментальные результаты, 4. Заключение. Следует обязательно указать основную цель работы, постановку задач, актуальность и современность проблемы, методы и способы решения, полученные новые научные результаты и их анализ, а также конкретные выводы.

7. Представленные в редакцию статьи направляются для рецензирования членам редакции или другим соответствующим специалистам. Определяются, соответствует ли статья тематике журнала, есть ли в ней четко сформулированные новые научные результаты, достаточно ли надёжно обоснованы выводы, понятно ли изложен материал. При необходимости статья может быть отредактирована.

8. В случае возврата статьи авторам для доработки срок её поступления в редакцию, считается со дня поступления последнего её варианта.

При печати материалов журнала применяется текстовый редактор doc.MS Word 97 (2003). Для своевременного опубликования статьи, авторам необходимо представить электронный вариант статьи, набранный на компьютере с использованием указанной программы.

9. Электронные версии журнала доступны на веб-сайте ФерПИ <http://www.ferpi.uz> (faoliyat→ilmiy faoliyat→ilmiy jurnal).

Статьи, не оформленные согласно вышеуказанным правилам, редакцией не принимаются.

1. On pages “Scientific – Technical Journal Fer.PI” are published articles and short messages in the field of the fundamental and technical science, containing new or more than 50% earlier not published scientific results, in Uzbek, Russian or English languages according to the following sections: fundamental sciences; mechanics; construction; power, electrical equipment, electronic devices and information technologies; chemical technology and ecology; social and economic sciences; short messages.

2. Article is submitted in duplicate on white paper of the standard A4 format with fields: at the left 30 mm, above and below on 20 mm, on the right 1,5 mm; Times New Roman 12 pt font, interlinear distance one interval. The total amount of article shouldn't exceed eight pages, apart from drawings, the short messages, no more than three pages. The second copy of article is submitted with signatures of all authors.

3. To article are applied: the direction of establishment in which work is performed; the expert opinion (for authors from the Republic of Uzbekistan); in Uzbek, Russian and English languages the summary (from 5-6 lines of the identical contents), key words, article name; data on authors (work place, position, phone, e-mail). In case of absence among authors of the doctor of science the recommendation of the doctor of science in the field of this specialty is submitted.

4. For writing of formulas in the text the Word Math Type editors need to use. Formulas are numbered in a through order. For designation of physical, mathematical and chemical quantities, including indexes, exclusively Latin and Greek letters are applied. It is impossible to designate various sizes the same letter the Prepared drawings and charts have to conform to standard requirements and not exceed the sizes more than 10x10 cm, inscriptions, indexes or alphabetic references, it is desirable to specify and explain on pages of article or in annexes to drawings.

5. The list of references is submitted at the end of article in the following order: First name, middle initial, last name authors, the name of the book (journal), year of the edition (for books), the issue of the journal, pages (for Journal). On pages of article of the link to quoted literature are represented as a mention in the Arab figure in square brackets, for example: [1].

6. Consider to the style of the article attentively which has to meet the requirements of high extent of editing as concerning scientific character, and grammar. Avoid long phrases of the superficial contents. For the best perception of big article readers recommend to break the text into sections: for example, 1. Introduction, 2. Experiment technique, 3. Experimental results, 4. Conclusion. It is necessary to specify surely a main objective of work, statement of tasks, relevance and the present of a problem, methods and ways of the decision, the received new scientific results and their analysis, and also concrete conclusions.

7. Articles presented to edition go for reviewing to members of edition or other corresponding experts. Are defined, whether there corresponds article to journal subject, whether there are accurately formulated according to new scientific results in it, whether it is enough reliably valid conclusions, whether the material is clearly stated. If necessary article can be edited.

8. In case of article return to authors for completion, the term of its receipt in edition, is considered from the date of receipt of its last option.

At the press of materials of the journal the text editor of doc.MS Word 97 (2003) is applied. For timely publication of article, authors need to present the electronic version of article gathered on the computer with use of the specified program.

9. The electronic version of the journal is available on the FarPI website, <http://www.ferpi.uz> (faoliyat→ilmiy faoliyat→ilmiy jurnal).

The articles are not meeting the requirements will not be accepted by the editor.

ФарПИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ
ТАХРИРИЯТИ:

Масъул муҳаррир
Мусаҳҳиҳ
Мусаҳҳиҳ
Компьютерда саҳифаловчи

Н.Х. Юлдашев
А.Ш. Нигматуллина
Д.Н. Марайимова
С.Э. Йўлдашева

Таҳририят манзили:
150107. Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86 уй.
Телефон: 241-13-54.
Факс: 241-12-06.
Бизнинг сайт: <http://www.ferpi.uz>
E-mail: jurnalferpi@ferpi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
Оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб,
2020 йил 6 августда № 1081 рақамли гувоҳнома олинди.

Босишга рухсат этилди: 30.12.2020 й.
Бичими: А4. Гарнитура Times New Roman.
Босма табоғи: 15,25. Адади 100 нусха. Буюртма № 3.
Баҳоси шартнома асосида.
«Dadaxon Nur Print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Фарғона шаҳар Б. Марғилоний кўчаси 62-уй.
Лиц: №22-2891 21.11.2012 йил.